СОВЕТ ИТТИФОҚИ КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИНИНГ XXII СЪЕЗДИ

БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ҚИЗИЛ ЎЗБЕКИСТОН

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

«ҚИЗИЛ ЎЗБЕКИСТАН» — ОРГАН ЦЕНТРАЛЬНОГО КОМИТЕТА КОМПАРТИИ УЗБЕКИСТАНА, ВЕРХОВНОГО СОВЕТА И СОВЕТА МИНИСТРОВ УЗБЕКСКОЙ ССР

43-йил чиқиши
№ 249 (11.998)

Якшанба, 22 октябрь 1961 йил

Баҳоси 2 тийин.



МОСКВА. Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг XXII съезди. СУРАТДА: съезд президиумида. В. Савостьянов ва В. Егоров фотоси (ТАСС фотохроникаси).

Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг XXII съезди тўғрисида
ИНФОРМАЦИОН БИЛДИРИШ

20 октябрда Москвада, Кремлнинг Съездлар саройида Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг навбатдаги XXII съезди ўз ишини давом эттирди.

Съезд КПСС Марказий Комитетининг Ҳисоботини, Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Программасининг проектини ва КПСС Марказий Ревизия Комиссиясининг Ҳисобот докладини муҳокама қилмоқда.

Эрталабки мажлисда Озарбайжон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари В. Ю. Охундов, СССР Маданият министри Е. А. Фурцева, КПСС Горький область комитетининг биринчи секретари Л. Н. Ефремов, СССР Фанлар академиясининг президенти М. В. Келдиш, Тожикистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ж. Расулов ўртоқлар сўзга чиқдилар.

Съезд Мандат комиссиясининг докладини тинглади. Бу ҳақда Мандат комиссиясининг раиси ўртоқ В. Н. Титов доклад қилди.

Мандат комиссиясининг доклади бир овоздан тасдиқланади.

Эрталабки мажлиснинг охирида делегатлар ва меҳмонлар томонидан қизғин кутиб олинган Чехословакия Коммунистик партияси Марказий Комитетининг биринчи секретари ўртоқ Антонин Новотний съездни табриклади.

Кечки мажлисда КПСС Марказий Комитетининг Ҳисоботини, Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Программасининг проектини ва КПСС Марказий Ревизия Комиссиясининг Ҳисобот докладини муҳокама қилиш давом этди. Туркманистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Б. Овезов, СССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари А. И. Микоян, Эстония Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари И. Г. Кэбин ўртоқлар сўзга чиқди.

Сўнгра делегатлар ва меҳмонлар томонидан қизғин кутиб олинган чет эл коммунистик ва ишчи партияларининг вакиллари: Германия Бирлашган социалистик партияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Вальтер Ульбрихт, Италия Коммунистик партиясининг бош секретари Пальмиро Тольятти, Руминия Ишчи партияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Георге Георгиу-Деж, Венгрия Социалистик ишчи партияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Янош Кадар ўртоқлар съездни табрикладилар.

* * *

21 октябрда Москвада Кремлнинг Съездлар саройида Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг навбатдаги XXII съезди ўз ишини давом эттирди.

Съезд КПСС Марказий Комитетининг Ҳисоботини, Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Программасининг проектини ва КПСС Марказий Ревизия комиссиясининг ҳисобот докладини муҳокама қилмоқда.

Эрталабки мажлисда ВЦСПС раиси В. В. Гришин, Ново-Украинка районидаги «КПСС XX съезди» колхози трактор бригадасининг бошлиғи А. В. Гиталов (Кировоград партия ташкилоти), КПСС Марказий Комитетининг секретари М. А. Суслов ўртоқлар сўзга чиқдилар.

Сўнгра делегатлар ва меҳмонлар томонидан қизғин кутиб олинган чет эл коммунистик ва ишчи партияларининг вакиллари: Болгария Коммунистик партияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Тодор Живков, Корея Меҳнат партияси Марказий Комитетининг Раиси Ким Ир Сен, Вьетнам Меҳнаткашлар партияси Марказий Комитетининг Раиси Хо Ши Мин, Мўғулистон Халқ-революцион партияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Юмжагийн Цеденбал ўртоқлар съездни табриклади-лар.

КРЕМЛНИНГ СЪЕЗДЛАР САРОЙИДА

Съезднинг 20 октябрдаги эрталабки мажлиси

Кремлдаги Съездлар саройида Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг XXII съезди якдиллик ва жипслик вазиятида ғоят баланд руҳ билан тўрт кундан буён давом этмоқда. Делегатлар партия ва мамлакат босиб ўтган йўл тўғрисида, экономика ва маданиятнинг кучли суратда ривожланганлиги ҳақида, коммунистик жамият қурилишининг янги буюк истиқболлари тўғрисида ифтихор билан гапирмоқдалар. Сўзга чиқаётган ўртоқлар КПСС Марказий Комитетининг фаолиятини қизғин маъқулламоқдалар. Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг янги Программаси совет халқи учун, бутун инсоният учун тарихий аҳамиятга эга эканлигини таъкидламоқдалар.

20 октябрь эрталабки мажлис ўртоқ **И. В. Подгорний** раислигида очилади. КПСС Марказий Комитетининг ҳисоботи, КПСС Программасининг проекти ва КПСС Марказий Ревизия Комиссиясининг ҳисобот доклади юзасидан музокаралар давом этади.

Озарбайжон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг биринчи секретари ўртоқ **В. Ю. Охундовга** сўз берилади. В. Ю. Охундов айтадики, Н. С. Хрушчевнинг докладларида мамлакатимизнингина эмас, балки бутун инсониятнинг ҳам келажакдаги тараққиёт проблемалари кенг баён қилинганлиги, марксча-ленинча таҳлилнинг чуқурлиги ва ана шу таҳлил асосида жаҳон воқеалари башорат қилиб кўрсатилганлиги ҳозирги замон шароитида марксизм-ленинизмни ижодий тарзда ривожлантириш намунаси бўлиб хизмат кила олади.

Кейинги йилларда, хусусан КПСС XX съездидан кейин, шахсга сиғинишнинг зарарли оқибатлари тугатилганлиги ва антипартиявий группа тор-мор қилинганидан кейин мамлакатимиз коммунизм сари шахдам қадамлар билан олга ҳаракат қилиб бораётган экан, бу аввало, Марказий Комитет раҳбарлиги амалга ошириб келаётган ленинча услубнинг натижаси, Марказий Комитетнинг ленинизмдан ҳар қандай шаклда орқага чекинишдан қатъий қураш олиб борганлиги натижаси дир. Озарбайжон коммунистлари бутун партиямиз билан биргаликда КПСС Марказий Комитетининг ленинча йўлини тамомила қўллаб-қувватламоқдалар ва маъқулламоқдалар. Илмий коммунизмнинг классик асари—КПСС янги Программасининг ҳаётга татбиқ қилинганлиги, деб таъкидлайди нотиқ. Марказий Комитет фаолиятининг чўққиси бўлди. Программа проектининг съезд олдидан муҳокама қилиниши Озарбайжон ишчилари, колхозчилари, зиёлилари партиянинг режаларини ўзларининг жонажон иши деб қабул қилганликларини кўрсатди.

Ўртоқ Охундов айтадики, Ленин Совет Озарбайжонининг Шарқ халқлари учун намунали республикаларидан бири бўлишини орзу қилган эди. Ўртоқ Охундов ана шундай намунали республикаларнинг бири бўлиб қолган Совет Озарбайжонининг шонли кураш ва галаба йўллари тўғрисида гапириб, саноатнинг ривожланишига доир маълумотлар келтиради. У, республика саноати съезд олдидан олинган мажбуриятларни муддатидан илгари, 1 октябрда бажарганлигини съездга хабар қилади.

Аммо, деб уқтириб ўтади ўртоқ Охундов, саноатнинг ишларида жиддий камчиликлар ҳам бор. Ўртоқ Охундов Озарбайжоннинг нефть ва кимё саноатини янада ривожлантириш билан боғлиқ бўлган бир қанча масалаларни ўртага қўяди. Бу ерда республиканинг кимёга бўлган эҳтиёжлари ва ёқилғи балансигина эмас, Грузия ва Арманистон экономикасининг эҳтиёжлари ҳам газ чиқаришни кўпайтиришни талаб этади. Грузия ва Арманистонга томон магистрал газ қувурлари ётқизилди. Озарбайжон нефти қимёвий синтез учун жуда яхши хом ашёдир. Етти йилликда кимё саноати корхоналарида маҳсулот ишлаб чиқариш олти баравар кўпаяди. Бу саноатнинг янги корхоналари Ватанимиз ва чет эл техникасининг энг янги муваффақиятларини ҳисобга олиб қурилмоғи керак.

Ўртоқ Охундов яна қуйидагиларни айтади: Озарбайжон партия ташкилоти, қишлоқ хўжалигининг барча меҳнаткашлари 1961 йилнинг биринчи кунлариданоқ далаларда ва чорвачилик фермаларида кенг кўламдаги ишларни, кучайтириб юбордилар. Аммо қурғоқчилик аҳволни мушкуллаштириб юборди. Кейинги йигирма йил мобайнида бундай қурғоқчилик бўлмаган эди. Капиталистик система шароитида бундай қурғоқчилик миллатнинг бошига кулфат бўлиб тушар эди, аммо бизнинг мамлакатимизда аҳолининг шундай кулфатни ҳис этмаганлигига сабаб шуки, КПСС Марказий Комитети ва СССР ҳукумати республикамиздаги колхозларга озиқ-овқат, дон, уруғлик, кредит ва моддий воситалар билан катта ёрдам кўрсатдилар.

Нотиқ сўзининг охирида айтадики, Озарбайжон партия ташкилоти бундан буён ҳам КПСС Марказий Комитетининг мустаҳкам таянчи бўлиб қолади, ленинизм ва пролетар интернационализми байроғини баланд кўтариб боради, республика олдига қўйилган вазифаларнинг муваффақиятли бажарилишини таъминлайди, мамлакатимизда коммунизм қуриш ишига муносиб ҳисса қўшади.

Партиянинг янги Программаси қўйилган вазифаларнинг кўлами ва улуғворлиги жиҳатидан, илмий башоратнинг чуқурлиги ва аниқлиги жиҳатидан, назарий кучи ва турмуш билан узвий равишда боғланганлиги жиҳатидан марксизм-ленинизмнинг энг буюк асарларидан биридир, деди ўз нутқида СССР маданият министри ўртоқ **Е. А. Фурцева**. Программада партиямизнинг XX съездидан кейинги даврда тўпланган жуда катта тажрибаси ҳисобга олинган.

Партия ўзининг XXII съездига ҳар қачонгидан кўра кўпроқ бирлашган, қудратли ва жипслашган ҳолда келди.

Совет халқи ўзининг жонажон партияси, унинг содиқ ленинчи, позиторлар, кино санъати ва театр ходимлари олдига жуда муҳим ижодий проблемаларни қўйди, адабиёт ва санъатнинг халқ турмуши билан маҳкам боғланиши зарурлигини ва унинг аҳамиятини чуқур очиб берди.

Энг яхши санъат асарларида одамларнинг муносабатларидаги янги хусусиятлар, ўсиб ва мустаҳкамланиб бораётган дўстлик, ўртоқлик, ишда ва турмушда бир-бирига ўзаро ёрдам бериш ҳислари ўзининг ёркин ифодасини топмоқда. Замонавий темалардаги пьесалар ҳозир репертуарларнинг асосини ташкил этганлиги қувончли бир ҳолдир. Бу йил мамлакатимиз театрларида қўйилган 1114 совет пьесасидан деярли 80 проценти ҳозирги замон темасига, яъни совет халқининг мамлакатимизда коммунистик жамият қуриш йўлидаги курашига бағишланган.

Рассомлар, ҳайкалтарошлар, амалий санъат усталари кейинги йилларда ўз ижодларида катта муваффақиятларга эришдилар. Кино санъатини ривожлантиришда жиддий муваффақиятлар қўлга киритилди. 50-йиллар бошида мамлакатдаги киностудиялар йилига 6-7 картина чиқарган бўлса, ўтган йил 100 дан ортиқ бадиий фильмлар яратилди. Киностудияларда ёш режиссёр ва артистларнинг талантли кадрлари етишиб чиқди. 1956 йилдан 1961 йилгача мамлакатимизда 3 мингга яқин кинотеатр қурилди.

Сўнгра ўртоқ Фурцева ҳаваскорлик санъатининг ғоят кенг ривожланганлиги ҳақида гапиради. Ҳозирги вақтда мамлакатда 600 га яқин, яъни профессионал театрлар сонидан кўпроқ ҳаваскорлик театрлари, 500 дан ортиқ ҳар хил ҳаваскорлик коллективлари мавжуд бўлиб, уларда 9 миллиондан кўпроқ киши қатнашмоқда. 7 минг маданият университети ва мактаби, кўп ҳаваскорлик киностудиялари ташкил этилди.

Афсуски, дейди ўртоқ Фурцева, ҳозирги замон талабларига, халқнинг ўсган эҳтиёжларига сира жавоб бермайдиган адабий асарлар, спектакллар ва айниқса кинофильмлар ҳали ҳам озмунча чиқарилмайди. Бунинг асосий сабаби — баъзи санъаткорларнинг халқ турмуши билан ҳали ҳам суст боғланганлигидадир.

Санъаткор кимлар ҳақида асар ёзаётган бўлса, ўша кишилар билан чамбарчас боғланган тақдирдагина турмушни ўрганиши мумкин. Баъзиларимиз, баъзи ёзувчилар ва санъат арбоблари ҳали ҳам бўлса турмушдан ажралган ҳолда яшамоқдалар. Ёш санъаткорларимизга мурожаат этиб, уларни саноат марказларидан коммунизм қурилишларига, қўриқ ерларни ўзлаштиришга, яъни ҳаёт булоқидай қайнаб турган жойларга жўнаб кетган ёшлардан ўрнак олишга даъват этсак яхши бўлур эди. Бу ёзувчилар учун ҳам, санъаткорлар учун ҳам, умумий ишимиз учун ҳам фойдали бўлур эди.

Совет социалистик маданияти, деди ўртоқ Фурцева, халқаро реакция кучларига қарши идеологик курашнинг ўткир таъсирчан қуролидир. У тинчлик ва халқлар дўстлиги идеяларининг тантанаси учун курашдек олижаноб ишга, коммунизм қуришдан иборат улуғ ишга садоқат билан хизмат қилади.

Шу ажойиб кунларда, дейди ўртоқ Фурцева, партия ва халқнинг XX съезддан сўнг босиб ўтган йўлига назар ташлар эканмиз, шу вақт ичида қилинган ишларни эслар эканмиз, ленинча йўлнинг тўғрилиги, бу йўлнинг улуғвор ва гўзал натижаларини ҳаммамиз кўриб турибмиз.

Биз эришган чўққидан бизнинг босиб ўтган йўлимиз ҳам, Молотов, Каганович, Маленков, Ворошилов, Булганин, Первухин, Сабуров ва уларга қўшилган Шепиловлардан иборат фракционерлар бизни итариб туширмоқчи бўлган мудҳиш жарлик ҳам равшан кўриниб турибди. Марказий Комитетнинг июнь Пленуми партиядан ва халқдан аллақачон ажралиб қолган ва дилида партияга ҳам, халққа ҳам ишончини йўқотган бу антипартиявий группага якдиллик билан, бутун партиямизнинг қўллаб-қувватлаши билан зарба берганлиги жуда катта бахтдир.

Ўртоқ Фурцева антипартиявий группа партиянинг янги йўлига қарши қурашни Марказий Комитетнинг июнь Пленумидан анча олдин бошлаганлиги тўғрисида гапиради. Бу узоқ давом этган процесс бўлди. Фракционерлар ленинча нормаларнинг тикланишига қарши чиқдилар, чунки бир вақтлар бу нормаларни поймол қилишда уларнинг ўзлари қатнашган эдилар. Улар гуноҳсиз жазоланган кишиларнинг оқланишига қарши эдилар, чунки оммавий репрессияларда ва қонунчиликни қўпол суратда бузишларда уларнинг ўзлари айбдордирлар.

Ўртоқ Фурцева антипартиявий группанинг кейинги йиллардаги ишга ва ташқи сиёсатга доир баъзи туб масалаларга бўлган муносабатини, уларнинг партия ва ҳукуматнинг ҳаётий муҳим тадбирларига қаршилик кўрсатганлигини характерлайдиган фактларни келтиради.

XX съезд эълон қилган янги йўлни Марказий Комитет аъзоларигина эмас, балки бутун партиямиз, бутун совет халқи ҳам қизғин кутиб олганлиги ва қўллаб-қувватлаганлиги ҳаммамизга маълум, дейди сўнгра Е. А. Фурцева. Биз фахр билан айта оламизки, бу — улуғ партиямизнинг етуклигидан далолат беради, ҳаётнинг энг кескин даврларида партиямиз ҳамиша жанговар отряд бўлиб, жасур ва ижодкор отряд бўлиб, ленинчи Марказий Комитет теварагига гоявий жипслашган жанговар отряд бўлиб келганлигидан ва шундай бўлиб қолаётганлигидан далолат беради.

Ленинча планлар шунчалик кенг ва дадил амалга оширилаётган, юз миллионлаб кишилар Ленин идеялари йўлидан бораётган, бу сўнмас идеялар инсониятни коммунизм сари олиб борадиган тарихий йўлни шунчалик узоқ-узоқларгача ёркин нур сочиб ёритаётган ажойиб бир замонда яшаш ва ишлаш буюк бахтдир! — дейди пировардида Е. А. Фурцева.

КПСС Горький область комитетининг биринчи секретари ўртоқ **Л. Н. Ефремов** минбарга чиқади.

Барча коммунистлар, барча совет кишилари, дейди ўртоқ Ефремов, ўртоқ Никита Сергеевич Хрущевнинг Марказий Комитетнинг кўп қиррали сиёсий ва ташкилотчилик фаолияти тўғрисида ва КПСС Программасининг проекти тўғрисида қилган докладларини ғоят баланд руҳ ва якдиллик билан маъқулладилар, бу докладларни улуғ Ленин партияси учун, ўз Ватани учун фахрланиш туйғулари билан кутиб олдилар.

Жуда чуқур назарий мазмунга бой бўлган ана шу буюк ҳужжатларда коммунистик жамият қуришнинг илмий жиҳатдан асосланган конкрет плани жуда равшан ифодалаб берилди.

Марказий Комитетнинг ҳисоботида, деб таъкидлайди ўртоқ Ефремов, КПСС XX съездидан кейин ўтган давр партиямиз учун, совет халқи учун ва бутун инсоният учун тарихий аҳамиятга эга эканлиги жуда яққол кўрсатиб берилди.

Марксизм-ленинизмга ёт бўлган шахсга сиғиниш ва унинг зарарли оқибатларига қарши, партия ҳаётининг ва раҳбарлиги принципларининг ленинча нормаларини ва раҳбарлик принципларини тиклаш учун, совет демократиясини ривожлантириш учун КПСС Марказий Комитети томонидан мардлик, жасурлик ва принципиаллик билан олиб борилган кураш партиямизнинг тақдири учун, коммунизм қурилиши учун ғоят катта аҳамиятга эга бўлди.

Марказий Комитетнинг буюк хизмати шуки, у антипартиявий фракциячи группани қатъий фош қилди ва ғоявий жиҳатдан тор-мор келтирди. Бу группа партияни ленинча йўлдан чалғитишга уринган эди. Молотов, Каганович, Маленков, Ворошилов ва антипартиявий группа бошқа қатнашчиларининг партия ленинча йўлига қарши қилган шиддатли ҳужумлари уларнинг партия ва давлатнинг кўп сонли кадрларига нисбатан қилган оммавий репрессиялар учун шахсий жавобгарликдан қочишга интилганликларини кўрсатди.

Партия ташкилотимизнинг коммунистлари делегатларнинг ўз нутқларида Маленков партияга қарши қилган ҳаракатлари учун ленинчи партиямиз сафларида қолишга муносиб эмас, деб айтган фикрларига қўшиладилар.

Горький областининг коммунистлари ва барча меҳнаткашлари бутун партия билан, бутун халқ билан биргаликда КПСС янги Программасини ўзларининг азиз ва жонажон иши деб, ўз ҳаётининг улуғ мақсади деб қабул қилдилар ва КПСС Марказий Комитетининг ленинча сиёсий йўлини ва кўп қиррали фаолиятини якдиллик билан, чин қалбдан маъқуллайдилар.

Ўртоқ Ефремов область саноатини ривожлантириш масалаларига батафсил тўхталиб ўтади. Горькийликларнинг КПСС XXII съезди шарафига олган социалистик мажбуриятларини муваффақиятли бажарганликлари муносабати билан КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг табригига жавобан, дейди ўртоқ Ефремов, Горький шаҳри ва область-нинг механизаторлари саноатда, транспортда, қурилишда етти йилликнинг учинчи йили топшириқларини муддатидан илгари бажариш учун мусобақани янада кенг олдирадилар.

Шундан кейин нотиқ областнинг қишлоқ хўжалиги масалаларига тўхталиб ўтади, қишлоқ хўжалигини ривожланиш йўллари тўғрисида гапиради. Область партия ташкилоти ғоят маҳсулдор қишлоқ хўжалигини тез ривожлантириш ва юксалтириш мақсадида, дейди ўртоқ Ефремов, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини қатъий суратда қайта қуриш, деҳқончиликнинг кенг тарқалган ярамас системасига, яъни катта майдонларда ўт ва сувни эқилиб келадиган системасига барҳам бериш, бу экинларни энг ҳосилдор ва иқтисодий жиҳатдан фойдали экинлар билан алмаштириш чораларини кўрмоқда.

Партия ташкилоти КПСС янги Программаси ва Уставининг талабларини амалга ошира бориб, ташкилотчилик ва идеология ишларини доим юксак даражага кўтаради, жамоатчилик асосида ишлашни бутун чоралар билан рағбатлантиради ва кучайтиради, омма билан алоқани кенгайтиради ва мустаҳкамлайди, раҳбар кадрларни юксак жавобгарлик ва интизом руҳида тарбиялайди, коммунизмнинг моддий-техника базасини вужудга келтириш учун курашда коммунистларнинг ва барча меҳнаткашларнинг ташаббуси ва активлигини оширади.

Ўртоқ Ефремов сўзининг охирида қуйидагиларни айтади: Ўртоқлар, партия XXII съездини ишонтириб айтамизки, Горький область партия ташкилоти ва областнинг барча меҳнаткашлари КПСС янги Программасини муваффақиятли амалга ошириш учун ҳамма кучларини сарф қиладилар, мамлакатимизда коммунистик жамият қуришдан иборат умумхалқ ишига муносиб ҳиссаларини қўшадилар.

СССР Фанлар академиясининг президенти **М. В. Келдиш** минбарга чиқади. Партия, дейди у, Совет олимлари олдига жаҳон фанида барча асосий йўналишлар бўйича етакчи ўринни эгаллаш вазифасини қўймоқда. Партия ва халқнинг совет фани тараққиёти тўғрисида тинмай ғамхўрлиги фанимизни энг муҳим соҳаларда олдинги марраларга олиб чиқди.

Бизнинг фанимиз ядро энергиясидан тинч мақсадларда фойдаланиш йўлини биринчи бўлиб очиб берди. Совет фани физика, математика, кимё, биология ва геологиянинг қатор соҳаларида олдинги марраларни эгаллаб турибди. Фанимизнинг обрўси бутун дунёда тобора кўпроқ ортиб бормоқда.

Совет Иттифоқи энг илғор реактив ва ракета техникасини яратди. Бутун дунё фан ва техникамизнинг космик фазони эгаллашда жуда катта ютуқларга эришганлигига ва бу ютуқлар космик ракеталарнинг узоқ масофаларда учирилиши, космик фазо табиати ҳамда Ой тўғрисида янги маълумотлар олиниши билан янгиланганлигига қоил қолмоқда. Совет кишилари планеталараро алоқалар даврини очиб бердилар.

(Давоми иккинчи бетда).

СОВЕТ ИТТИФОҚИ КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИНИНГ XXII СЪЕЗДИ

КРЕМЛНИНГ СЪЕЗДЛАР САРОЙИДА

(Боши биринчи бетда).

Партия Программаси проектида қўйилган вазифалар дейди сўзини давом эттириб М. В. Келдиш, илмий тадқиқотлар савиясини янада оширишни талаб қилади. Бизнинг давримизда саноат ва фаннинг тараққиёти бир-бири билан мустаҳкам боғланган. Олимларнинг бурчи фаннинг халқ хўжалиги тараққиёти учун энг муҳим бўлган асосий соҳаларини ривожлантиришдан, мамлакатимиз мудофаа қудратини оширишдан, маданиятни гуллаб-яшнатишдан иборат.

Академик М. В. Келдиш партия Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети мамлакатда илмий тадқиқот ишларини координациялашни ва Фанлар академияси фаолиятини яхшилаш юзасидан кўрган тадбирлари катта аҳамиятга эга эканлигини таъкидлаб ўтади. Бу тадбирлар жуда муҳим илмий ва техник проблемаларни аниқлаб олишга ҳамда илмий кучларни тўплашга ёрдам беради.

Президент фандаги назарий йўналишларнинг тараққиёти техника ривожи учун ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлишини кўрсатиб ўтади. Физика энергетикада янги истиқболлар очиб беради.

Олимлар атом энергетикасини ривожлантириш ва бошқариладиган термоядро реакциясини эгаллаш юзасидан жуда катта иш қилишлари керак.

Ионлашган газ — плазманинг ҳоссаларини текшириш муҳим аҳамиятга эгадир. Плазма техниканинг қатор муҳим соҳаларида, жумладан узоқ космик сафарларга мўлжалланган ракета двигателларида, иссиқлик энергиясини бевосита электр энергиясига айлантириш учун хизмат қиладиган установкаларда қўлланилади. М. В. Келдиш плазма физикасини ва бу физика қўлланиладиган энг муҳим соҳаларни ўрганиш юзасидан ҳозир кенг авж олган халқаро мусобақада совет фани олдинги марраларда турганлигини хабар қилади.

Бизнинг мамлакатимизда, деб давом этади у, материя ичига энг чуқур кириб боришга — юқори энергиялар элементар заррачалар физикасига ва уларнинг ўзаро таъсирига катта эътибор берилмоқда. Шу мақсадда назарий тадқиқотлар олиб борилмоқда. материянинг элементар заррачаларининг улкан тезлаштиргичлари яратилмоқда, коинотнинг узоқ масофаларидан заррачалар олиб келадиган космик нурлар Ерда ва йўлдошлар ҳамда ракеталар ёрдамида ўрганилмоқда; бу заррачаларнинг энергияси эса лабораторияларда эришишга мумкин бўлган ҳамма энергиядан юқори туради.

Шундан кейин М. В. Келдиш партия Программаси проектида қўйилган қатор вазифаларнинг ҳал этилишини кўп жиҳатдан белгилаб берадиган фан соҳаларига тўхталиб ўтади. Қаттиқ жисм физикаси бўйича олиб бориладиган тадқиқотлар, радиоэлектроника, квант радиофизикаси проблемалари шулар жумласидандир. Кўринадиган нурга тенг узунликдаги тўлқинга ва юқори фокусировкага эга бўлган радио нурланишни генерация қилиш соҳасидаги тадқиқотлар катта аҳамиятга эгадир. Радио тўлқинларининг оптик диапазонини эгаллаш деб таъкидлайди, президент, ўта узоқ масофаларга жуда катта миқдорда радио ахборотлар беришни ривожлантириш истиқболларини очиб беради. Нур диапазонига эга бўлган биргина радиостанция ёрдами билан бир вақтнинг ўзида ўн минглаб телевизион программалар бериш мумкин.

Тежамли ва юқори унумли мукаммал машиналарни яратиш соҳасида эришиладиган муваффақиятлар кўп жиҳатдан уларда ишлатиладиган материалларнинг сифатига боғлиқ. Атомлараро боғланиш пишиқлигига эга бўлиб, оддий материалларга қараганда неча юз марта мустаҳкам бўлган металлардан буюмлар яратиш умид берадиган тадқиқотлар ўтказилди. Физикларимиз томонидан ишлаб чиқилган сунъий олмос олиш усуллари саноатда ҳозирнинг ўзидаёқ қўлланилмоқда. Синовлар шуни кўрсатдики, сунъий олмослардан фойдаланиладиган абразив асбобнинг чидами табиий олмос қўлланган-гандагига нисбатан 40 процент юқоридир. Сунъий олмослар ишлаб чиқариш саноати яқин орада халқ хўжалиги эҳтиёжларини тўла қоплай олади.

СССР Фанлар академиясининг президенти фаннинг меҳнат унумдорлигини оширишнинг олий формасига — ишлаб чиқаришни автоматлаштиришга қўшиши лозим бўлган катта ҳиссаси тўғрисида гапиради. Полимерлар кимёси бўйича олиб бориладиган илмий тадқиқотлар анча кучайтирилади. Олимларнинг бурчи — синтетик толалар пўлатдан ҳам мустаҳкам бўлишига, автомобиль шиналари янада кўпроқ чидашига, пластмассадан қилинадиган буюмлар машинасозлик ва қурилишга кенгроқ жорий қилинишига эришишдан иборатдир.

Кимё, биохимия, микробиология соҳасида эришилган муваффақиятлар қишлоқ хўжалиги ва медицина учун тобора кўпроқ роль ўйнамоқда. Олимлар қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши учун гоят муҳим бўлган препаратлар тайёрлашга эришдилар. Бунга, медицинада ва чорвачилик маҳсулдорлигини оширишда гоят катта аҳамият касб этган «В-12» витамини; қишлоқ хўжалик зараркунандаларига қарши кураш учун мўлжалланган таъсири зўр фосфорорганик «М-81» препарати мисол бўлолади. Буларни кўп миқдорда ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш керак, дейди ўртоқ Келдиш. Геология, география, геофизика олдида ҳал қилиниши лозим бўлган катта проблемалар турибди. Жумладан мамлакатнинг шарқий районларида олиб бориладиган тадқиқот ишларини кенгайтириш, хомашёдан комплекс фойдаланишга, ернинг янада чуқурроқ қатламларини ўрганишга эътиборни жалб қилиш муҳимдир.

Президент ижтимоий фанлар проблемаларига катта эътибор бериб, олимлар марксизм-ленинизмни янада ижодий ривожлантиришда партияга актив ёрдам беришлари кераклигини таъкидлаб ўтди.

М. В. Келдиш съездни ишончириб айтдики, Коммунистик партия ва унинг Марказий Комитети, шахсан ўртоқ Н. С. Хрушчев доим зўр эътибор бериб қўллаб-қувватлаб келаётган олимлар ўз олдиларига қўйилган масъулиятли вазифаларни бажарадилар.

Тожикистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари ўртоқ **Ж. Расулов** айтадики, қадимий Москва Кремли жуда кўп буюк воқеаларнинг шоҳиди бўлган. Ҳозирги кунда бу ерда СССРда коммунистик жамият қуриш Программаси—инсон бахтини яратишнинг энг гўзал Программаси муҳокама қилинмоқда. Янги Программа проекти—бутун партиямиз ва аввало, унинг жанговар штаби — саботли ва изчил ленинчи, талантли назариячи ва ташкилотчи, ер юзида тинчлик ва бахт-саодат учун толмас ва мард курашчи Никита Сергеевич Хрушчев бошчилигидаги ленинчи Марказий Комитети, КПСС Марказий Комитети Президиуми бажарган буюк ижодий ишларнинг якунидир. Тожикистон меҳнаткашлари партия Программаси проектини коммунистик жамият қуриш йўлида умумхалқ курашининг байроғи деб қабул қилдилар.

Нотиқ Совет мамлакатининг қишлоқ хўжалигини, саноатни ривожлантиришда, хўжалик ва маданий қурилишда жуда катта муваффақиятларга эришганлигини таъкидлаб, қуйидагиларни уқтириб ўтади: Бизнинг ҳаётимиз партия Марказий Комитетининг Молотов, Каганович, Маленков, Ворошилов, Булганин ва бошқалардан иборат антипартиявий группанинг бузғунчилик ҳаракатларини фош қилиш ва тор-мор келтириш йўлида кўрган тадбирлари тўғри ва ўз вақтида кўрилган тадбирлар эканлигини тамомила исбот этди. Ана шу партияга қарши группа партия сафларининг бирлигига путур етказиш, партияни КПСС XX съезди ишлаб чиққан ленинча йўлдан четга чиқаришга уринган эди.

КПСС XX съездидан кейин мамлакатимиз эришган буюк муваффақиятларни, дейди ўртоқ Расулов, ҳар бир иттифоқчи республика мисолида, шу жумладан Совет Тожикистони мисолида жуда яққол кўриш мумкин. Республикада саноатнинг янги тармоқлари—машинасозлик ва электротехника саноати вужудга келди, энергетика, цемент саноати мавж уриб юксалмоқда. 100 дан ортиқ саноат корхоналари ва цехлар ишга туширилди. Маҳсулотнинг янги турларини, шу жумладан автомат тўқувчилик станоклари, силовой трансформаторлар, савдо-сотиқ жиҳозлари ишлаб чиқариш ўзлаштирилди.

Қишлоқ хўжалигида, фан ва маданиятни ривожлантиришда, меҳнаткашларнинг моддий фаровонлигини оширишда ҳам муваффақиятларга эришилди. Аммо, дейди нотиқ, Тожикистон Компартияси Марказий Комитетининг бюроси катта хатоларга йўл қўйганида, бундан ҳам кўпроқ муваффақиятларни қўлга киритиш мумкин эди. Республика партия ташкилоти партия ва давлатни алдаш фактларига тўғри сиёсий баҳо берди ва бундан зарур сабоқ чиқариб олди. Республика партия ташкилоти нуқсонларга барҳам бериш Тожикистоннинг иқтисоди ва маданиятини янада ривожлантириш учун мавжуд катта имкониятлардан тўлароқ фойдаланиш мақсадида тегишли ҳамма чораларни кўради.

Колхозчилар ва совхоз ишчилари, механизаторлар ва қишлоқ хўжалик мутахассисларининг фидокорона меҳнати туфайли, КПСС Марказий Комитети ва Совет ҳукуматининг буюк ёрдами туфайли республика бу йил пахтадан мўл ҳосил етиштирди. Ўртоқ Расулов айтадики, республика пахтакорлари партия съезди шарафига меҳнат совғалари тайёрлаб, ўз мажбуриятларини муваффақиятли бажардилар ва давлатга ўтган йилнинг шу пайтидагига нисбатан 132 минг тонна кўпроқ пахта топширдилар. Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Мирали Маҳмадалиев раҳбарлигидаги Ленин номли колхоз аъзолари жуда катта муваффақиятларга эришдилар. Улар ўз мажбуриятларини республикада биринчи бўлиб бажардилар ва давлатга 2.800 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 36 центнердан пахта сотдилар.

Партия ташкилоти ва республиканинг барча меҳнаткашлари пахта етиштиришни бутун чоралар билан кўпайтиришни ўзларининг асосий вазифаси деб биладилар. Янги суғориладиган ерларни, тўғри алмашлаб экишни тез жорий қилиш, пахта етиштириш агротехникаси ва механизациясини яхшилаш чоралари кўрилмоқда. Шу муносабат билан, дейди нотиқ, ҳозирги вақтда қурилаётган Нурек гидроэлектростанцияси халқ хўжалиги учун жуда катта аҳамиятга эгадир. Ана шу гидроэлектростанция, шунингдек Рагун ГЭСи қурилиши тамомланганидан кейин республика пахта етиштиришни икки баравардан зиёд кўпайтиради ва пахта ҳосилини бир миллион тоннагача етказади.

Ўртоқ Расулов ўз нутқини тамомлаб айтдики, жонажон Коммунистик партияга чексиз содиқ бўлган Тожикистон партия ташкилоти, республиканинг барча меҳнаткашлари коммунистик жамият қуриш учун КПСС Программасида белгиланган тарихий вазифаларни амалга ошириш йўлида куч ва ғайратларини аямайдилар.

Шундан кейин Мандат комиссиясининг докладини тинглаш тўғрисида таклиф киритилади. Мандат комиссиясининг раиси ўртоқ **В. Н. Титовга** сўз берилади.

(Ўртоқ В. Н. Титов доклади газетамизнинг учинчи бетида босилган).

Съезд делегатлари Мандат комиссиясининг докладини бир овоздан маъқуллайдилар.

Чехословакия Коммунистик партиясининг биринчи секретари **Антонин Новотний** минбарга чиқади.

Биз, дейди у, қардош совет халқининг бутун инсоният бахт-саодати йўлида ўзининг шонли Коммунистик партияси раҳбарлигида кўрсатаётган буюк сиёсий ва ижодий жасоратидан қурсанд эканлигимизни яна изҳор қилмоқдамиз. Ўртоқ Хрушчевнинг бу икки гоят муҳим докладини эшитиш туфайли биз бу ҳақиқатни яна чуқур англаб олмоқдамиз. Ўртоқ Хрушчевнинг докладлари марксизм-ленинизмни, Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг бой назарий ва амалий тажрибасини ижодий тарзда ривожлантиради.

Биз марксча-ленинча таълимотни ижодий ривожлантиришда янги босқич бошланганлигининг бевосита шоҳидларимиз. Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг Программаси ўз ғояларининг чуқурлиги, илмий жиҳатдан асосланганлиги, инсонга буюк ишончи ва ўз қоидаларининг дадил илгари сурилиши билан Ленин вафотидан кейин илмий социализмнинг энг буюк асаридир, ғалаба қилаётган коммунизмнинг янги манифестидир, Ўртоқ А. Новотний айтадики, КПСС Программасининг идеялари халқаро коммунистик ҳаракатнинг революцион куч-ғайратини сафарбар қилади ва мустаҳкамлайди, бу ҳаракатнинг тинглик, демократия ва социализм учун курашидаги зафарли истиқболларини ёритиб беради.

Ўртоқ А. Новотний сўзини давом эттириб, қуйидагиларни айтади: Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг Программа проекти билан танишиб чиқиб, биз бу Программани ўз программамиз деб ҳисоблаймиз ҳамда мамлакатимизнинг ва партиямиз фаолиятининг конкрет шароитларига асосланиб, ўз ишимизда бу Программага изчиллик билан амал қиламиз, дедик. Чунки бу Программада келажагимизнинг асосий хусусиятлари баён қилиб берилган. Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг Программаси Чехословакиянинг ҳозирги авлоди ҳам коммунизм даврида яшайди, деган ишончимизни оширди ва бу вазифани бажариш йўлида ҳаммэ ишни қилиш учун бизга зўр жасорат бағишлади.

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқига таяниб иш кўра олишимиз ўз мақсадларимизни зўр ишонч билан белгилашимиз учун имконият туғдиради ва мамлакатимиз хавфсизлигининг гарантияси бўлмоқда. Биз барча социалистик давлатларнинг мустаҳкам бирлигига мамлакатларимиз муваффақият қозонишининг гарови, умумий ғалабамизнинг гарови эканлигини яхши биламиз.

Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг Программаси, деб таъкидлайди ўртоқ А. Новотний, тинчликнинг буюк программасидир. Бу Программа урушни инсоният ҳаётидан абадий чиқариб ташлаш, халқлар ўртасида мустаҳкам дўстлик ўрнатиш ва бутун дунёнинг прогрессив тараққиётга ҳамда бахтли ҳаёт бўлишига ишончини таъминлаш йўлини кўрсатиб беради.

КПССнинг ҳақиқатдан ҳам пролетар интернационализми сиёсатини эътиборга олганда, деди нотиқ, ҳозирги албан раҳбарлигининг революцион ҳаракат бирлигига қарши, ленинизмга қарши қаратилган ихтилофчилик ҳаракатлари жуда яққол аён бўлиб қолади. Сизнинг XXII съездингиз, дейди ўртоқ Новотний, бутун дунёда коммунистларга чинакам ленинча йўлни кўрсатиб беради. Сизларнинг совет халқи ва барча мамлакатлар меҳнаткашларининг бахт-саодатини, бутун дунёда коммунизмнинг ғалабасини кўзда тутиб. Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг Программасида белгиланган мақсадларга муваффақиятли суратда эришувингизни тилаймиз.

Чехословакия делегациясининг бошлиғи Чехословакия Коммунистик партияси ва бутун Чехословакия халқининг Совет Иттифоқи Коммунистик партияси XXII съездига юборган табрикномасини гулдурос қарсаклар остида Н. С. Хрушчевга топширади.

Съезднинг 20 октябрдаги кечки мажлиси

Кечки мажлисда ўртоқ **Д. С. Полянский** раислик қилди. Ў. Туркманистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари **Б. Овезов**га сўз беради.

Биз, съезд делегатлари, дейди ўртоқ Овезов, ўртоқ Никита Сергеевич Хрушчевнинг ажойиб докладларини зўр мамнуният билан тинглар эканмиз, Коммунистик партиямиз билан, ленинчи Марказий Комитетимиз билан гоят фахрланиб, зўр шодлик ҳиссларига тўлиб-тошдик.

Ўртоқ Овезов дедики, янги Программа проектида партия миллий сиёсатининг асосий ленинча қоидалари ривожлантириб берилди. Мен шу қоидаларни назарда тутаманки,—дейди Б. Овезов,—бу қоидаларда миллий муносабатлар тўғрисида, хўжалик, давлат ва маданий қурилишдаги қардошларча ҳамкорликнинг аҳамияти тўғрисида, коммунистик жамият шароитидаги миллий муносабатларнинг характери тўғрисида, миллатларнинг маънавий қиёфасини ривожлантириш тўғрисида гап бораётир.

Нотиқ доно ленинча миллий сиёсат туфайли туркман халқи миллий зулмдан абадий қутулганлиги, зулмат, нодонлик ва қашшоқликдан қутулиб, коммунизмнинг ёруғ йўлига чиқиб олганлиги ҳақида гапиради.

Республикада саноат кенг ривожланди, юксак даражада машинакалаштирилган қишлоқ хўжалиги вужудга келтирилди. Бутун саноат маҳсулотининг ҳажми 1913 йилдаги даражадан 22 баравар ошиб кетди, оғир индустрия маҳсулотининг ҳажми эса қарийб қирқ баравар кўпайди. Республикада асосий қишлоқ хўжалик экини бўлган пахта етиштириш революциядан олдинги даврдагига нисбатан беш баравардан зиёдроқ кўпайди.

Биз шу нарсани фахрланиб айтамизки, деб давом қилди нотиқ, Туркманистон ўлкасига саводхон мамлакат бўлиб қолди. Республикамизда ҳар бир ўн минг аҳолига 83 студент тўғри келади. Бу эса, Франциядагига қараганда икки баравар кўп, Туркиядагига қараганда қарийб беш баравар кўп. Олий ўқув юртларида ва илмий муассасаларда юзлаб олимлар ишламоқда. Республикамизда ҳар ўн минг аҳолига 17 врач тўғри келади, Америка Қўшма Штатларида эса 12 врач тўғри келади. Туркман халқи жонажон Коммунистик партияси туфайли, мамлакатимиздаги ҳамма халқларнинг бегараз ва ҳар томонлама бериб келаётган ёрдами туфайли ўзининг мана шу ҳамма муваффақиятларини қўлга киритди ва равнақ топди.

Ўртоқ Овезов нефтчилар, чорвадорлар, пахтакорларнинг меҳнатдаги муваффақиятлари ҳақида, Туркманистон халқ хўжалигини ривожлантириш истиқболлари тўғрисида гапиради. Республикада бўлган имкониятлар 1980 йилга келиб нефть чиқаришни йилига тахминан 40 миллион тоннага ва газ чиқаришни 86 миллиард кубометрга етказиш имконини беради. Нотиқ Туркманистонда пластмассалар, сунъий тола, синтетик каучук ва бошқа нефть-кимё маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ташкил этиш мақсадга мувофиқ бўлади, деб ҳисоблайди.

Пахта етиштириш, деб давом қилади ўртоқ Овезов, 20 йил ичида икки ярим баравардан зиёдроқ кўпайтирилади. Бу вазифани бажариш асосан Қорақум канали зонасида экиң майдонларини анча кенгайтириш ва пахтанинг ҳосилдорлигини ошириш йўли билан таъминланади. Шу муносабат билан нотиқ комплекс механизациялашни ва айниқса пахта теришни механизациялашни тугаллаш, шунингдек суғориш ишларини техника билан таъминлаш зарурлигини уқтириб ўтди.

Барча совет кишилари каби Туркманистон коммунистлари ва барча меҳнаткашлари ҳам, деди пировардида ўртоқ Овезов, КПСС Программасининг проектини якдиллик билан маъқуллайдилар. Бизнинг халқимиз ўзининг бутун бойлигини, ўзининг меҳнатга бўлган бутун меҳр-муҳаббатини, ўзининг талантини, моҳирлигини ва билимини умумий ишимизга — янги жамият қуриш ишига сарфлайди.

СССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари ўртоқ **А. И. Микоянга** сўз берилади.

Биз Марказий Комитетнинг аъзолари, дейди ўртоқ Микоян, партия Марказий Комитетининг ўтган даврдаги фаолияти учун тўла равишда жавоб берамиз. Марказий Комитетнинг ҳисоботига ва партия Программаси тўғрисидаги докладга батамом қўшиламан. Ўртоқ Хрушчевнинг бу докладларида совет халқининг марксизм-ленинизм байроғи остида эришган ғалабалари якунланди, программанинг бош қоидалари ленинча принципиаллик билан асослаб берилди, коммунистик жамият қуриш йўллари ёритилди. Бу якунлар яхши якунлардир, бу Программа коммунистларга муносиб Программадир, инсонят ёркин келажагининг улуғ хартиясидир.

Ўртоқ Микоян XX съезд партиянинг ва бутун жаҳон коммунистик ҳаракатининг ҳаётида бурилиш нуқтаси бўлганлигини таъкидлаб бундай деди:

— XX съезднинг ғоявий йўналиши съездга қадар бўлган бир кун ичида ва съезд ишлаб турган бир неча кун давомида рўёбга чиққан йўналиш бўлгани йўқ. Бу йўналиш съездга қадар бўлган икки йил давомида муайян идеологик йўл-йўриқларни танқидий қайта кўриб чиқиш, партия ва давлатнинг амалий ишини қайта қуриш, шахсга сиғинишнинг зарарли оқибатларини тугатиш жараёнида ишлаб чиқилди.

Ўша даврда Марказий Комитетнинг ичида партия сиёсати ва практикасининг асосий масалалари устида келишмовчиликлар вужудга келди. Молотов, Каганович, Маленков, Ворошилов ўзларининг консерватив тарзда фикр қилаётганликларини кўрсатдилар. урушдан кейинги халқаро ва ички вазиятга тўғри баҳо беришга, марксчи-ленинчилардан талаб қилинган тарзда хатти-ҳаракат қилишнинг янги йўлини тушунишга уларнинг лаёқатсиз эканликлари маълум бўлиб қолди. Улар янгиликларнинг ҳаммасини рад қила бердилар, кейин Марказий Комитет КПССнинг XX съездида илгари сурган қоидаларга қарши чиқдилар. Партияга қарши фракциячи группага Молотов бош идеолог бўлиб қолди. Кейин бу группага Булганин, Первухин, Сабуров ва Шепиловлар ҳам кирди.

Шу группага кирган фракционерлар, деди ўртоқ Микоян, партия турмушининг ленинча нормаларини ва социалистик қонунчиликни тиклашга жуда қаттиқ қаршилик кўрсатдилар, шахсга сиғинишнинг зарарли оқибатларини тугатишга қаршилик қилдилар, давлатни бошқаришни ва хўжаликни бошқаришни қайта қуриш, планлаштиришни, айниқса қишлоқ хўжалигида қайта қуриш, кўриқ ерларни ўзлаштириш ва шу ерлардан фойдаланиш ва бошқа шулар каби етилган ҳамда қаётий зарур тадбирларга қарши чиқдилар.

Консерватив — догматик группанинг қаршилик кўрсатганлигини нима билан изоҳлаш мумкин? Буни, аввало, шу билан изоҳлаш керакки, шу группанинг аъзолари марксизм-ленинизм руҳига ёт бўлган нарсага — шахсга сиғинишга узвий равишда берилган кишилар эди, улар мамлакат ўз тараққиётининг янги босқичига — коммунизм қуришни авж олдириш даврига қадам қўяётганлигини, жаҳон социалистик системаси инсоният тараққиётининг устунлик қилаётган факторига айланаётганлигини, империалистик лагерь эса, халқаро муносабатларда ўзининг белгиловчи ролини йўқотганлигини тушунмадилар. Ўртоқ Микоян буни Молотовнинг жуда қўпол назарий ва сиёсий хатоларидан олинган бир қанча мисоллар билан кўрсатиб берди.

Келишмовчиликлар борлигига қарамай, деди ўртоқ Микоян, на Молотов, на фракционерлар группасининг бошқа бирон аъзоси XX съездда ўзларининг алоҳида нуқтаи назарларини айтиб сўзга чиқдилар. Улар Марказий Комитетнинг сиёсий йўли ҳақида баҳслашмадилар ва ҳамма билан биргаликда овоз бердилар. Биз партия сиёсатининг асосий масалаларида бирлик вужудга келди, деб ўйладик. Бироқ, кейин маълум бўлиб қолдики, аҳвол асло бундай эмас экан. Молотов ва бошқаларнинг съезддаги позицияси мунофиқликдан иборат бўлди. Съезд тамом бўлди-ю, аммо келишмовчиликлар қола берди. Марказий Комитетда кескин кураш бир йилдан кўпроқ давом қилди.

Сўнгра ўртоқ Микоян фракциячилар группасининг 1957 йилда Марказий Комитетнинг июнь Пленумида ғоявий тор-мор келтирилганлиги тўғрисида гапиради. Нотиқ қайд қилиб ўтдики, консерватив — догматик группага қарши кураш партия ички демократияси методи билан олиб борилди, шахсга сиғиниш шароитида бўлганидек, давлат репрессиялари уларга нисбатан қўлланилмади. Агар партияга қарши группа ғалаба қилганида эди, бу группа XX съезднинг барча актив тарафдорларидан партия хеч качон унутмайдиган методлар ёрдами билан ўч олган бўлур эди.

Биз партияга қарши группани ғоявий тор-мор келтирмай туриб, XX съезд қарорларини амалга ошира олмас эдик ва мамлакатимизни улуғлаган, унинг кудратини мустаҳкамлаган ҳамда мамлакатимизнинг жаҳон миқёсида обрўсини оширган ва муваффақият билан коммунизм қуришни таъминлаётган жуда катта ютуқларни қўлга кирита олмаган бўлур эдик, дейди ўртоқ Микоян. — Ленинча новаторлик руҳи ва принципиаллик, ленинча йўл енгиб чиқди, ўртоқ Н. С. Хрушчев бошчилигидаги Марказий Комитетнинг ленинча раҳбарлиги енгиб чиқди.

Ўртоқ Микоян ўз нутқининг анчагина қисмини партиянинг янги Программасига бағишлади. Программани қайта кўриб чиқиш тўғрисидаги қарор, дейди у, — XVIII съездда қабул қилинган эди. Программа ўша вақтда ишлаб чиқилмаганлигига ва биз янги Программани ҳозир, XXII съездда муҳокама қилаётганлигимизга сира афсусланмаймиз. Агар партия шахсга сиғинишга хотима бермаганида эди, партия ички турмушининг ленинча нормаларини тиклаб олмаганида эди, коммунизм қуриш йўлини ижодий белгилаб олмаганида эди, у партиянинг мана шундай илмий асосланган Программасини бера олмаган бўлур эди. Ўртоқ Микоян уқтириб айтдики, КПССнинг XIX съезди партиянинг янги Программасини беришга тайёр эмас эди, «СССР да социализмнинг иқтисодий проблемалари» янги Программага асос бўла олмас эди. Ўртоқ Микоян ўзининг бу фикрини яққол мисоллар билан, коммунизм қурилишининг бир қанча энг муҳим проблемаларини анализ қилиш билан исботлаб берди.

Сўнгра А. И. Микоян дедики, социализмнинг ҳамма кучлари, барча коммунистик ва ишчи партиялар жипслашганлиги олға томон қилинаётган умумий ҳаракатнинг жуда муҳим факторидир. Коммунистик ва ишчи партиялар халқаро коммунистик ҳаракатда партиямизнинг авангардлик ролига, XX съезднинг аҳамиятига юксак баҳо бердилар. Партиямиз ўзининг бутун ишида қардош партияларнинг маънавий мададини ҳис қилиб турибди. Афсуски, Албания Меҳнат партиясининг раҳбарларига нисбатан бундай деб бўлмайди. Албания раҳбарларининг ҳаракатлари улар интернационалистик позициялардан чекинаётганликларини ва миллатчилик йўлига тойиб бораётганликларини кўрсатиб турибди. Фактлар Албания Меҳнат партиясида нотўғри вазият вужудга келганлигини кўрсатиб турибди.

Турмуш шуни кўрсатмоқдаки, ревизионизмга ва догматизмга қатиқ ёпишиб олинса, ревизионизм ҳам, догматизм ҳам гарчи турли томондан бўлса-да, лекин битта окибатга, у ҳам бўлса — марксизм-ленинизмдан, социалистик лагердан ва жаҳон коммунистик ҳаракатидан чекинишга олиб келади.

Албания раҳбарлари партиямизнинг XX съезд белгилаб берган ленинча йўлига роза бўлмаётганликларининг сабаби ҳам шуки, Анвар Хўжа ва Мехмет Шеху марксизм-ленинизмга тўғри келмайдиган тартиблар ва методларни ўз мамлакатларида партия ичида кўпдан бери ўрнатиб келдилар ва ҳали ҳам ўрнатмоқдалар. Эндиликда Албания раҳбарлари Сталин шахсига сиғинишни калкон қилиб кўтармоқдалар ва ленинизм учун тоқат қилиб бўлмайдиган ўз ишларини Сталин номи билан никоблаб қолиш керакки, бундай йўлдан воз кечиш натижасидагина коммунистик партиялар учун мажбурий бўлган позицияга ўтиб олиш йўли билангина Ленин партиясининг дўстлигига, совет халқининг дўстлигига умид қилиш мумкин.

Ўртоқ Микоян Латин Америкаси мамлакатларидаги, жумладан ўзининг иқтисодий, социал, маданий, сиёсий тараққиётида забардаст қадамлар билан олға бораётган Кубадаги миллий озодлик ҳаракати масалаларига алоҳида тўхталиб ўтди. Кеннеди кичкина Куба оролига қарши ҳақиқатда уруш эълон қилди. Янги мустамлакачилик ўзининг никобини олиб ташлаб, ўзининг ҳақиқий мустамлакачилик— боскинчилик башарасини кўрсатди. Ўртоқ Микоян съезд катнашчиларининг қарсаклари остида: Лекин хозир замонлар ўзгариб кетган, жаноб империалистлар! Революцион Кубадан қўлингни торт! деб хитоб қилади. Аслини олганда, худди шундай характердаги янги мустамлакачилик Африка ва Осиёнинг бир канча мамлакатларига ҳам таҳдид қилмоқда. Халқларнинг мустамлакачиликнинг ҳамма формаларини емириб ташлашга қаратилган курашини Совет Иттифоқи ва бошқа социалистик мамлакатлар тўла равишда қувватламоқдалар.

Ўртоқ Микоян ўз нутқида ташқи иқтисодий муносабатлар доирасини ҳам ўз ичига олган тинч-тотув яшаш принципи ҳақида гапиради. Кўпгина капиталистик мамлакатлар, дейди ўртоқ Микоян, Совет Иттифоқи билан ва бошқа социалистик мамлакатлар билан ўзаро манфаатли савдо-сотиқни ривожлантириш йўлига тушиб олдилар ва бу йўлга ахир бир кун АҚШ ҳам тушиб олади, деб ишонамиз. Бизнинг ташқи савдомиз ва иқтисодий ҳамкорлигимиз бошқа формалари бундан бўён ҳам ривожлана беради. Совет экономистларининг қилган ҳисобларига қараганда, СССРнинг ташқи савдоси 20 йил ичида тўрт баравар ва ундан ҳам зиёдроқ кўпайиши мумкин.

Сўнгра, тинч-тотув яшаш, — деб давом қилади нотиқ, — уруш хавфининг барча манбаларини тугатиш учун, уруш тўғдирадиган зиддиятларнинг энг хатарли тугунларини йўқотиш учун мийлан мақсадни кўзлаб олиб борилаётган актив курашдир, ёппасига қуролсизланиш учун олиб борилаётган курашдир. Германия сулҳ шартномасининг йўқлиги ҳозирги кунда мустаҳкам ва узоқ муддатли тинчликни таъминлашга гов солиб турган асосий тўсиқлардан бири бўлиб қолди. Агар биз Ғарб давлатлари ҳар иккала герман давлати билан сулҳ шартномаси тузишни истамаётганликларига қаноат ҳосил қилсак, у ҳолда биз бундай шартномани Германия Демократик Республикаси билан тузишга мажбур бўламиз ва бу проблемани ҳаётий зарур тарзда мана шундай бартараф қилишимизга ҳалақит беради деган гапларни ҳеч ким айтолмайди. Шу муносабат билан А. И. Микоян Совет Иттифоқининг партия ҳукумат делегацияси ҳозирги вақтда Германия Демократик Республикасига бориб келганлигини эслатиб ўтади. Немис халқи ва унинг раҳбар арбоблари билан бўлган шахсий алоқалар Германия ерининг бу қисмида тинчлик, меҳнат ва социализм қарор топганлигини, Германиянинг бу қисмида милитаризмга ва реваншизмга бўлган нафрат ҳамма нарсада сезилиб турганлигини жуда яққол кўрсатди.

А. И. Микоян ўз нутқининг охирида улуғ Ленин ворга етказган большевистик партиянинг босиб ўтган шонли йўли ҳақида гапирди. Партия барпо бўлганидан бери орада 63 йил ўтди. Бутун партия Ленин байроғи остида бутун халқни коммунистик жамият қуришга отлантирди. Янги Программа бизга коммунизмнинг энди анча яқинлашиб колган чўққиларига олиб борадиган йўлни ёритиб беради. Тарих компаси коммунизмни кўрсатиб турибди!

Эстония Коммунистик партияси Марказий Комитетининг биринчи секретари ўртоқ **И. Г. Кэбин** ўз нутқини, биз ажойиб замонда яшамоқдамиз, деб бошлади. У дедики, КПСС XXII съезди марксизм-ленинизм идеяларининг улуғ тантанаси вазифасида ўтмоқда. Программа проектида ва Н. С. Хрушчевнинг съезддаги докладларида инсоният жамияти тараққиётининг ҳозирги тарихий босқичи ҳар томонлама анализ килинди ва жамият тараққиётининг перспективалари кўрсатиб берилди. Бир вақтлар шарпагина бўлиб кўринган коммунизм ҳозирги замоннинг энг улуғ кучи бўлиб қолганлиги, ер курраси-нинг жуда катта қисмида вужудга келтирилаётган жамият бўлиб қолганлиги шу ҳужжатларда гоят равшанлик билан яққол асослаб берилди.

Ўртоқ Кэбин уқтириб айтдики, Эстония ССРнинг коммунистлари, барча меҳнаткашлари КПСС Программаси проектини якдиллик билан маъқуллайдилар. Соф виждонли меҳнаткашлардан ҳеч бир киши кўйилган вазифаларнинг реаллигига шубҳаланмайди. Коммунизм қуриш эндиликда бизнинг бевосита амалий вазифамиздир. Яхшироқ, коммунистларча меҳнат қилиш ҳар бир ишчи, колхозчи, олим, инженернинг — барча жисмоний ва ақлий меҳнат ходимларининг, ҳамма совет кишиларининг вазифасидир. Партия Программаси амалга ошириш хўжалик, маданий, идеологик ва ташкилий фаолиятнинг ҳамма участкаларида партия ташкилотларининг ишларини яхшилашни талаб қилади.

Нотиқ КПСС Марказий Комитети ва ўртоқ Н. С. Хрушчев бошчилигидаги унинг Президиуми КПСС XX ва XXI съездларининг қарорларини амалга ошириш соҳасида катта ишлар қилганликлари ҳақида гапирди. КПСС XX съездининг шахсга сиғинишни ва унинг зарарли окибатларини барҳам беришга қаратилган ленинча йўлини амалга оширишнинг партия ва халқ учун катта аҳамияти борлигини алоҳида қайд қилиб ўтди.

Етти йиллик план топшириқларининг ўтган икки йилу тўққиз ой ичида муваффақиятли равишда тўла ва ошириб бажарилганлиги меҳнаткашларнинг онгида етти йиллик план муддатидан олдин бажарилади, якин йигирма йилга мўлжалланган жуда катта планлар ҳам бажарилади ва бизнинг мамлакатимизда коммунизмнинг моддий-техника базаси мўлжалланган муддатда вужудга келтирилади, деган катъий ишонч туғдирди.

Эстонияда ҳам, деди нотиқ, оғир саноатнинг энг муҳим тармоқлари энергетика, сланец-химия, машинасозлик, асбобсозлик, биноқорлик материаллари саноати муваффақиятли ривожланмоқда. Енгил саноат ва озиқ-овқат саноати тармоқлари тез ривожланмоқда. Дастлабки маълумотларга қараганда, республикада ишлаб чиқариш ҳажми етти йилликнинг контроль рақамларида мўлжалланган 30 процент ўрнига бу йил охиригача 40 процент ўсади. Бунинг натижасида 1961 йилда саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш соҳасида етти йилликнин

СОВЕТ ИТТИФОҚИ КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИНИНГ XXII СЪЕЗДИ

КПСС XXII СЪЕЗДИГА МАНДАТ КОМИССИЯСИНИНГ ДОКЛАДИ

Ўртоқ В. Н. ТИТОВ доклади

Ўртоқлар! КПСС XXII съезди совет кишиларининг сиёсий активлиги ва меҳнат ғайрати мислсиз юксалган вазиятда тўпланди. Съезд партиямиз ва халқимизнинг ҳаётида, халқаро коммунистик ва ишчилар ҳаракати тарихида жуда катта ўрин олади.

Ленининг улуғ режаларини амалга ошириш учун совет халқи олиб борган кураш якунларини жамлаши, партиянинг янги Программасини қабул қилиши, КПСС Уставига ўзгартиришлар киритиши лозим бўлган бу съезд инсониятнинг зўр эътиборини ўзига жалб қилиб турибдики, шу вақтгача ҳеч бир воқеа ўзига бунчалик зўр эътиборни жалб қилмаган эди.

Совет халқи партия Программасининг проектини зўр хурсандлик билан ва фахрланиб қабул қилди. Бу Программада кишилик тарихида биринчи марта коммунистик жамият қуришнинг конкрет плани ишлаб чиқилган.

Ўртоқ Н. С. Хрушчевнинг КПСС Программаси проекти тўғрисидаги докладида яқин 20 йил ичида коммунизмнинг моддий-техника базасини вужудга келтириш ва мамлакатимизда турмуш даражасини капитализмнинг ҳар қандай мамлакатидагига нисбатан энг юксак даражага кўтаришни таъминлаш мумкинлиги илмий жиҳатдан асослаб берилди. Яқиндагина узоқ келажакнинг иши деб ҳисобланиб келган коммунизм эндиликда ҳозирги авлоднинг умри давомида тантана қилади.

КПСС янги Программасининг жаҳоншумул-тарихий аҳамиятини бутун инсоният эътироф қилди. Бу Программа ер юзида социал тенгсизликдан, эксплуатация ва зулмнинг ҳар қандай формаларидан, уруш даҳшатларидан ҳоли бўлган энг адолатли жамият вужудга келтириш йўлини кўрсатиб беради.

Марказий Комитетнинг XXII съездга қилган ҳисоботида экономикани, фан ва маданиятни ривожлантириш, меҳнаткашларнинг моддий фаровонлигини ошириш соҳасида партия томонидан кейинги йилларда бажарилган жуда катта ишлар чуқур анализ қилиб берилди. Халқ бахт-саодати учун, мамлакатимизнинг қудратини ошириш учун, бутун дунёда тинчлик учун партия олиб борган кураш ёрқин ва яққол кўрсатиб берилди. Ватанимиз эришган мана шу улуғвор ютуқларнинг ҳар бири Коммунистик партиянинг, ўртоқ Никита Сергеевич Хрушчев бошчилигидаги ленинчи Марказий Комитетнинг жуда катта ташкилотчилик ва сиёсий фаолияти туфайли кўлга киритилаётганлигини халқ кўриб турибди. **(Қарсаклар).**

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси XXII съездга умумхалқ муҳаббатига ва чексиз ишончига сазовор бўлган ҳолда келди. У ўз сафларининг бирлиги, барча партия аъзолари иродаси ва ҳаракатларининг бирлиги билан ҳар қачонгидан кўра мустаҳкамдир.

КПССнинг меҳнаткашлар билан чамбарчас боғланганлиги ишчилар синфи, колхозчи деҳқонлар, зиёлиларнинг энг яхши, энг илғор намояндалари партия сафига кириши ҳамиша давом қилаётганлигида ўз ифодасини топмоқда. XX съезддан кейин ўтган давр ичида партия аъзоларининг сони 2 миллион 500 минг киши ёки учдан бир қисмдан зиёдроқ миқдорда кўпайди. **(Қарсаклар).** Москва, Ленинград, Свердловск, Горький, Челябинск партия ташкилотлари ва бошқа шулар сингари партиянинг йирик ташкилотлари анча ўсди. Украина, Белоруссия, Ўзбекистон, Латвия, Эстония, Молдавия ва Тожикистон Компартиялари ўз сафларини бир ярим баравардан зиёдроқ кўпайтирдилар.

Ҳозирги вақтда Совет Иттифоқи Коммунистик партиясида 8 миллион 872 минг 516 партия аъзоси, 843 минг 489 партия аъзолигига кандидат, ҳаммаси бўлиб эса 9 миллион 716 минг коммунист бор. **(Гулдурос қарсаклар).** Шундай қилиб, Совет Иттифоқи Коммунистик партияси XXII съездга бутун совет халкининг синалган ва чиниққан авангарди бўлиб, қарийб ўн миллионлик қудратли армия бўлиб келди. **(Гулдурос қарсаклар).**

Партиянинг XX съезди КПСС сафларининг бирлигини ва монолитлигини мустаҳкамлашда ғоят катта роль ўйнади. Шахсга сиғиниш кескин, ленинча принципиаллик билан танқид қилинганлигини, унинг зарарли окибатлари ўртоқ Н. С. Хрушчевнинг XX съезддаги докладида қатъиян кораланганлигини бутун партиямиз, бутун совет халқи тўла равишда ва яқдиллик билан маъқулладилар. Турмушдан, партия ва халқдан ажралиб қолган догматикларнинг бурдсиз бир группасигина съезд қарорларига қарши чиқди, партиямизни бош йўлдан, ленинча йўлдан тойдиришга уринди.

Партияга қарши группани партия тор-мор келтириб ва улоқтириб ташлаб, ўзининг ленинчи Марказий Комитети теварагида тағин ҳам маҳкам жипслашди ва коммунизм қурилишида янги ғалабалар сари ўзининг олға боришини жадаллаштирди.

Бизнинг партиямиз ленинча яшаш ва ижод қилиш, энг дадил вазифаларни кўйиб ҳал қилиш, инсониятнинг ёрқин идеалларини амалда рўёбга чиқариш имкониятига эга бўлиб қолган экан, партиямиз бу имкониятга ленинчи Марказий Комитет туфайли ва матонатли ленинчи-революционер, партиямизнинг ҳамда бутун халқаро коммунистик ва ишчилар ҳаракатининг атоқли арбоби шахсан ўртоқ Никита Сергеевич Хрушчев туфайли эришди. **(Давомли қарсаклар).** Унинг ҳормас ғайрати, мардлиги, совет халқининг бахт-саодати учун толмас кураши ҳар бир коммунистга ўзининг партиявий бурчини бажариш намунаси бўлиши лозим.

Партия ташкилотлари КПСС XX ва XXI съездларининг қарорларини бажариб, партия турмушининг ленинча нормаларини, коллектив раҳбарлик принципини тиклаш, партия ички демократиясини, коммунистларнинг ташаббускорлигини ҳар томонлама ривожлантириш, танқид ва ўз-ўзини танқидни авж олдириш соҳасида катта иш қилдилар. Бошланғия партия ташкилотларини ташкилий-сиёсий жиҳатдан янада мустаҳкамлаш, партия ва ҳукумат қўйган вазифаларни бажариш учун уларнинг масъулиятини ва ролини ошириш таъминланди.

КПССда ҳаммаси бўлиб 296.440 партия ташкилоти, шу жумладан саноат корхоналари, транспорт, алоқа, қурилиш корхоналарида 75.681, колхозларда 41.387 ва совхозларда 9206 партия ташкилоти бор. Йирик бошланғич партия ташкилотларининг салмоғи муттасил ошмоқда, цех партия ташкилотларининг ва партия группаларининг сони тез кўпаймоқда. Партия комитетларига эга бўлган бошланғич партия ташкилотларининг сони шу вақт ичида 10 баравар кўпайди, цех партия ташкилотларининг сони эса қарийб 2.5 баравар кўпайди.

Мандат комиссиясининг КПСС XX съездидаги докладида ўша вақтда 7356 колхозда партия ташкилоти йўқлиги айтиб ўтилган эди. Ҳозирги вақтда деярли ҳамма колхозларда партия ташкилотлари бор. Ўз сафида 26 дан 100 тагача коммунист бўлган колхоз партия ташкилотлари КПССнинг XX съезди олдидан колхоз партия ташкилотларининг умумий сонига нисбатан 7.5 процентни ташкил қилар эди. Ҳозирги вақтда колхозлардаги бундай партия ташкилотлари 53 процентни ташкил қилади. Совхоз бошланғич партия ташкилотлари ҳам анча йирик бўлиб қолди, булар орасида 2604 ташкилотнинг ёки ана шундай ташкилотлардан 28 процентининг ҳар бирида 100 тадан ортик коммунист бор.

Делегат ўртоқлар! КПСС Марказий Комитети партия ички демократиясини ривожлантириш йўлини изчиллик билан ўтказиб, XXII съездга вакиллик нормасини анча кенгайтирди. КПСС нинг XIX ва XX съездларига партиянинг ҳар 5 минг аъзосидан ҳал қилувчи овозга эга бир делегат сайланган эди. Бу съездга партиянинг ҳар 2 минг аъзосидан ҳал қилувчи овоз билан бир делегат ва партия аъзолигига кандидатларнинг ҳар 2 мингтасидан маслаҳат овози билан бир делегат сайланди.

XXII съездга вакиллар сайлаш тўғрисида белгиланган нормага мувофиқ ҳал қилувчи овозга эга бўлган 4408 делегат ва маслаҳат овозига эга бўлган 405 делегат, ҳаммаси бўлиб 4813 делегат ёки бундан олдинги уч съезднинг ҳар қайсисида бўлганига қараганда 3.5 баравар кўп делегат сайланди. Бу съездда ҳал қилувчи овозга эга бўлган 4394 делегат ва маслаҳат овозига эга бўлган 405 делегат қатнашмоқда. 14 делегат, узрли сабабларга кўра, съездга келолмади.

КПСС XXII съездига делегатлар область, ўлка партия конференцияларида ва иттифоқчи республикалар Компартияларининг съездларида ёпиқ (яширин) овоз бериш йўли билан сайландилар. КПСС Марказий Комитетининг қарорига биноан, Москва шаҳар ва Ленинград область партия ташкилотларидан XXII съездга делегатлар район партия конференцияларида сайланди.

Совет Армияси ва Ҳарбий-Денгиз Флотининг, ички ва конвой соқчилиги ҳамда чегара қисмларининг партия ташкилотларидаги коммунистлар съездга делегатларни қолган партия ташкилотлари билан биргаликда область, ўлка партия конференцияларида ёки иттифоқчи республикалар Компартияларининг съездларида сайладилар. СССР Қуролли Кучларининг чет эллардаги қисмлари партия ташкилотларида турган коммунистлар партия съездига делегатларни тегишли қўшин бирлашмаларининг партия конференцияларида сайладилар.

Мандат Комиссияси барча партия ташкилотларида партия XXII съездига делегатлар сайлаш КПСС Уставига ҳамда Марказий Комитет томонидан белгиланган вакиллик нормаларига тўла мувофиқ равишда ўтказилганлигини аниқлади. Съездга сайланган делегатларнинг ҳаммаси зарур кўпчилик овоз олдилар. Комиссия съездда ҳозир бўлган ҳамма делегатларнинг ваколатини ҳақиқий деб топди. **(Қарсаклар).**

КПСС XXII съездида қатнашаётган энг катта делегациялар қуйидагилардир: Ватанимиз пойтахти Москва шаҳри партия ташкилотидан 345 кишидан иборат делегация **(қарсаклар)**, Ленинград партия ташкилотидан 199 кишидан иборат делегация **(қарсаклар)**, Москва область партия ташкилотидан 124 кишидан иборат делегация, Горький партия ташкилотидан 87 делегат, Свердловск партия ташкилотидан 86 делегат қатнашмоқда. КПСС XXII съездига Украина Коммунистик партиясининг партия ташкилотлари 783 делегат сайладилар, шу жумладан Киев область партия ташкилотидан 77, Сталино область партия ташкилотидан 75, Харьков область партия ташкилотидан 66, Днепропетровск область партия ташкилотидан 65 делегат сайланди. **(Қарсаклар).** Бошқа иттифоқчи республикаларнинг Коммунистик партияларидан XXII съездда қуйидаги составдаги делегациялар қатнашмоқда: Қозоғистондан 187 делегат, Белоруссиядан 141, Ўзбекистондан 122, Грузиядан 118, Озарбайжондан 89, Арманистондан 47, Латвиядан 45, Литвадан 36, Қирғизистондан 35, Молдавиядан 34, Туркманистондан 30, Тожикистондан 28, Эстониядан 25 делегат қатнашмоқда. **(Қарсаклар).** Қозоғистон Коммунистик партиясининг делегацияси составида янги ташкил этилган Қўриқ ўлка партия ташкилотларидан сайланган 51 делегат съезд ишида қатнашмоқда. **(Қарсаклар).**

Партия XXII съезди олдидан ўтказилган ҳисобот-сайлов партия йиғилишлари, район, округ, шаҳар, область, ўлка партия конференциялари ва иттифоқчи республикалар Компартияларининг съездлари барча партия ташкилотларининг сиёсий активлиги мислсиз юксалган ва улар партиянинг ленинчи Марказий Комитети теварагида монолит бўлиб жипслашган вазиятда ўтди **(қарсаклар)**, коммунистлар КПССнинг янги Программасини якдиллик билан маъқуллаётганликларини, бу Программани ўз ҳаётларининг энг улуғ мақсади деб қабул қилаётганликларини ва Программада мўлжалланган тарихий вазифаларни муваффақиятли бажармоқ учун ҳамма чораларни кўришга тайёр эканликларини кўрсатди. **(Қарсаклар).**

Ўртоқлар! Коммунистик партия пролетар интернационализми позициясида ҳамиша қаттиқ туриб келди ва турибди, ленинча миллий сиёсатни оғишмай ўтказмоқда. Совет Иттифоқи халқларининг КПСС га чексиз ишончини таъминлаган манбалардан бири мана шудир. Партия мамлакатимиздаги ҳамма миллатлар ва элатларнинг чинакам эркинлигини ва сиёсий тенг ҳуқуқлилигини таъминлади, уларнинг иқтисодий ва маданий тенгсизлигини тугатди, уларни битта оила қилиб жипслаштирди, умумий ҳаётий манфаатлар билан бирлаштирди ва ягона мақсад — коммунизм сари олиб бормоқда.

Ҳар бир совет республикаси халқ хўжалиги, фан ва маданиятнинг ҳамма тармоқлари учун, хилма-хил давлат ва жамоатчилик фаолияти учун ажойиб кадрлар етиштирди ва тарбиялади. XXII съездда 65 миллат ва элатдан сайланган делегатлар, булар орасида руслар, украинлар, белоруслар, ўзбеклар, қозоқлар, грузинлар, озарбайжонлар, литваликлар, молдаванлар, латишлар, қирғизлар, тожиклар, арманилар, туркманлар ва эстонлар, автоном республикалардаги, автоном областлар ва миллий округлардаги ерли миллатлар ва элатларнинг коммунистлари қатнашмоқда.

Иттифоқчи республикаларнинг Коммунистик партияларидан сайланган делегатларнинг миллий составини анализ қилиш шуни кўрсатадики, мамлакатда миллатлар ўртасида малакали кадрлар доимо айирбошланиб турибди. Коммунистик қурилиш миқёслари кенгайиб борган сари, — деди ўртоқ Никита Сергеевич Хрушчев, — бу айирбошлаш кўпая беради. Партия таълим бериб айтмоқдаки, кадрлар билан қардошларча ўзаро ёрдамлашиш бўлмаса, ишлаб чиқарувчи кучларни рационал ривожлантиришни таъминлаш, давлат манфаатларини айрим республикаларнинг манфаатлари билан тўғри қўшиб олиб бориш мумкин эмас. Партия Программаси проектида совет республикаларида турли миллат ходимларини тарбиялашда ва улардан фойдаланишда миллий айирмачиликнинг ҳар қандай кўринишларига йўл қўйиб бўлмаслиги кўрсатиб ўтилди.

СССР халқларининг бузилмас дўстлиги тинч социалистик қурилиш давомида ва шиддатли уруш йилларида ҳамма синовлардан ўтди. Бу муқаддас дўстликни буза оладиган куч йўқ. **(Қарсаклар).**

Съезд делегатларининг фаолият тури бўйича состави КПСС Программасининг ва Уставининг проектларида, Коммунистик партия бутун халқнинг партиясидир, деб ёзилган қоидани тўла равишда акс эттиради. Съездда партия, совет, касаба союз ва комсомол органларининг ходимлари, саноат, транспорт ва алоқа, қурилиш, қишлоқ хўжалиги, фан, маориф соғлиқни сақлаш, адабиёт ва санъат ходимлари, Совет Армиясининг ва Ҳарбий-Денгиз Флотининг ҳарбий хизматчилари қатнашмоқда.

Ҳал қилувчи овозга эга бўлган делегатлар орасида съездга партия ходимларидан 1158 киши, совет ходимларидан 465 киши, касаба союз ва комсомол ходимларидан 104 киши сайланди. Партия ва совет ходимлари бўлган делегатларнинг 50,2 проценти район звеносининг ходимларидир, 37,2 проценти область, ўлка, республика партия ва совет органларида ишлаётган ходимлардир, делегатларнинг 6.3 проценти партия ва давлат марказий органларининг ва СССР министрликлари ва бошқармаларининг ходимларидир. Бу рақамлар коммунистик қурилиш вазифаларини ҳал қилишда маҳаллий партия ва совет органларининг роли ва масъулияти ошганлигини кўрсатади. **(Қарсаклар).**

Съезднинг ҳал қилувчи овозга эга бўлган делегатлари орасида саноат, транспорт, алоқа, қурилиш ходимлари 1391 кишини ташкил қилади. Булар орасида ишчилар, бригадирлар, мастерлар 984 киши бўлиб, съездда ҳал қилувчи овозга эга бўлган делегатларнинг умумий сонига нисбатан 22,3 процентни ташкил қилади. **(Қарсаклар).** Булар XX съездда 12,2 процент эди. Съезд ишида бутун мамлакатга танилган кўпгина новаторлар, коммунистик меҳнат бригадаларининг раҳбарлари ва зарбдорлари, ишлаб чиқаришнинг чинакам революционерлари, ўзларининг шонли ишлари билан СССР халқ хўжалигини ривожлантириш етти йиллик планини муддатидан олдин бажариш учун умумхалқ мусобақасига ёрқин саҳифалар ёзган кишилар қатнашмоқда.

КПСС Марказий Комитетининг ўртоқ Никита Сергеевич Хрушчев томонидан қилинган ҳисобот докладида мамлакатимиз қишлоқ хўжалигида эришилган ажойиб муваффақиятларнинг ёрқин манзараси кўрсатиб берилди. Бу муваффақиятлар партия жуда катта куч ва ғайрат сарфлаганлигининг, колхозчилар ва совхоз ишчилари сидқидил билан қилган қаҳрамонона меҳнатнинг натижасидир. Қишлоқ хўжалигида кўп минглаб мўл ҳосил усталари, чорвачилик илғорлари ўсиб етишди.

Съездга сайланган ҳал қилувчи овозга эга делегатлар орасида қишлоқ хўжалик ходимлари 748 кишини, шулар орасида колхозчилар, совхозларнинг ишчилари, бригадирлар, колхоз ва совхозлардаги фермаларнинг мудирлари 469 кишини, ёки съездда ҳал қилувчи овозга эга бўлган ҳамма делегатларнинг 10,6 процентини ташкил қилади. Партия XX съездида делегатларнинг 4,9 проценти колхозчилар, совхоз ишчилари ва бригадирлар бўлган эди. Съезд делегатлари орасида колхоз ишлаб чиқаришининг кўпгина атоқли усталари, ташкилотчилари, мамлакатимизда қишлоқ хўжалик маҳсулотларини мўл-кўл қилиш учун кураш байроғини баланд кўтариб бораётган, социалистик хўжаликнинг янгидан-янги резервларини очиб бераётган, ўз намуналари билан миллион-миллион қишлоқ меҳнаткашларини руҳлантираётган кишилар бор.

Маълумки, Совет Иттифоқи юқори малакали мутахассислар тайёрлашда жаҳонда биринчи ўрин ни олиб турибди. Олий маълумотга эга бўлган, халқ хўжалигида ишлаб турган мутахассисларнинг сони 1941 йилдагига нисбатан 3,9 баравар кўпайди, ўрта маълумотли мутахассисларнинг сони эса 3,5 баравар кўпайди. Мутахассислар сонининг тез кўпайиб бораётганлиги, уларнинг назарий ва амалий тайёргарлиги яхшиланаётганлиги — коммунизмнинг моддий-техника базасини вужудга келтириш ва ривожлантиришнинг, фан ва техникани янада тараққий эттиришнинг, мамлакатимизда улуғ маданий революцияни тугаллашнинг муҳим гарантиясидир.

Партия аъзолари ва кандидатларининг билим даражаси тўғрисидаги маълумотлар ҳам СССР меҳнаткашларининг маданий савияси тўхтовсиз ошаётганлигидан далолат беради. 1961 йил 1 июлдаги маълумотларга қараганда, КПСС да олий ва тўлиқсиз олий ҳамда ўрта махсус маълумотга эга мутахассислар 3.076.237 киши бўлган, яъни партия XX съездига қадар бўлган вақтдагига нисбатан уларнинг сони 1 миллион кишидан зиёдроқ кўпайган. Ҳал қилувчи овозга эга 4408 делегатдан 2312 делегат олий маълумотга, 230 делегат тўлиқсиз олий маълумотга, 665 делегат ўрта маълумотга эга. Шундай қилиб, съездда ҳал қилувчи овозга эга бўлиб қатнашаётган делегатларнинг 72,8 проценти олий, тўлиқсиз олий ва ўрта маълумотли кишилардир. **(Қарсаклар).** Съездга сайланган делегатлардан 975 киши инженер ва экономистлар, 260 киши агрономлар, ветеринария врачлари, зоотехниклар ва қишлоқ хўжалигининг бошқа мутахассислари, 379 киши педагоглар, врачлар, юристлар, журналистлардир. Съезддаги ҳал қилувчи овозга эга делегатларнинг 17,1 проценти партиявий-сиёсий маълумотли кишилардир.

Съезд ишида 226 олим, шулар орасида СССР Фанлар академиясининг 38 академиги, корреспондент аъзоси, тармоқ академиялари ва иттифоқчи республикалар фанлар академияларининг 24 ҳақиқий аъзоси ва корреспондент аъзоси, 139 фан доктори ва кандидатлари қатнашмоқда.

Атоқли олимларнинг съездга сайланганлиги бизнинг жамиятимизда ишлаб чиқарувчи кучларни зўр куч билан ўстиришнинг ҳал қилувчи фактори бўлиб қолаётган фанни ривожлантириш тўғрисида партиямиз алоҳида ғамхўрлик қилаётганлигидан далолат беради. Совет олимлари ўзларининг жуда катта илмий кашфиётлари билан жаҳонда шуҳрат қозондилар ва атом энергиясидан тинч мақсадларда фойдаланиш, космик фазони ўзлаштириш соҳасида ҳозирги илм-фаннинг бир канча муҳим соҳаларида етакчи ролни эгалладилар.

Йўлдошларни ва космик кемаларни коинот ичкарисига кўтариб чиқараётган қудратли ракеталар ҳозирги замон фани ва техникасининг мўъжизасидир, бутун совет халкининг ифтиҳоридир. Юрий Гагариннинг мислсиз космик сафари нақадар улуғлигини жаҳон ҳали тўла равишда англаб олишга улгурмасданоқ унинг кетидан Герман Титов космосга учиб, тағин ҳам зўр жасорат кўрсатди. **(Гулдурос қарсаклар).** Улуғ совет халкининг шавкатли фарзандлари, Ленин партиясининг фарзандлари бўлган қаҳрамон космонавтлар Юрий Алексеевич Гагарин ва Герман Степанович Титов КПСС XXII съездига делегат қилиниб сайландилар. **(Гулдурос қарсаклар).**

Съездга 45 ёзувчи, рассом, композитор, артист сайланди. Бизнинг партиямиз адабиёт ва санъатни халқ билан алоқани мустаҳкамлаш, халқ маънавий турмушининг хилма-хиллигини чуқур очиб бериш, совет кишисини юксак ғоявийлик ва коммунистик ахлоқ руҳида тарбиялаш йўлига диққат ва сезгирлик билан йўллаб турибди. Адабиёт ва санъат жамиятимизнинг маданий тараққиётига, коммунизм учун олиб борилаётган умумхалқ курашига муҳим ҳисса қўшиши лозим.

Бизнинг мамлакатимизда халқ ва Коммунистик партия Қуролли Кучларга ҳамиша катта эътибор бериб келмоқда, КПСС XXII съездига Совет Армияси ва Ҳарбий Денгиз Флотининг 305 ҳарбий хизматчиси ҳал қилувчи овоз ҳуқуқи билан делегат қилиниб сайланди. Съезднинг бу делегатлари шуҳрат қозонган саркардалар — маршаллар, генераллар ва адмираллардир.

СССРда коммунизм қуриш ишлари ҳарбий-сиёсий блокларнинг, империалистик давлатларнинг корчалонлари урушга зўр бериб тайёргарлик кўраётган мураккаб халқаро вазиятда олиб борилмоқда. Партия коммунистларни ва бутун совет халқини, Қуролли Кучларни ва давлат хавфсизлиги органларини ҳотиржамлик ва бепарволиknинг ҳар қандай кўринишларига қарши ҳамиша огоҳлантириб турибди, совет кишиларини социалистик Ватанни ҳимоя қилишга доимо тайёр бўлиб туриш руҳида тарбияламоқда. **(Қарсаклар).** Ҳар бир совет кишиси кейинги вақтларда партия Марказий Комитети ва ҳукуматнинг давлатимиз мудофаасини мустаҳкамлаш йўлида кўрган чораларининг зарурлигини тушунади. Бу тадбирларни бутун халқ маъқуллади ва қувватлади.

Ёш кадрларни раҳбарлик ишларига кўтаришдаги камчиликлар КПССнинг XXI съездида танқид қилинган эди. Партия ташкилотлари бундан муайян хулосалар чиқариб олдилар ва тажрибали, синалган кадрлар билан ёш кадрларни бир-бирига қўшиб улардан тўғри фойдаланиш тўғрисида ғамхўрликни кучайтирдилар. Бунн КПСС XXII съезди делегатларининг состави ҳам акс эттириб турибди. Ҳал қилувчи овозга эга бўлган делегатлар орасида 35 ёшгача бўлган кишилар 22 процентни, 36 ёшдан 40 ёшгача бўлган кишилар 16,6 процентни, 41 ёшдан 50 ёшгача бўлган кишилар 37,9 процентни ва ёши 50 дан ошиқ бўлган кишилар 23,5 процентни ташкил қилади.

Съезд делегатларининг партия стажи жиҳатидан тақсимланиши қуйидагича: 42 делегат Улуғ Октябрь социалистик революциясига қадар партияга кирган кишилардир. **(Гулдурос, давомли қарсаклар).** Делегатлар орасида 1917 — 1920 йилларда партияга кирган кишилар 1,3 процентни, 1921—1930 йилларда партияга кирган кишилар 7,7 процентни, 1931—1940 йилларда партияга кирган кишилар 22 процентни, 1941—1945 йилларда партияга кирган кишилар 26,6 процентни, 1946—1955 йилларда партияга кирган кишилар 23,1 процентни ва 1956 йилда ва ундан кейинги йилларда партияга кирган кишилар 18,4 процентни ташкил қилади. Съездда партия сафларида туриб партиянинг ярим асрдан кўпроқ бутун шонли йўлини босиб ўтган кишилар билан бир каторда КПСС сафига бизнинг қаҳрамонлик кунларимизда кирган, Лениннинг улуғ байроғини кекса авлод билан кўлни-кўлга бериб коммунизм сари олга олиб бориши лозим бўлган кишилар ҳам қатнашмоқда. **(Қарсаклар).**

Партия ташкилотлари 1896 йилдан бери партия аъзоси бўлган Федор Николаевич Петров, 1897 йилдан бери партия аъзоси бўлган Николай Александрович Алексеев, 1898 йилдан бери партия аъзоси бўлган Елена Дмитриевна Стасова, Вячеслав Алексеевич Карпинский ва бошқа шулар сингари кўпгина кишиларни — партиянинг энг кекса аъзоларини съездга делегат қилиб юбордилар. **(Қарсаклар).** Ленин раҳбарлигида пролетариат диктатурасининг ғалабаси ва совет ҳокимиятини ўрнатиш учун олиб борилган синфий курашнинг қаҳрамонона мактабини ўтган кекса большевистик гвардиянинг намояндалари КПСС XXII съездига сайланганлиги коммунистларнинг улуғ партиямизнинг революцион традицияларига бўлган чуқур ҳурматининг ифодасидир. **(Қарсаклар).**

Ўртоқлар! Мамлакатимиз ҳаётида ва унинг эришган буюк ғалабаларида совет хотин-қизларининг роли ғоят каттадир. Социализмнинг ғалабаси давлат, жамоат, хўжалик ва маданий ҳаётнинг ҳамма соҳаларида хотин-қизларнинг эркаклар билан тенг ҳуқуқли бўлишини таъминлади, уларга илм-маърифат йўлини очиб берди, уларнинг ижодий кучларини ва ташкилотчилик талантларини уйғотди.

Ҳозирги вақтда Совет Иттифоқи Коммунистик партияси сафларида хотин-қизлардан 1.898.759 киши ёки партиянинг XX съездига қадар бўлган вақтдагига қараганда қарийб ярим миллиондан кўпроқ киши бор. **(Қарсаклар).** КПСС XXII съездига сайланган делегатлардан 1073 киши хотин-қизлар бўлиб, улар делегатларнинг умумий сонига нисбатан 22,3 процентни ташкил қилади. **(Қарсаклар).** XX съездда хотин-қиз делегатлар 15,3 процент бўлган эди.

XXII съездга сайланган хотин-қиз делегатлар орасида ишчилар, колхозчилар, инженерлар, педагоглар, врачлар, олимлар, партия, совет ходимлари кўзга кўринган жамоат арбоблари бор. Хотин-қиз делегатларнинг энг кўпи Иваново область партия ташкилоти делегациясида бўлиб, 36,8 процентни ташкил қилади **(қарсаклар)**, Кострома делегациясида 32 процентни **(қарсаклар)**. Новгород делегациясида 30 процентни **(қарсаклар)**, Смоленск делегациясида 29,2 процентни **(қарсаклар)**, Краснодар ўлка партия ташкилоти делегациясида 28,2 процентни **(қарсаклар)** ташкил қилади. Компартияларнинг делегациялари орасида хотин-қиз делегатлар Молдавия делегациясида 26,5 процентни **(қарсаклар)**, Қирғизистон делегациясида 25,7 процентни **(қарсаклар)**, Ўзбекистон делегациясида 25,4 процентни ташкил қилади **(қарсаклар)**. Съезд делегатлари орасида СССР Олий Советининг ҳамда иттифоқчи ва автоном республикалар Олий Советларининг депутатлари бўлган хотин-қизлардан 110 киши бор. **(қарсаклар).**

Ўртоқлар! Маслаҳат овозига эга бўлган делегатлар состави қуйидагича. Маслаҳат овози билан ҳаммаси бўлиб 405 делегат сайланди, шулардан 116 киши саноатда, қурилишда ва транспортда, 105 киши қишлоқ хўжалигида, 55 киши партия органларида ва 30 киши совет органларида, 24 киши касаба союз ва комсомол ташкилотларида ишлайди, 45 киши Совет Армиясида, Ҳарбий Денгиз Флотида ва чегара қўшинларида хизмат қилади. Олий ва тўлиқсиз олий маълумотга эга бўлганлар 186 киши ёки 46 процент. Ўрта маълумотга эга бўлганлар 85 киши, ёки 21 процент. Маслаҳат овозига эга бўлган делегатларнинг партия стажлари қуйидагича: 1921 — 1930 йилларда партияга кирганлар 2,2 процент, 1931 — 1940 йилларда партияга кирганлар 9,4 процент, 1941 — 1945 йилларда партияга кирганлар 24,2 процент, 1946—1955 йилларда партияга кирганлар 32,3 процент, 1956 йилда ва ундан кейинги йилларда партияга кирганлар 31,9 процент.

Партия ташкилотлари энг яхши кишиларнинг энг яхшиларини XXII съездга — коммунизм қурувчилар съездига вакил қилиб юбордилар. Ҳал қилувчи овозга ва маслаҳат овозига эга бўлган ҳамма делегатларнинг 84,1 проценти Совет Иттифоқининг орденлари ва медаллари билан мукофотланган кишилардир. **(Қарсаклар)** Съезд делегатлари орасида — Совет Иттифоқи Қаҳрамонлари 99 киши, Социалистик Меҳнат Қаҳрамонлари — 478 киши, Ленин ва Сталин мукофотларининг лауреатлари 203 киши. **((Қарсаклар).**

КПСС XXII съезди делегатларининг состави партиянинг кучи тўхтовсиз ошиб бораётганлигини, унинг кадрлари омма орасида ташкилотчилик ва сиёсий иш олиб боришдаги янгидан-янги тажрибалар билан бойиб бораётганлигини, коммунистик қурилишнинг кундалик амалий ишларида ғоявий жиҳатдан тобора кўпроқ чиниқаётганлигини яққол кўрсатиб турибди.

Коммунизм қурилиши авж олдирилган даврда Совет Иттифоқининг раҳбар ва етакчи кучи бўлган Коммунистик партиянинг роли ва аҳамияти оша беради. Шу даврга мувофиқ партиянинг ўзи ўз тараққиётида, ўзининг сиёсий, идеология ва ташкилотчилик ишларида янги, тағин ҳам юқори босқичга кўтарилади.

КПСС Марказий Комитетининг ҳисобот докладида Коммунистик партиянинг яқин йиллар ичида ҳал қилиши лозим бўлган вазифалар жуда тўлиқ ва аниқ белгилаб берилди, партиямиз фаолиятининг халқ хўжалигига ва жамиятнинг маънавий турмушини ривожлантиришга қилинадиган партиявий раҳбарликни юксак даражага кўтаришни таъминлайдиган формалари ва методларини узлуксиз такомиллаштириб бориш йўллари кўрсатилди.

Ўртоқ Никита Сергеевич Хрушчев бошчилигидаги Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети партия ва мамлакатни улуғ Ленин кўрсатиб берган йўлдан қатъият ва ишонч билан олиб бормоқда. Марказий Комитетимизнинг назарий кучи ва сиёсий донишмандлиги, ҳозирги тарихий шароитдаги ижтимоий тараққиёт процессларини чуқур тушунганлиги, партия ва халқ манфаатларининг бирлиги КПСС Программаси проектида, ўртоқ Н. С. Хрушчевнинг съезддаги докладларида ўз ифодасини топди. Съезд Коммунистик партиянинг тарихий вазифани — коммунистик жамият қуриш вазифасини бажаришдаги қудратли ижодий ғайратини, букилмас иродасини бутун дунё олдида яққол намойиш қилади. **(Давомли қарсаклар).**

ТАРИХИЙ СЪЕЗД КУНЛАРИДА



А. Р. Левицкий чизган расмлар.

ИЛҒОРЛАРГА ҚИЗИЛ БАЙРОҚЛАР

Ўзбекистон КП Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети пахта териш ҳамда давлатга топшириш юзасидан областлар ўртасидаги социалистик мусобақанинг октябрь ойи иккинчи ўн кунлигига доир Ўзбекистон ССР Халқ хўжалиги кенгаши ва Тайёрлаш министрлиги тақдим этган материалларни қараб чиқдилар.

Ўзбекистон КП Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг кўчма Қизил байроғи САМАРҚАНД ОБЛАСТИДА қолдирилди (Ўзбекистон КП область комитетининг секретари ўртоқ МАҲМУДОВ, область ижроия комитетининг раиси ўртоқ ЮСУПОВ, область комсомол комитетининг секретари ўртоқ МАҚСУМОВА, область совхозлар трестининг бошқарувчиси ўртоқ КАРИМОВ, «Узсельхозтехника» область бирлашмасининг раиси ўртоқ АРАКЕЛОВ, область тайёрлаш бошқармасининг бошлиғи ўртоқ ИБРОҲИМОВ, пахта тайёрлаш трестининг бошқарувчиси ўртоқ ШОДИЕВ), бу область пахта тайёрлаш йиллик планини 79,86 процент, машина терими планини 40,68 процент, ҳосилни қоп-қанорсиз ташиш планини 84,82 процент бажарди, октябрнинг иккинчи ўн кунлигида йиллик планнинг 18,12 проценти миқдорида пахта сотди.

Ўзбекистон КП Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг кўчма Қизил байроғи ХОРАЗМ ОБЛАСТИга берилди (Ўзбекистон КП область комитетининг секретари ўртоқ ШАМСУТДИНОВ, область ижроия комитетининг раиси ўртоқ МУРОДОВ, область комсомол комитетининг секретари ўртоқ ҚЎЧҚОРОВ, «Узсельхозтехника» область бирлашмасининг раиси ўртоқ КИМ, область тайёрлаш бошқармасининг бошлиғи ўртоқ ЮСУПОВ, пахта тайёрлаш трестининг бошқарувчиси ўртоқ СУТАРИХИН), бу область пахта тайёрлаш йиллик планини 76,64 процент, машина терими планини 15,40 процент, ҳосилни қоп-қанорсиз ташиш планини 34,80 процент бажарди, октябрнинг иккинчи ўн кунлигида йиллик планнинг 17,95 проценти миқдорида пахта сотди. Қизил байроқ Тошкент областидан олиб берилди.

Пахта териш ва давлатга топширишда илғор бўлган колхоз ва совхозларга сотиш учун Самарқанд ва Хоразм область ижроия комитетлари ихтиёрига 5 тадан юк автомашинаси ажратилди.

Қанча пахта топширилди?

Ўзбекистон ССР областларида пахта тайёрлашнинг, ҳосилни қоп-қанорсиз ташишнинг бориши тўғрисида 1961 йил 21 октябргача бўлган МАЪЛУМОТ

(Пахта тайёрлаш — планга нисбатан, машина терими ва ҳосилни қоп-қанорсиз ташиш — мажбуриятга нисбатан процент ҳисобида)

Областлар	Пахта тайёрлаш			Пахтани қоп-қанорсиз ташиш
	Бир кунда	Мавсум бошидан бери	Машина терими	
Самарқанд	1,81	79,86	40,68	84,82
Хоразм	2,01	76,64	15,40	34,80
Тошкент	1,61	73,24	44,68	79,20
Андижон	1,04	72,86	34,69	90,31
Сурхондарё	1,04	69,29	44,43	80,34
Бухоро	0,91	64,52	17,02	55,37
Фарғона	0,75	59,04	8,79	59,55
Қорақалпоғистон АССР	1,68	58,55	17,65	31,30

Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг XXII съезди

Кремлнинг Съездлар саройида

(Боши иккинчи бетда).

Сўнгра В. Ульбрихт дедики, бугунги кунда Европа учун асосий уруш хавфини Ғарбий Германия тугдирмоқда. Ғарбий Берлиннинг иккинчи Сараево бўлиб қолиш хавфи бор. Шу сабабли Германия Демократик Республикаси олдида, социалистик лагерь ва бутун дунёдаги тинчликсевар кучлар олдида улуғ тарихий вазифа турибди, бу вазифа шуки, Германия милитаристларининг учинчи жаҳон урушини бошлаб юборишларига йўл қўймаслик учун улар тузган планларнинг ўз вақтида пайини қирқиш керак. Германия билан сулҳ шартномаси тузиш кечиктирилмайдиган вазифадир.

Нотиқ Америка империалистлари ва Ғарбий Германиянинг милитарист доиралари Германия Демократик Республикасидаги социалистик қурилишга қарши, Совет Иттифоқига ва бошқа социалистик мамлакатларга қарши шиддатли кураш олиб бораётганликларини кўрсатувчи фактларни айтиб берди. АҚШ империалистлари ва Ғарбий Германия реваншчиларининг ўзлари эълон қилган маълумотлардан кўриниб турибдики, улар Германия Демократик Республикасига ва бошқа социалистик мамлакатларга қарши Ғарбий Берлин территориясида туриб олиб борилаётган қўпорувчилик ишларига ҳар йили тўрт миллиард марка пул сарфламоқдалар. Бизнинг халқимиз, деди Вальтер Ульбрихт, империалистларнинг бундай аралашувига йўл қўйиб бўлмайди, деб ҳисоблайди. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Устави асосида ҳамма давлатларнинг суверенитети қандай ҳурматланаётган бўлса, Германия Демократик Республикасининг суверенитетини ҳам шундай ҳурматлашни талаб қиламиз.

Германия Демократик Республикаси, деди Вальтер Ульбрихт, сулҳ шартномасининг тезроқ тузилишига интилмоқда. Иккала герман давлатидан бирортаси ҳам атом қуроли олмасин ва бу қуролни ишлаб чиқариш ҳуқуқига эга бўлмасин, деган таклифга қўшилишга тайёрмиз. Биз ҳар иккала герман давлатининг ёппасига ва батамом қуролсизланишига розимиз. Биз—НАТО билан Варшава шартномаси қатнашчилари бўлган давлатлар ўртасида ҳужум қилишмаслик пакти имзоланишига тарафдормиз. Биз ҳар иккала герман давлатининг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти аъзолигига қабул қилинишига тарафдормиз.

Тинчлик ва социализмнинг мустаҳкам таянчи бўлган Германия Демократик Республикасини тағин ҳам мустаҳкамламоқ учун, деди ўртоқ В. Ульбрихт, ҳеч бир куч-ғайратимизни аямаймиз.

Вальтер Ульбрихт Германия Бирлашган социалистик партияси Марказий Комитетининг табриknомасини делегатлар ва меҳмонларнинг гулдурос қарсаклари остида съезд президиумига топширади.

Италия Коммунистик партиясининг бош секретари ўртоқ **Пальмиро Тольятти** съездни табриклайди. Ўртоқ Тольятти қўйидагиларни айтади: Ўртоқ Никита Сергеевич Хрушчев ғоят чуқур мазмунли докладида КПСС XX съезднинг қарорлари, сизнинг партингиз учун тарихий аҳамиятга эга бўлганлигини бир неча бор таъкидлади. Бу қарорлар бутун халқаро ишчилар ҳаракати учун ва, хусусан, бизнинг партиямиз учун ҳам катта аҳамиятга эга бўлди.

КПСС XX съезди тиклаган демократик централизм принципларига ва халқаро пролетар бирдамлиги принципларининг Албания меҳнат партияси раҳбарлари томонидан бузилганлиги тўғрисида унинг шаънига қилинган таҳқирни тўла маъқуллаймиз.

Шахсга сиғинишнинг қатъий танқид қилинганлиги, урушнинг олдини олиш мумкин эканлиги тўғрисидаги, турли мамлакатларда социализм учун кураш формалари тўғрисидаги масала юзасидан XX съезд эълон қилган янги назарий қоидалар ва ҳоказолар догматик майлларга ва оппортунистик инерцияга қатъий зарба беришга ёрдам қилди, тўғри марксча-ленинча снёсатнинг асосларини чуқурлаштириш ва яхшироқ тушуниб олишимизга ёрдам берди. партиямизни қучайтириш ва мустаҳкамлаш процессига йўл очиб берди. Бу процесс шаҳар ва қишлоқлардаги меҳнаткашлар оммаси билан алоқаларимизни кенгайтириш ва мустаҳкамлаш имкониятини тугдирди. Буларнинг ҳаммаси иқтисодий ва снёсий курашда ишчиларнинг ва халқ оммасининг бирлигини таъминлаш учун янги шарт-шароит вужудга келтирди.

Йирик саноат монополияларининг ҳужумига ишчилар синфи ва меҳнаткаш деҳқонлар қаршни янада зўр бериб қучайтириш билан жавоб қайтардилар. 1960 йилда забастовкаларнинг давомати 29 миллион иш кунини ташкил этди, 1961 йилнинг январь ойидан сентябрь ойигача эса 49 миллион иш кунини ташкил этди. 1960 йилнинг ёз фаслида, снёсий гуруҳлар, ошкора реакцион гуруҳлар тўнтариш қилиш йўли билан демократик ва парламент эркинликларини чеклаш ва тугатишга ҳамда ўтакетган ўнг авторитар режим ўрнатишга уринган чоқда меҳнаткашлар оммасининг ва, хусусан, ишчи ёшлар ҳамда студентларининг актив кураши бу планларни барбод этди.

Бизнинг мамлакатимизда, деб таъкидлайди ўртоқ П. Тольятти, тинчлик ва қуролсизланиш йўлидаги ҳаракат учун характерли нарса бу ҳаракатнинг кенгайиб кетганлиги ва бирликнинг мустаҳкамланганлигидан иборат. Биз тинчлик йўлидаги курашни фашизмга қарши ва герман милитаризмининг қайтадан тикланишига қарши кураш билан бевосита боғлаб олиб бормоқдамиз.

Италья халқи герман милитаризмини тиклаш учун ўзини янги бемаъно ҳарбий авантюралар гирдобига ташлашларига ҳеч қачон йўл қўймайди.

Италия Коммунистик партиясининг бош секретари айтадики, бизнинг партиямиз Октябрь социалистик революциясининг нурларидан мунаввар бўлиб, бу революциянинг алангасидан баҳра топган ҳолда, улуғ Ленининг чақириғи ва васиятларига амал қилган ҳолда вужудга келди. Бу чақириқ ва бу васиятлар бизнинг қалбимизда абадий яшайди. Иккинчи жаҳон урушидан аввал ва бу урушдан кейин эришган барча муваффақиятларимиз, социалистик мамлакатлар лагерининг вужудга келганлиги ва бу лагернинг доимо мустаҳкамланиб бораётганлиги айни вақтда бизнинг ҳам муваффақият ва ютуқларимиздир. Бу муваффақиятлар бутун халқаро ишчилар ҳаракатининг ҳам муваффақияти ва ютуқларидир.

Ўртоқ Тольятти сўзини давом эттириб бундай деди: Биз муҳокама қилаётган ва қабул қиладиган янги Программа марксча тафаккурнинг асосли ҳужжатидир. Программа ишчилар ва халқ оммасининг онгига сингиб бориб, уларни ғоят руҳлантиради ва энг муҳим проблемаларни ҳал этишнинг коммунистлар томонидан тақдим этилаётган йўли бирдан-бир тўғри йўл эканлигига уларнинг ишончини оширади. Бу йўл инсонни ҳар қандай эксплуатация, ҳар қандай зулм ва ҳар қандай асоратдан қутқазиш ишининг галабасини таъминлайди. Совет кишиларининг ҳозирги авлодигина эмас, балки бутун дунё ишчилари ва меҳнаткашларининг ҳозирги авлоди ҳам ўзларини янги порлоқ келажак—демократия ва социал прогресс кутаётганлигига амин бўла оладилар.

Коммунистик партия раҳбарлигида инсониятнинг энг яхши орзуларини рўёбга чиқариш ишига қўлган ва қўшаётган жуда катта ҳиссаларингиз учун сизлардан, Совет Иттифоқи коммунистлари ва халқларидан миннатдормиз. Ишчилар синфининг барча илғор отрядлари, барча прогресс кучлари, барча эрксевар ва тинчликсевар халқларнинг кучлари сизлар билан ҳамиша жонли ва амалий ҳамкорликда бўлишига амин бўлишингиз мумкин.

Руминия Ишчи партияси Марказий Комитетининг биринчи секретари ўртоқ **Георге Георгиу-Деж** съездни Руминия Ишчи партияси, Руминиянинг ишчилар синфи ва бутун румин халқи номидан табриклади. КПСС Марказий Комитетининг ўртоқ Н. С. Хрушчев томонидан тақдим этилган ҳисоботида, деди у, коммунизм қурилишининг ҳамма соҳаларида совет халқи эришган жуда катта муваффақиятлар акс эттирилган. СССРнинг иқтисодий қудрати ниҳоят даражада ўсганлиги, саноат тез ва ҳар томонлама ривожланаётганлиги, қишлоқ хўжалигидаги катта муваффақиятлар, совет фани ва техникасининг даврдшумул ютуқлари, меҳнаткашларнинг фаровонлиги тўхтовсиз ўсиб бораётганлиги — мана шуларнинг ҳаммаси КПСС XX ва XXI съездлари қарорларининг тўғрилигини амалда исботлаб турибди, узоқни кўриб қабул қилинган бу қарорлар совет халқининг ижодий кучларини қудратли суратда юксалтириб юборди.

Совет халқининг галабалари туфайли, деди ўртоқ Г. Георгиу-Деж, Совет Иттифоқининг, бутун социалистик лагерининг обрўйи тўхтовсиз ўсмоқда. Бу галабалар коммунизмнинг жозибадор кучи бутун дунёда ўсаётганлигига кўп жиҳатдан ёрдам бермоқда.

Бутун дунёнинг коммунистик ва ишчи ҳаракати каби бизнинг партиямиз ҳам, деди нотиқ, Совет Иттифоқи Коммунистик партиясини, унинг Н. С. Хрушчев бошчилигидаги синалган ленинчи раҳбарлигини юксак даражада қадрлайди, ўртоқларча севади ва ҳурматлайди. КПССнинг совет халқининг, коммунизм ва тинчлик ишининг манфаатларини кўзлаб қилаётган жуда катта ишларини юксак даражада қадрлайди, КПСС улуг таълимотимизнинг поклигини ҳар қандай оғишлар ва бузишлардан принципиаллик ва муросасизлик билан ҳимоя қилиб, марксизм-ленинизм ва пролетар интернационализми байроғини баланд кўтариб бораётганлиги учун КПССни юксак даражада қадрлайди.

Сўнгра ўртоқ Г. Георгиу-Деж КПСС XXII съездининг ва Совет Иттифоқи Коммунистик партияси янги Программаси проектининг жуда катта халқаро аҳамияти ҳақида гапиради.

Программа проекти ва съездга тақдим этилган докладлар совет кишиларининг ҳозирги авлодиёқ коммунизм даврида яшайди, деб тантанали равишда эълон қилиб, коммунистик жамиятнинг жуда катта манзарасини халқларга яққол кўрсатиб берди. Коммунистик жамият меҳнаткашларнинг моддий ва маънавий эҳтиёжларини тўла равишда қондиради, инсониятга тинчлик, озодлик ва бахт-саодат келтиради.

Ишлаб чиқарувчи кучларни янада жуда катта ўстиришнинг дадил планларини Совет Иттифоқи ўзининг иқтисодий қудрати ва жуда кўп ресурслари билан бемалол бажара олади. Социализм ва коммунизмнинг афзалликлари, зўр иштиёқ билан коммунизм қураётган совет халқининг юксак даражадаги онглилиги таъминлаётган тараққиёт имкониятлари чексиздир.

80 қардош партия вакилларининг XXII съездда қатнашаётганлиги коммунистик ҳаракатнинг марксизм-ленинизм голиб байроғи остида жипслашганлигини кўрсатувчи янги далилдир.

Сўнгра ўртоқ Георгиу-Деж деди, Албания Меҳнат партияси раҳбарлигининг кейинги вақтда тутган позицияси барча коммунистик ва ишчи партияларига хос бўлган интернационализм руҳига зид бўлиб тушмоқда. Албания Меҳнат партиясининг раҳбарлари коммунистик ҳаракатнинг умумий йўлидан чекина бошладилар, ваҳоланки коммунистик ҳаракатнинг бу умумий йўли 1957 ва 1960 йиллардаги Кенгашларнинг уларнинг ўзлари ҳам имзолаган ҳужжатларида ўз ифодасини топган эди. Бундай позиция социалистик лагерь бирлигининг манфаатларига ҳам, шунингдек албан халқининг, Албаниядаги социализм қурилишининг манфаатларига ҳам зарар етказади.

Сўнгра Руминия Ишчи партияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Совет Иттифоқининг ва бошқа социалистик мамлакатларнинг тинчликсевар ташқи сиёсатига тўхталиб айтдики, бу сиёсат низоли масалаларни музокаралар олиб бориш йўли билан тинч ҳал қилиш йўлида куч-ғайрат сарфлашни ҳам, империалистларнинг кирдикорларига қарши ҳушёрликни бўшаштирмасликни ҳам кўзда тутмоқда.

Руминия Ишчи партияси, Руминия Халқ Республикасининг ишчилар синфи ва бутун халқимиз, деди ўртоқ Г. Георгиу-Деж ўз сўзининг охирида, қаҳрамон совет халқига ва унинг доно раҳбари—Совет Иттифоқи Коммунистик партиясига коммунизм ғалабасининг зўр программаси бўлган янги Программани амалга оширишда чин кўнгилдан тўла муваффақият тилайди.

Венгрия Социалистик ишчи партияси Марказий Комитетининг биринчи секретари ўртоқ **Янош Кадар** Венгрия Социалистик ишчи партиясининг, бутун венгер халқининг қизғин қардошлик саломини Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг XXII съездига, улуғ совет халқига топширди. КПССнинг бебаҳо аҳамиятга эга бўлган XX съезди йўлини XXII съезд маъқуллаб ва оғишмай давом эттираётганлиги бутун халқаро коммунистик ҳаракатга жуда катта янги куч бағишлашига биз аминмиз, деди Янош Кадар. — XX съезд фақат совет халқининг ҳаётидагина эмас, шу билан бирга бутун социалистик лагернинг ҳаётида ҳам янги зафарли босқич очди.

Коммунистик партияларнинг ички бирлиги ҳам, шунингдек халқаро коммунистик ҳаракат сафларининг интернационал жипслиги ҳам, деди ўртоқ Я. Кадар, қурашимизнинг муваффақияти учун ҳамиша жуда катта аҳамиятга эга бўлиб келди ва эга бўлади. Партияларимизнинг ички бирлиги ва уларнинг халқаро дўстлиги фақат марксизм-ленинизм идеялари асосида ривожланиши мумкин. Халқаро коммунистик ҳаракатнинг ва социалистик лагерь халқларининг бирлиги ва жипслиги ҳозир ҳар қачонгидан ҳам кўра мустаҳкамроқ ва бу мустаҳкамлик муттасил давом этмоқда деб айтиш имкониятига эндиликда эга бўлган экانмиз (бу бирлик ва жипслик ҳақиқатан ҳам шундай мустаҳкам бўлиб қолди), бу мустаҳкамликка биринчи навбатда шу туфайли эришилдики, Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг ўртоқ Н. С. Хрушчев бошчилигидаги Марказий Қомитети марксизм-ленинизмнинг поклигини мардлик ва лозим даражада тоқат билан, лекин принципиал масалаларда ҳеч қачон ён бермай ҳимоя қилиб келди.

Ўртоқ Я. Кадар Венгрия Халқ Республикасининг ривожланиб бораётганлиги ва эндиликда унинг бутун халқ хўжалигида социалистик ишлаб чиқариш муносабатлари чексиз ҳукмрон бўлиб қолганлиги тўғрисида гапириб берди. Биз, деди у, совет қардошларимиздан венгер халқига қийин вақтда кўрсатган ёрдамлари учун бениҳоя миннатдормиз. Венгер халқининг контрреволюцияни «тор-мор келтиришида ва ҳозирги вақтда социализм йўлидан оғишмай қатъият билан олға бораётганлигида бу ёрдам ҳал қилувчи роль ўйнади.

Маркс, Энгельс, Ленин чизиб берган йўлдан совет халқини оғишмай ва тўхтовсиз олға бошлаб бораётган Совет Иттифоқи Коммунистик партияси билан биз бир сафдамиз, деб давом этди нотиқ. Биз Совет-Венгрия дўстлигини ҳамиша мустаҳкамлашга, уни партия ва давлат муносабатларимизда, турмушнинг ҳамма соҳаларида абадий бузилмас дўстликка айлантиришга қаттиқ бел боғлаганмиз. Эндиликда фақат шу йўл билангина венгер халқининг манфаатларига садоқат билан, самимий ва муносиб хизмат қилиш мумкин. Биз шу нарсага аминмизки, совет халқи ўз партиясининг янги Программасини бажаради ва инсониятнинг идеалини тарихан қисқа муддат ичида рўёбга чиқаради, янги дунёга — коммунизм дунёсига киради.

Тинч-тотув яшашни таъминлашга, ёппасига ва батамом қуролсизланишни ўтказишга, урушсиз ва қуролсиз дунёни вужудга келтиришга қаратилган Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг программаси, деди пировардида ўртоқ Я. Кадар, бутун ер юзидаги халқларни руҳлантиради. Ўз меҳнати билан яшаётган, ўз халқини ва ўз яқинларини севган ҳамма кишилар шу мақсадга эришишга интилмоқдалар.

* * *

Съезд делегатлари ва меҳмонлари қардош марксча-ленинча партиялар вакилларини катта самимият ва хурсандлик билан кутиб олмоқдалар. Уларнинг съездда сўзлаган нутқлари ҳозирги замоннинг энг муҳим проблемаларига баҳо беришда тўла яқдиллик борлигидан яна бир марта яққол далолат бермоқда, халқаро коммунистик ҳаракатнинг қудратли бирлигини намойиш қилмоқда.

21 октябрда съезд ўз ишини давом эттирди. (ТАСС).

ШУДГОРЛАШ ВА КУЗГИ-ҚИШКИ ТАДБИРЛАРНИ ЎЗ ВАҚТИДА ЎТКАЗАЙЛИК

ЎЗБЕКИСТОН КП МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ ВА ЎЗБЕКИСТОН ССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИДА

□ □

Ўзбекистон КП Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети шуни қайд қилдиларки, республикадаги кўпгина колхоз ва совхозлар пахтадан ва бошқа қишлоқ хўжалик экинларидан мўл ҳосил олишнинг ишончли омили бўлган шудгорлашни ва бошқа кузги-қишки тадбирларни ўз вақтида ўтказишнинг аҳамиятига ҳамон етарли баҳо бермаётирлар.

Кузги шудгорлашдан олдин ерга органик ва минерал (фосфорли) ўғитлар етарли солинмаяпти, ваҳоланки тупроқни айниқса шудгорлашдан олдин ўғитлаш жуда фойдалидир. Ернинг шўрини ювиш ва яхоб бериш анча кечиктириб ўтказилади, далаларни текислашга етарли эътибор берилмайди, ерларни текислашда тупроқ қатламидаги техникадан ёмон фойдаланилади.

Самарқанд, Сурхондарё ва Тошкент областларидаги совхозларда дон ва бошқа экинлардан бўшаган ерлар кўп бўлишига қарамай, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ҳузуридаги совхозлар Бош бошқармаси шудгорлашни кучайтириб юбориш учун кескин чоралар кўрмаяпти. Трактор паркларини жуда суст тайёрланмоқда. 10 октябргача ҳайдов тракторларининг 62 проценти, чопиқ тракторларининг 72 проценти, трактор плугларининг 48 проценти тайёрланди. Андижон, Самарқанд, Хоразм областларидан ва Қорақалпоғистон АССРнинг колхоз ва совхозларида ремонт айниқса қониқарсиз боряпти. Техниканы тайёрлашдаги бундай сусткашликнинг сабаби — «Ўзсельхозтехника» республика бирлашмаси ва унинг областлардаги бирлашмаларининг, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ҳузуридаги совхозлар Бош бошқармаси ва унинг областлардаги трестларининг, область ва район партия комитетларининг, Қорақалпоғистон АССР Министрлар Советининг, область ва район ижроия комитетларининг ишга қониқарсиз раҳбарлик қилаётганликларидир.

Кўпгина район партия комитетлари ва район ижроия комитетлари Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг ремонт ишчиларини ва механизаторларни бошқа ишларга олиб қўйишни тақиқлаш тўғрисидаги қарорини бажармаётирлар.

Мана буларнинг ҳаммаси 1961 йилда қишлоқ хўжалик экинлари анча барвақт етилганлигига ва ҳосилни йиғиштириб олишга эрта киришилганлигига қарамай, шудгорлашнинг қониқарсиз боришига олиб келди. 10 октябргача республиканинг ҳаммаси бўлиб 30 минг гектар ер ҳайдалди, бу—йиллик планнинг 1,7 процентини ташкил этади. Самарқанд, Сурхондарё областларининг колхоз ва совхозларида эса, экинлардан бўшаган ер кўп миқдорда бўлгани ҳолда шудгорлашга деярли киришилмади. Бошқа областларда ҳам шудгорлаш жуда ёмон боряпти.

Ўзбекистон КП Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ҳисоблайдиларки, партия, совет ва қишлоқ хўжалик органларининг, шунингдек колхоз ва совхоз раҳбарларининг ҳозирги кундаги бош вазифаларидан бири—трактор паркларини ўз вақтида тайёрлаб қўйишдан, ҳосилни йиғиб-териб олишни эрта шудгорлаш ва бошқа кузги-қишки тадбирларни ўтказиш билан маҳкам боғлаб олиб боришдан, шу тариқа 1962 йилда пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик экинларидан мўл ҳосил етиштирилишини таъминлашдан иборатдир.

Ўзбекистон КП Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети область ва район партия комитетлари, Қорақалпоғистон АССР Министрлар Совети, область ва район ижроия комитетлари, «Ўзсельхозтехника» республика бирлашмаси ва унинг жойлардаги органлари, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ҳузуридаги совхозлар Бош бошқармаси ва унинг областлардаги трестлари зиммасига техникани тайёрлашдаги камчиликларни тугатиш, барча ҳайдов тракторларининг, плугларнинг, ғўзапоя юладиган машиналарнинг, шунингдек зарур миқдордаги чопиқ тракторларининг ремонти 25 октябрдан кечиктирилмасдан тугалланишини таъминлаш вазифасини юкладилар.

Ўзбекистон КП Марказий Комитети ва республика Министрлар Совети қарор қилдилар:

ҳар бир район ва хўжаликда трактор ва бошқа қишлоқ хўжалик машиналарини ремонт қилишнинг аҳволи аниқлаб чиқилсин, ремонтга зарур миқдорда ишчилар ва механизаторлар жалб этилсин, уларнинг бошқа ҳар қандай ишларга олиб қўйилишига йўл қўйилмасин, техниканы ремонт қилиш ўн кунлик графикларн тасдиқлансин ва унинг бажарилиши устидан контроль ўрнатилсин;

ремонтнинг сифатини кескин даражада яхшилаш тадбирлари кўрилсин, техниканы ремонт қилишнинг бориши систематик равишда текшириб турилсин, текшириш натижалари область ва район партия комитетларининг бюро мажлисларида, область ва район ижроия комитетларининг мажлисларида муҳокама қилинсин;

жиҳозланган устахоналари ва малакали ишчилари бўлмаган колхоз ва совхозларнинг ҳамма тракторлари «Ўзсельхозтехника» район бўлимларининг устахоналарида ремонт қилинсин;

«Ўзсельхозтехника» республика бирлашмасига камчил запас қисмларни республикага жўнатишни кучайтириш тадбирларини кўриш ва бу қисмлардан тўғри фойдаланишни таъминлаш вазифаси юклатилсин.

Совхозлар Бош бошқармасига, область ва район партия комитетларига, Қорақалпоғистон АССР Министрлар Советига, область ва район ижроия комитетларига, шунингдек колхоз ва совхозларнинг раҳбарларига партов ерларни, қишлоқ хўжалик экинларидан бўшаган майдонларни ўайдаш суръатини ошириш, тайёрланган ҳамма ҳайдов тракторларидан фойдаланиш, уларнинг икки сменада ишлашини таъминлаш, пахта йиғим-теримини шудгорлашни ва бошқа кузги-қишки тадбирларни юқори сифатли ўтказиш билан маҳкам боғлаб олиб бориш вазифалари юклатилди.

Октябрда 326 минг гектар, ноябрда 780 минг гектар, декабрда 631,7 минг гектар, шу жумладан: октябрда Тошкент областида 75 минг гектар, Фарғона областида 35 минг гектар, Андижон областида 45 минг гектар, Самарқанд областида 60 минг гектар, Бухоро областида 20 минг гектар, Сурхондарё областида 41 минг гектар, Хоразм областида 25 минг гектар, Қорақалпоғистон АССР да 25 минг гектар; ноябрда: Тошкент областида 120 минг гектар, Фарғона областида 95 минг гектар, Андижон областида 150 минг гектар, Самарқанд областида 110 минг гектар, Бухоро областида 90 минг гектар, Сурхондарё областида 85 минг гектар, Хоразм областида 56 минг гектар, Қорақалпоғистон АССРда 74 минг гектар; декабрда: Тошкент областида 134 минг 400 гектар, Фарғона областида 128 минг 500 гектар, Андижон областида 73 минг 200 гектар, Самарқанд областида 120 минг 600 гектар, Бухоро областида 21 минг 400 гектар, Сурхондарё областида 122 минг 400 гектар, Хоразм областида 6 минг гектар, Қорақалпоғистон АССРда 25 минг 200 гектар ер ҳайдалиши керак. Область ва район партия комитетлари, Қорақалпоғистон АССР Министрлар Совети, область ва район ижроия комитетларига, қолхоз ва совхозларнинг раҳбарларига «Ўзсельхозтехника» омборларидан суперфосфат ва бошқа ўғитларни ташиб олишни кучайтириш вазифаси топширилди, токи, шудгорлаш олдидан ерга солиш учун ҳар бир хўжалик, бўлим ва бригада етарли миқдорда ўғит билан энг қулай муддатларда таъминлансин.

Ўзбекистон КП Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети куз-қиш даврида шўр ерларни ювиш ва яхоб бериш юзасидан бўлган планни тасдиқладилар, область ва район партия комитетлари, Қорақалпоғистон АССР Министрлар Совети, область ва район ижроия комитетлари зиммасига шўр ювишда ҳамда яхоб беришда сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш вазифаларини юклатилди. Сув хўжалиги министрлигига колхоз ва совхозларни сув билан таъминлаш юзасидан лимит белгилаш, сувдан тўғри фойдаланиш учун қаттиқ контроллик ўрнатиш вазифаси топширилди.

Қишлоқ хўжалик министрлигига, область ва район партия комитетларига, Қорақалпоғистон АССР Министрлар Советига, область ва район ижроия комитетларига, шунингдек тажриба-намуна хўжаликларининг раҳбарларига шўр ювиш, яхоб бериш ва шудгорлашни ерларга минерал ҳамда органик ўғитлар солиш билан боғлаб олиб боришни, шунингдек механизаторлардан ва бошқа воситалардан кузги-қишки ишларда тўла фойдаланишни қандай ташкил этиш кераклигини колхоз ва совхозларга амалда кўрсатиб бериш вазифаси топширилди.

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ҳузуридаги совхозлар Бош бошқармаси, область ва район партия ҳамда совет органлари зиммасига ер ҳайдашнинг, шўр ювишнинг ва баҳорги-дала ишларига тайёргарлик юзасидан қилиниадиган бошқа ишларнинг сифати устидан доим контроллик ўрнатилишини таъминлаш, бунда ҳамма агротехника талабларига тўла риоя қилинишига эришиш, нуқсонларга, ерни сифатсиз ҳайдашга, катта-катта кесакларнинг пайдо бўлишига йўл қўймасдан, бракка қарши қатъий кураш олиб бориш вазифаси юклатилди.

Газета редакцияларига, радио эшиттириш ва телевидение комитетига шудгорлашнинг боришини мунтазам ёритиш, кузги-қишки дала ишларини ташкил қилишдаги ижобий тажрибаларни кўрсатиб бориш вазифаси юклатилди.

Узбекистон ССР районларида пахта тайёрлашнинг бориши тўғрисида 1961 йил 21 октябргача бўлган МАЪЛУМОТ

Районлар	Планнинг бажарилиши (Планга нисбатан процент ҳисобида)	Машина терими (машинада нисбатан процент ҳисобида)
ЮҚОРИ ЧИРЧИҚ	114,42	38,78
ҒАЛЛАОРОЛ	100,00	18,40
Қуйи Чирчиқ	94,92	36,65
Орджоникидзе	93,82	27,97
Пойариқ	92,10	50,19
Жомбой	89,94	65,70
Кўргонтепа	87,56	78,80
Иштихон	86,47	25,55
Булунгур	86,16	32,89
Қўшкўпир	85,76	17,81
Хива	85,17	18,89
Марҳамат	85,05	43,63
Сариосиё	84,18	68,08
Поп	83,56	26,49
Шовот	82,05	15,52
Ленин	80,51	24,04
Оқдарё	80,25	38,12
Пискент	80,15	41,74
Денов	80,14	49,92
Пастдарғом	79,60	30,23
Шўрчи	79,29	68,10
Ғижduвон	78,46	42,28
Янгиариқ	78,30	9,43
Жалақудуқ	78,29	40,69
Жарқўрғон	78,13	101,29
Чиноз	78,05	39,73
Жиззах	77,92	46,48
Урта Чирчиқ	77,62	45,91
Олтинкўл	77,55	27,02
Янгиқўрғон	77,10	72,11
Ворошилов	76,68	29,97
Хўжаобод	75,96	45,98
Холдевонбек	75,60	44,09
Янгийўл	75,35	34,20
Чуст	75,14	30,86
Учқўрғон	75,09	24,16
Каттақўрғон	74,91	35,05
Хатирчи	74,74	26,54
Янгиер	74,52	62,76
Деҳқонобод	74,36	—

Районлар	Планнинг бажарилиши (Планга нисбатан процент ҳисобида)	Машина терими (машинада нисбатан процент ҳисобида)
Хонқа	74,03	13,98
Гурлан	73,84	21,62
Самарқанд	73,47	39,17
Пахтаобод	72,84	20,39
Шаҳрисабз	72,13	42,66
Чироқчи	71,23	10,87
Бўка	71,02	50,54
Ромитан	70,16	24,48
Сталин	69,88	20,02
Сирдарё	69,76	50,31
Турақўрғон	69,54	38,57
Бўз	69,39	38,86
Урганч	69,31	18,22
Избоскан	69,05	28,28
Янгиобод	68,74	51,73
Коғон	68,50	8,20
Қизилтепа	68,42	11,95
Косонсой	68,22	37,97
Наманган	68,01	35,65
Қўнғирот	67,96	26,05
Пахтакор	67,51	69,74
Ҳазорасп	67,51	8,58
Свердлов	67,16	15,58
Балиқчи	67,06	18,37
Комсомол	66,82	41,07
Тахтакўпир	66,52	18,36
Норпой	66,50	22,38
Оқўрғон	66,31	33,65
Андижон	66,10	17,35
Тўрткўл	66,01	21,32
Чинобод	65,55	19,52
Уйчи	65,17	8,79
Олтиариқ	64,80	3,12
Ангрен	64,72	72,67
Қува	64,54	9,11
Вобкент	64,40	12,27
Китоб	63,91	12,31
Фарғона	63,56	2,20
Норин	63,23	43,34
Бекобод	62,91	34,37
Зомин	62,58	—
Шофирикон	60,84	34,66
Бухоро	60,52	18,29
Охунбобоев	60,51	9,98
Ленинград	60,15	20,26
Қамаши	60,01	24,37
Хўжайли	59,99	22,54
Навоий	59,41	10,12
Куйбишев	59,37	12,17
Чимбой	58,57	20,94
Шеробод	58,51	87,00
Беруний	57,99	12,42
Термиз	56,96	45,33
Маргилон	56,41	10,92
Қоракўл	55,71	8,58
Бағдод	55,39	5,54
Ғузор	53,93	3,60
Фрунзе	53,88	8,48
Гулистон	53,39	24,95
Конимех	50,34	4,46
Узбекистон	48,92	2,37
Амударё	47,81	7,21
Кегайли	46,12	15,88
Қўқон	43,95	5,40
Киров	43,77	—
Қарши	34,86	—
Бешкент	34,23	0,93
Косон	29,85	1,38

ҒАЛЛАОРОЛ РАЙОНИ ПАХТАКОРЛАРИНИНГ ҒАЛАБАСИ

Самарқанд область Ғаллаорол районининг пахтакорлари КПСС XXII съездини муносиб меҳнат совғалари билан кутиб олиш учун курашиб, катта ғалабага эришдилар. Улар йил бўйи тер тўкиб етиштирилган мўл ҳосилни йиғиб-териб олишни уюшқоқлик билан олиб бориб, пахта тайёрлаш планини 21 октябрда бажардилар. Сувли ва шартли суғориладиган ерларнинг ҳар гектаридан ўртача 25 центнердан ҳосил олинди. Топширилган пахтанинг 80 процентн биринчи сортга қабул қилинди.

Район пахтакорлари ўз имкониятларини ҳисоблаб чиқиб, ҳар гектар ердан давлатга яна 5 центнердан пахта сотишга қарор қилдилар.

Қишлоқ хўжалигининг бошқа соҳаларида ҳам катта муваффақиятлар қўлга киритилди. Район 9 ой ичида давлатга 22 минг 337 центнер гўшт, 30 минг 500 центнер сут, кўп миқдорда бошқа деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотлари сотди.



СУРАТДА: Ғаллаорол районининг донгдор пахтакорлари. (чапдан ўнгга): Ленин номли колхозининг ҳар гектар ердан ҳозиргача 30 центнердан «оқ олтин» топшириб, яна 7 центнердан пахта бериш учун курашаётган илғор бригада бошлиғи Норбой ЭРБЎТАЕВ, Ленин номли колхознинг илғор теримчиси Фотима АҲМЕДОВА ҳозиргача хирмонга 6 тонна «оқ олтин» тўкди. У ҳар куни 170-180 килограммдан пахта термоқда. Қўйсин НОРБЕКОВА ҳар куни 170-180 килограммдан пахта териб, Карл Маркс номли колхозда бошқаларга намуна бўлмоқда. Шверник номли колхознинг донгдор теримчиси Бувражаб СОАТОВА кунда хирмонга 150-160 килограммдан пахта тўкмоқда. Унинг ҳозиргача терган пахтаси 6 тонна бўлди.

А. Свешчук фотоси.

Редактор З. И. ЕСЕНБОЕВ.

«Қизил Ўзбекистон», «Правда Востока» ва «Ўзбекистони Сурх» бирлашган нашриётининг босмахонаси, Тошкент шаҳри.
Р—01144. Нашр. В. 249.

СОВЕТ ИТТИФОҚИ КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИНИНГ XXII СЪЕЗДИ

Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг XXII съезди тўғрисида ИНФОРМАЦИОН БИЛДИРИШ

21 октябрда Москвада, Кремлнинг Съездлар саройида Совет Иттифоқи Коммунистлар партиясининг навбатдаги XXII съезди ўз ишини давом эттирди.

Съезд КПСС Марказий Комитетининг ҳисоботини, Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Программасининг проектини ва КПСС Марказий Ревизия Комиссиясининг ҳисобот докладини муҳокама қилмоқда.

Кечки мажлисда делегатлар ва меҳмонлар томонидан самимий кутиб олинган чет эл коммунистик ва ишчи партияларининг вакиллари — Куба Бирлашган революцион ташкилотлар раҳбарлигининг аъзоси ўртоқ Блас Рока, Индонезия Коммунистик партияси Марказий Комитетининг раиси ўртоқ Дипа Нусантара Айдит, Ҳиндистон Коммунистик партияси Миллий кенгашининг бош секретари ўртоқ Ажой Кумар Гхош съезднинг табрикладилар.

Съезд КПСС Марказий Комитетининг ҳисоботини, Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Программасининг проектини ва КПСС Марказий Ревизия Комиссиясининг ҳисобот докладини муҳокама қилишни давом эттирди. Мажлисда Ногинск районидаги Купавино мовут фабрикаси мастерининг ёрдамчиси М. И. Рожнева (Москва область партия ташкилоти), СССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари А. Н. Косигин, КПСС Краснодар ўлка комитетининг биринчи секретари Г. И. Воробьев, Арманистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Я. Н. Заробян ўртоқлар сўзга чиқдилар.

23 октябрда Москвада, Кремлнинг Съездлар саройида Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг навбатдаги XXII съезди ўз ишини давом эттирди.

Эрталабки мажлисда делегатлар ва меҳмонлар томонидан қизғин кутиб олинган чет эл коммунистик партияларининг вакиллари: Япония Коммунистик партияси марказий комитетининг раиси Сандзо Носака, АҚШ Коммунистик партияси миллий комитетининг раиси Элизабет Гэрли Флинн, Германия Коммунистик партияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Макс Рейман, Испания Коммунистик партиясининг раиси Долорес Ибаррури, Финляндия Коммунистик партиясининг бош секретари Вилле Песси съездни табрикладилар.

Сўнгра съезд КПСС Марказий Комитетининг ҳисоботини, Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Программасининг проектини ва КПСС Марказий Ревизия Комиссиясининг ҳисобот докладини муҳокама қилишни давом эттирди. Мажлисда Вишне Волочек ип-газлама комбинати йигирувчиларининг бригадири В. И. Гаганова (Калинин партия ташкилоти), РСФСР Министрлар Советининг раиси Д. С. Полянский, Литва Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари А. Ю. Снечкус, Қирғизистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Т. Усубалиев, КПСС Хабаровск ўлка Комитетининг биринчи секретари А. П. Шитиков ўртоқлар сўзга чиқдилар.

БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ҚИЗИЛ ЎЗБЕКИСТОН

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

«КИЗИЛ УЗБЕКИСТАН» — ОРГАН ЦЕНТРАЛЬНОГО КОМИТЕТА КОМПАРТИИ УЗБЕКИСТАНА, ВЕРХОВНОГО СОВЕТА И СОВЕТА МИНИСТРОВ УЗБЕКСКОЙ ССР

43-йил чиқиши
№ 250 (11.999)

Сешанба, 24 октябрь 1961 йил

Баҳоси 2 тийин.



Кремлдаги Съездлар саройида. Н. С. Хрущчев Гвинея Демократик партияси делегацияси билан суҳбатлашмоқда.
С. Гуларий фотоси. («Труд» газетасидан).

ЛЕНИНЧИ ПАРТИЯМИЗГА МУҲАББАТ ВА САДОҚАТ НАМОЙИШИ

Москва, Кремль! Азиз ватандошларимиз, чет эллик дўстларимиз ва бутун прогрессив инсониятнинг фикри-зикри, диққат-эътибори шу кунларда жуда кўп тарихий, сира унутилмас ва шонли воқеаларнинг гувоҳи бўлган ана шу муқаддас жойга қаратилган. Улуғ социалистик Ватанимиз пойтахти — жонажон Москвада, Кремлнинг Съездлар Саройида саккиз кундан бери коммунизм курувчиларининг буюк форуми — ленинчи партиямизнинг XXII съезди ўз ишини давом эттирмоқда. Инсониятнинг порлоқ истиқболи — коммунизм учун қаҳрамонона курашнинг зафарли йилномасига энг мухим воқеа сифатида кирадиган, партиямиз, бутун мамлакатимиз ва совет халқи ҳаётида, халқаро коммунистик ва ишчилар ҳаракати тарихида ғоят катта ўрин тутадиган бу тарихий съезднинг ишини ер куррасидаги ҳамма халқлар зўр қизиқиш билан кузатиб турибдилар.

Ўртоқ Н. С. Хрущчевнинг КПСС Марказий Комитети ҳисоботи ва Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг Программаси тўғрисида қилган, ленинча донолик билан суғорилган бой мазмунли докладлари коммунизм асрининг гимни, марксизм-ленинизм ғояларининг зўр тантанасини ифода қилувчи кудратли симфония бўлиб бутун жаҳон бўйлаб янгради. Совет Иттифоқи ва бутун социализм лагерининг оламшумул тарихий ғалабалари якунланган, мамлакатимизнингина эмас, балки бутун инсониятнинг ҳам келажакдаги тараққиёт проблемалари равшан кўрсатиб берилган ва ҳозирги халқаро аҳвол марксча-ленинча чуқур таҳлил қилинган бу докладлар замонамизнинг энг буюк ҳужжатларидир. Шунинг учун ҳам ўртоқ Н. С. Хрущчевнинг ҳар икки доклади бутун дунё халқларига раҳнамо бўладиган программа сифатида ҳамма мамлакатлар ва китъаларда зўр қизиқиш билан ўрганилмоқда.

Коммунизмнинг муаззам биносини барпо қилаётган совет кишилари ҳам КПСС Марказий Комитетининг ҳисоботи ва Совет Иттифоқи коммунистик партиясининг янги Программаси тўғрисидаги докладларни жонажон ленинчи партиямиз билан мислсиз фахрланиш ҳис-туйғуларига тўлиб-тошган ҳолда ғоят қизиқиниб ва тўлқинланиб қайта-қайта ўқимоқдалар. Совет Иттифоқи коммунистларининг улкан форумида съезд делегатлари содиқ ленинчи, партиянинг толмас ва фидоқор жангчиси, коммунизм ва халқ бахт-саодатининг оташин курашчиси ўртоқ Никита Сергеевич Хрущчев бошлиқ КПСС Марказий Комитетининг сиёсий йўлини ва амалий фаолиятини кизғин маъқулламоқдалар. Сўзга чиқаётган ўртоқлар бутун халқимизнинг фикрини ифодалаб, коммунистик жамият қурилишининг янги буюк истиқболлари тўғрисида ифтихор билан гапирмоқдалар. Совет Иттифоқи коммунистик партиясининг янги Программаси совет халқи учун, бутун инсоният учун тарихий аҳамиятга эга эканлигини алоҳида таъкидлаб ўтмоқдалар.

Замонамизнинг энг буюк назарий ва сиёсий ҳужжати, ҳозирги даврда марксча-ленинча фанни ижодий татбиқ этиш ва янада ривожлантириш намунаси бўлган КПСС Программаси проекти ленинчи партиямиз ақл-заковатининг ижоди, Марказий Комитет томонидан олиб борилган жуда катта ижодий меҳнатнинг маҳсули, илмий коммунизмнинг классик асаридир. Янги Программада коммунистик жамият қурилишининг илмий жиҳатдан асосланган конкрет плани инсониятнинг бутун тарихида биринчи марта илгари сурилади. Шунинг учун ҳам халқимиз коммунизм асрининг бу буюк илҳомбахш манифестини ҳақли суратда инсоният бахт-саодатининг комуси деб атади.

КПСС Программаси проектини муҳокама қилишда партия аъзолари ва партия аъзолигига кандидатлардан 9 миллиондан кўпроқ киши ва 82 миллиондан ортиқ меҳнаткаш қатнашди. Янги программа проектини бутун партия, бутун совет халқи кизғин қўллаб-қувватлади. Программа проектининг муҳокамаси партияда ва халқ орасида ижодий активликни мисли кўрилмаган даражада оширди ҳоборди. уларнинг мустаҳкам ва бузилмас бирлигини. СССРда коммунизм қуриш программасини амалга оширишга қаттиқ бел боғланганлигини ёркин намойиш қилди.

Бутун мамлакатдаги сингари республикамизда хам Совет Иттифоқи коммунистик партиясининг XXII съездига ва съезд материалларини ўрганишга бағишланган кўп кишилик митинг ва йиғилишлар бўлиб ўтди. Бу митинг ва йиғилишлар республикамиз меҳнаткашларининг шонли ленинчи партиямизга бўлган чексиз меҳр-мухаббати ва садоқатининг кудратли намойишига айланди. Улар бутун совет халқи билан биргаликда КПСС Марказий Комитетининг фаолиятини кизғин маъқуллаб, партиямиз янги Программасини ўзларининг энг жонажон, энг муҳим ишлари, ўз ҳаётларининг буюк мақсади, деб қабул қилдилар.

— Москвада ўз ишини давом эттираётган партиямиз съезди. — дейди Фарғона тўқимачилик комбинатининг тўқувчиси Татьяна Зайцева. — тарихга коммунистик жамият қурувчилар съезди бўлиб киради. Съездга корхонамиз коммунистларининг вакили — тўқувчи Хайринисо Каҳҳорова делегат бўлиб катнашмоқда. Бу съезд партиянинг ва бутун совет халқининг кейинги йиллардаги ишлари якунларини муҳокама қилибгина қолмай, шу билан бирга давримизнинг буюк ҳужжатларини — КПСС Программаси ва Уставини тасдиқлайди. Бу ҳужжатларнинг проектларини бутун халқ кизғин қўллаб-қувватлади.

КПСС XX ва XXI съездларининг тарихий карорларини амалга ошириш йўлида қилинган улуғвор ишларнинг якунлари тўпланаётган ва коммунизм учун курашнинг буюк программаси қабул қилинаётган мана шу завқли ва қувончли кунларда ўзбек халқи ўз бахтининг ижодкори Коммунистик партиясига яна ва яна бир марта миннатдорчилик изҳор қилади. Коммунистик партия кўп миллатли улуғ социалистик Ватанимиз халқлари нинг қардошларча дўстлигини ву жудга келтирди.

Бўрондан кучли, металлдан мустаҳкам ва олтиндан қиммат бўлган бу дўстлик партиямиз раҳбарлиги остида, ишчилар синфи ва деҳқонларнинг озод, социалистик ҳаёт учун олиб борган қаҳрамонона курашида чиниқди ва янада тобланди. СССР халқларининг қардошлик оиласида ўз бахтини топган ва эндиликда коммунистик жамият қураётган социалистик миллатлар партиямиз сиёсатининг тўғрилигини, бу сиёсатнинг ўз манфаатларини кўзда тутадиган доно сиёсат эканлигини кўп йиллик тарихий тажрибада кўриб ишондилар. Шунинг учун ҳам халқимиз ўзининг жонажон партиясига чексиз ишонади ва унга чин кўнгилдан астойдил муҳаббат кўйган. Ўртоқ Н. С. Хрущчев бошлиқ ленинчи Марказий Комитетнинг партиядан ва халқдан аллакачон ажралиб колган, дилида партияга ҳам, халққа ҳам ишончини йўқотган антипартиявий, фракционерлар группасининг тор-мор келтирганлиги, шахсга сиғинишнинг зарарли окибатлари тугатилганлиги ва партия ҳаётининг ленинча нормалари тикланганлиги жуда катта бахтдир.

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси халққа фидокорона хизмати билан мамлакатимиз меҳнаткашлари орасидагина эмас. балки халқаро коммунистик ва ишчилар ҳаракатида. Ғарб ва Шарқдаги халқ оммаси орасида ҳам ғоят катта обрў козонди. Ленинчи партиямиз ўз сиёсати билан жаҳондаги воқеаларнинг бутун боришига жуда катта таъсир кўрсатмоқда. Унинг ғолиб ва сира енгилмас. сўнмас идеялари бутун инсониятни коммунизм чаманига олиб борадиган тарихий зафарли йўлни ёркин нури билан чароғон қилиб турибди.

Ижодкор совет халқининг ва бутун дунё меҳнаткашларининг манфаати хамда бахт-саодати йўлида жонажон Коммунистик партиямиз амалга ошираётган буюк кахрамонона ишларининг шон ва шуҳрати асрлар давомида яшайди!

— Яшасин Ленин тузган шонли Совет Иттифоки Коммунистик партияси — халкнинг синалган авангарди. совет жамиятининг коммунизм қуриш учун курашдаги раҳбар ва етакчи кучи!

КПСС XXII СЪЕЗДИ ДЕЛЕГАТЛАРИ УЧУН КРЕМЛДА КОНЦЕРТ

МОСКВА, 22 октябрь. (ТАСС). «Кремлнинг бу залида биз ҳозир юксак Урални ҳам, қудратли Донбассни ҳам кўриб турибмиз...» Бу қўшиқнинг сўзлари бугун Кремль Съездлар саройининг улкан зали гумбазлари остида бараллa янгради. Артистлар ўз концертларини КПСС XXII съезди делегатларига — меҳнат, дадил орзу ва қаҳрамонлик кишиларига бағишладилар.

Пойтахтдаги энг катта саҳнанинг парда ларини қўтарилади. Фанфараларнинг жарангдор оҳанги остида Д. Шостаковичнинг байрам увертюраси бошланади. Дирижёр К. Иванов бошчилигидаги қўшма симфоник оркестр қатнашчиси бўлган икки юз музикачи делегатларни табриклайди. Композитор партия XX съездига атаб яратган музика нур билан, шодлик билан, замонамизнинг ҳаётбахш пафоси билан суғорилган.

А. Долуханяннинг коммунизм ҳақида янги қўшиғи янграйди:

... Гўзал қўшик янглиғ
бўлади ҳаёт.
Унда яшаймиз ҳаммамиз
албат.

Бу қўшиқни XXII съезд делегати П. Лисицян ижро этади.

Улкан саҳна ёркин ва ранг-баранг либослар билан, сермазмун кўлам бўёқлари билан товланиб кетади. Дон бўйи қирларидан, табиати қаттиқ Сибирдан, қудратли Уралдан келган қўшиқчилар чиқишади. Воронеж Свердловск, Новосибирск вакиллари жонажон Россияни, унинг мовий осмонини, унинг бепоён далаларини, қўли олтин меҳнат аҳлларини куйлайдилар. Ҳалқ қадрдон юртининг бойлиги ва шуҳрати ҳақида — унинг бошоқлари олтинга тенг донга тўла бугдойи, ҳосили мўл маккажўхорися ҳақида, унинг мева ва гул билан бурканган боғлари ҳақида қўшиқ тўқиб, шу қўшиқларни айтади. В. Левашевнинг «Машъаллар, қалблардаги жонли аланга, ёлқинланинг зўроқ, ёлқинланинг» деган қўшиғи янграйди. Бу сўзлар Кремль залида ҳозир бўлганларга ҳам, съезд шарафига ҳозир меҳнат вахтасида турганларга ҳам қаратилган.

Доғистон «Лезгинка»си, машҳур «Берёзка» ансамблининг раксчилари, Осипов номли оркестр музикачилари, Пятницкий номли хор, Москва цирки ва эстрадаси артистлари шу куни кечқурун томошабинларга ўзларининг сервазвк, ёркин, чиройли санъатларини намойиш қилдилар.

... Тантанали финал бошланади. Бирлашган хор Анатолий Новиковнинг «Ватан, Ленин, Партия» қўшиғини айтади. Юздаб қўшиқчиларнинг қудратли овози тўлқини Ватанни, Ленинни, Партияни шарафлайди.

Концертда КПСС XXII съезди делегатлари, қардош партияларнинг вакиллари, съезд меҳмонлари ҳозир бўлдилар.

КРЕМЛНИНГ СЪЕЗДЛАР САРОЙИДА

Съезднинг 21 октябрдаги эрталабки мажлиси

Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг XXII съезди ўз ишини давом эттирмоқда.

Съезд КПСС Марказий Комитетининг ҳисоботини, Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Программасининг проектини ва КПСС Марказий Ревизия комиссиясининг ҳисобот докладини муҳокама қилмоқда.

Ўртоқ **П. Н. Демичев** раислик қилади. У ВЦСПС раиси ўртоқ **В. В. Гришинга** сўз беради.

Ўртоқ Никита Сергеевич Хрущчевнинг сермазмун докладлари ҳаммамизда унутилмас таассурот қолдирди, дейди нотиқ. Бу докладларда ҳозирги халқаро аҳвол марксча-ленинча анализ қилиб берилди, совет халқининг қаҳрамонона меҳнати, мамлакатимизнинг буюк муваффақиятлари равшан ва яққол кўрсатилди, коммунистик жамият қуриш программаси очиб ва илмий жиҳатдан асослаб берилди.

В. В. Гришин айтадики, янги Программанинг ҳар бир сатри совет халқининг бахт-саодати ва фаровонлиги тўғрисида ленинча ғамхўрлик билан суғорилган. Партия Программасининг проекти партия ташкилотларидагина эмас, балки меҳнаткашларнинг йиғилишларида, касаба союзларида ҳам кенг муҳокама қилинди. Бутун совет халқимиз КПСС Программасини қизғин маъқуллади, уни ўзининг асл, жонажон иши деб, ўз программаси деб, ўз ҳаётининг энг буюк мақсади деб қабул қилди.

Нотиқ халқимизнинг коммунистик қурилишдаги жуда катта муваффақиятлари тўғрисида гапириб, партия турмуши ленинча нормаларининг, коллектив раҳбарлик принципининг тикланганлиги ва янада ривожлантирилганлиги, антипартиявий фракцион группанинг узил-кесил тор-мор келтирилганлиги партия фаолиятида жуда катта аҳамиятга эга бўлганлигини таъкидлайди.

В. В. Гришин халқнинг XXII съездга тайёргарлик кунларида айниқса зўр куч билан намоён бўлган қудратли сиёсий активлиги ва меҳнат ғайрати тўғрисида гапиради. Ишчилар, инженерлар ва техниклар тўққиз ойлик планнинг ортиғи билан бажарилишини таъминладилар ҳамда пландан ташқари икки миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқардилар. Москва, Ленинград меҳнаткашлари, Украина, Урал, Сибирь, иттифоқчи республикалар ва областлардаги кўпгина саноат марказларининг меҳнаткашлари съезд олди мажбуриятларини муваффақиятли бажардилар. Кўпгина колхоз, совхоз коллективлари, ўн минглаб қишлоқ хўжалик илғорлари ҳамма экинлардан мўл ҳосил олишга, чорвачиликда юксак меҳнат унумдорлигига эришдилар.

Мамлакатимиз рационализаторлари ва ихтирочилари ўзларининг съезд олди мажбуриятларини бажардилар. Шу йилнинг 9 ойи ичида улар 2 миллион таклиф ишлаб чиқдилар ва уларни халқ хўжалигига жорий қилдилар, бу эса йилига 1.200 миллион сўм маблағ тежашга имкон беради. Халқимиз эришган ҳамма ижодий муваффақиятларни, дейди нотиқ, айтган билан адо бўлмайди. Бу муваффақиятлар меҳнаткашларнинг КПСС янги Программасини қизғин маъқуллаб ғолмай, балки мусобақани кенг авж олдириб, уни амалга оширишга киришганликларини ҳам кўрсатиб турибди. Ўртоқ Гришин коммунистик меҳнат ҳаракатининг ривожланишини ёркин характерлайдиган рақамлар келтиради. Уч йилдан камроқ вақт ичида бу ҳаракат қатнашчиларининг сони 20 миллион кишига етди.

Бизнинг муваффақиятларимиз жуда катта ва уларни ҳамма эътироф этади, дейди нотиқ. Бироқ, биз халқ хўжалиги айрим тармоқларининг, корхона ва қурилишларнинг ишидаги камчиликларга эътибор бермаслигимиз мумкин эмас. Саноат ишлаб чиқариш плани умуман анча оширибгани ҳолда, давлат топшириқларини бажармаётган корхоналар ҳам бор. В. В. Гришин мамлакатнинг қарийб бир ярим миллиард сўмлик маҳсулотни кам берган бир қанча йирик корхоналарини айтиб ўтади, планлаштириш ва моддий-техника таъминотидаги, бир қанча иқтисодий районларнинг хўжалик раҳбарлигидаги камчиликларни кўрсатади.

Сўнгра ВЦСПС раиси ҳозир мамлакатимизда бир йил ичида биринчи ва иккинчи беш йилликларнинг ҳамма йилларида қурилганидан кўпроқ уй-жойлар қурилаётганлигини айтади. Бироқ, бир қанча республикалар ва областлар уй-жойларни, шунингдек маданий-маиший муассасаларни фойдаланишга топшириш планини системали суратда бажармай келмоқдалар.

Касаба союзлари, деб давом қилади В. В. Гришин, партиянинг ишончли таянчидир, коммунизм учун курашда катта ижтимоий кучдир. Ҳозирги вақтда касаба союзлари 63 миллион ишчи ва хизматчиларни бирлаштиради. бу эса партиянинг XX съезди арафасида бўлганидан 18 миллион киши ортиқдир. У дейдики, Коммунистик партия касаба союзларининг фаолиятини ғамхўрлик билан йўналтирмоқда, уларнинг ишига кун сайин ёрдам бериб турмоқда, уларнинг функцияларини ва ҳуқуқларини кенгайтирмоқда. Партиянинг доимий раҳбарлиги, кўплаб-қувватлаши ва ёрдами туфайли касаба союзларининг фаолияти янада ҳар томонлама ривожланди, уларнинг давлат, хўжалик ва маданий қурилишдаги роли ўсди.

Касаба союзлари мамлакатнинг ишлаб чиқарувчи кучларини янада юксалтириш, коммунизмнинг моддий-техника базасини яратишдан иборат асосий вазифани бажариш учун курашга ўзларининг бутун куч ва ғайратларини сарфламоқдалар. Касаба союзлари халқ хўжалигини планлаштиришда актив қатнашмоқдалар. ишлаб чиқариш кенгашларини қайта қуриб, уларни доимий ишлаб турувчи органларга айлантирдилар. Доимий ишлаб чиқариш кенгашлари составига ҳозир 4,5 миллион ишчи ва хизматчи сайланган. Касаба союзларининг раҳбарлигида ишлаётган илмий-техника жамиятлари ҳамда ихтирочилар ва рационализаторлар ташкилотлари оммавий ташкилотлар бўлиб қолди. Улар ишлаб чиқариш мутахассисларини новаторларидан 4 миллион кишини бирлаштиради.

Ўртоқ Гришин таъкидлайдики, касаба союз ташкилотлари халқнинг турмуш даражасини юксалтириш соҳасида партия ва ҳукумат белгилаган тадбирларни бажариш учун актив курашмоқдалар. ишчи ва хизматчиларнинг меҳнат шароитини яхшилаш йўлида катта иш олиб бормоқдалар. Меҳнатни муҳофаза қилишни янада яхшилаш чораларини амалга ошириш, ишчиларга текин иш кийимлари бериш учун корхоналарнинг касаба союз ташкилотлари билан маъмуриятнинг коллектив шартномалари бўйичагина олти йил ичида 6 миллиард сўм маблағ сарфланди. Шу вақт ичида касаба союзлари социал страхование бўйича (пенсиялардан ташқари) ярфақа тўлаш учун, меҳнаткашлар ва уларнинг болаларини даволаш ҳамда маданий хизмат кўрсатиш учун давлат ва касаба союз бюджети ҳисобидан 14 миллиард сўм маблағ сарфладилар. Касаба союзларининг санаторийларида, дам олиш уйлари ва туристик базаларида йил сайин олти миллионга яқин меҳнаткаш даволанмоқда ва дам олмоқда. Миллион-миллион касаба союз активлари уй-жойларнинг тақсимланишини, савдо ва умумий овқатланиш қоидаларига риоя этилишини контроль қилишда қатнашмоқдалар.

Совет касаба союзларининг бутун фаолияти коммунистик жамият қурилишида оммани қатнаштиришнинг жамоатчилик формалари кенг ривожлантирилганлигини яққол кўрсатиб турибди.

Шу билан бирга, дейди нотиқ, касаба союзларининг ишида ҳали камчиликлар оз эмас. Кўпгина касаба союз ташкилотлари ўз ҳуқуқларидан кам фойдаланмоқдалар, ишлаб чиқаришни ва меҳнатни ташкил қилишни яхшилаш. ишчи ва хизматчиларга маиший ва маданий хизмат кўрсатишни яхшилаш масалаларини қўйиш ва ҳал этишда етарли ташаббус ва активлик кўрсатмаётирлар.

(Давоми иккинчи бетда)

Н. С. ХРУЩЧЕВНИНГ «КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ ПАРТИЯ XXII СЪЕЗДИГА ҲИСОБОТИ» ДЕГАН ДОКЛАДИ ТЕКСТИ БОСИЛГАН БРОШЮРА

МОСКВА, 21 октябрь. (ТАСС). Н. С. Хрущчевнинг «Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетининг партия XXII съездига ҳисоботи» деган доклади текстини давлат сиёсий адабиёт нашриёти брошюра қилиб чиқарди.

Брошюра беш миллион нусхада чиқарилянти.

СОВЕТ ИТТИФОҚИ КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИНИНГ XXII СЪЕЗДИ

КРЕМЛНИНГ СЪЕЗДЛАР САРОЙИДА

(Боши биринчи бетда)

Партия Программаси проектида ва ўртоқ Н. С. Хрушчевнинг докладларида коммунистик жамият қурилиши кенг авж олдирилган даврда касаба союзларининг вазифалари белгилаб берилган. Ҳозирги кунда давлат аппарати органлари шуғулланиб келаётган янги масалалар касаба союзларининг иш доирасига қўшилади.

В. В. Гришин ўз нутқининг анча қисмини халқаро касаба союз ҳаракатига бағишлайди. Меҳнаткашлар кенг оммаси, уларнинг касаба союз ташкилотлари тинчлик тақдири учун ўз масъулиятларини, империализмга ва мустамлакачиликка қарши курашни кучайтириш зарурлигини тобора чуқурроқ англамоқдалар. Совет Иттифоқи ишчилар синфи, совет касаба союзлари капитал мамлакатларидаги ўз қардошларининг эксплуатацияга қарши, тинчлик учун, инсонга муносиб ҳаёт учун олиб бораётган курашида ҳамиша уларнинг томонида бўлиб келдилар ва бундан кейин ҳам уларнинг томонида бўладилар.

Шу йил декабрь ойининг бошида, деб эслатади ўртоқ Гришин, Москвада касаба союзларининг бешинчи жаҳон конгресси бўлади. Ишчилар синфининг бу халқаро форумига жаҳоннинг кўпгина мамлакатларидан бир мингдан ортиқ делегат келади, улар империализмга ва мустамлакачиликка қарши, меҳнаткашларнинг ҳаётий манфаатлари ва демократик эркинликлари учун, тинчлик ва социал тараққиёт учун курашга ўз интилишларини яна бир марта намойиш қилиб кўрсатадилар.

Совет касаба союзларининг миллион-миллион аъзолари номидан ўртоқ Гришин партия съездини ишонтириб айтадики, совет касаба союзлари Коммунистик партия ва унинг Марказий Комитети раҳбарлигида КПСС Программасида белгиланган улуғвор вазифаларни амалга ошириш учун, мамлакатимизда коммунистик жамият қуриш учун бутун куч ва ғайратларини сарфлаб курашадилар.

Съезд қатнашчилари Украинанинг донгдор механизатори, икки марта Социалистик Меҳнат Қаҳрамони **А. В. Гиталови** самимий кутиб оладилар.

Никита Сергеевич Хрушчев бошчилигидаги ленинчи Марказий Комитет ишлаб чиққан КПСС янги Программаси, дейди у, совет кишиларини астойдил хурсанд қилди. Халқимиз бу программани ҳақли суратда давримизнинг Коммунистик манифести деб атамоқда. Бутун совет халқи каби Кировоград областининг меҳнаткашлари ҳам ана шу буюк ҳужжатни яқдиллик билан маъқулламоқдалар ва ўзларининг шонли ленинчи партияси учун, улуғ социалистик Ватан учун ифтихор туйғуларини изҳор қилмоқдалар.

Ўртоқ Гиталов съездга маълум қиладики, КПСС XX съезди номли колхоз ва ўзи бошчилик қилаётган трактор бригадаси партия XXII съезди шарафига олган социалистик мажбуриятларини шараф билан бажарди. Бошоқли экинлар майдонининг ҳар гектаридан 27,5 центнердан дон олинди. Маккажўхоридан мўл ҳосил етиштирилди. Механизатор Н. С. Хрушчевнинг бу йил уч миллион гектар ерни маккажўхори экишга ажратиш ва ҳар гектар ердан 50 центнердан дон олиш учун курашиш тўғрисида берган маслаҳати ҳақида гапиради. Кўп кишилар Украинада буни бажариб бўлмайди, деб ўйлаган эдилар. Аммо, ўртоқ Хрушчев ҳақ бўлиб чиқди. Бу йил об-ҳаво шароити унча қулай бўлмаганлигига қарамай, колхозда 429 гектар майдонининг ҳар гектаридан 75 центнердан маккажўхори дони олинди. Гибридлаш участкасида эса ҳар гектар ердан 50,3 центнердан уруғлик олинди, дейди, у.

Аммо, деб таъкидлайди нотиқ, асосий нарса шуки, катта майдонда қўл меҳнати сарфланмай ана шундай юқори ҳосил етиштирилди. Маккажўхори етиштириш ва ҳосилни йиғиштириб олиш соҳасидаги ҳамма ишлар машиналар ёрдами билан бажарилди. Дастлабки ҳисобларга қараганда, колхозда бир центнер силоснинг қиммати 6 тийин, бир центнер донинг қиммати эса 42 тийин бўлган. Менинг фикримча, дейди А. В. Гиталов, бизда бир центнер маккажўхорига сарфланадиган меҳнат Гарстникидан камроқ бўлади. Яна шуни айтмоқчиманки, Гарст 1958 йилда ўзининг бутун умрида энг юқори ҳосил—гектаридан 64 центнер дон олганлигини айтган эди. Биз эса бу йил ҳар гектаридан 75 центнердан дон олдик!

Нотиқ қишлоқ хўжалигининг келажаги комплекс механизация эканлигини айтади ва бунга ҳалақит бераётган, тракторчиларни уяга маккажўхорининг икки донини эмас, балки анча кўп ташлаб кетишга мажбур қилаётган қишлоқ хўжалик мутахассисларини танқид қилади, бунинг натижасида экинларни қўл билан чопишга тўғри келаётганлигини кўрсатиб ўтади. Механизатор маккажўхори йиғадиган «ККХ-3» комбайнига юксак баҳо беради, қайта ускуналанган ғалла комбайнининг иши ҳақида ижобий фикр айтади ва маккажўхори уруғликка экилган далаларда ҳам ҳосилни қўлдан кўра машина билан анча яхши йиғиб олиш мумкинлигини гапиради. Херсондаги Петровский номли завод шу мақсадда икки қаторли «ККХ-2» комбайнини ишлаб чиқарди. Гиталов бригадасининг механизаторлари мана шу комбайн билан гибрид маккажўхори экилган даладан ҳосилни йиғиштириб олдилар. Комбайн жуда яхши ишлаяпти, дейди нотиқ.

Ўртоқ Гиталов қанд лавлаги етиштиришни комплекс механизациялаш масаласига тўхталиб, унинг бригадасида бир ниш отадиган уруғлик экилаётганлигини, пунктир сеялкалари, экинни букертировка олдидан ва ундан кейин бороналаш қўлланилаётганлигини айтади. Шунинг учун у қабул пунктларида ёки тегишли заводларда лавлагини тозалайдиган стационар машиналар ўрнатишни таклиф қилади.

Украиналик механизатор тайёрлов органларининг ишида камчиликлар рўй бераётганлигини, улар кўп миқдорда етиштирилаётган қишлоқ хўжалик маҳсулотларини харид қила олмай қолаётганликларини кўрсатиб ўтади.

Ўртоқ Гиталов коммунистик қурилишнинг улуғвор программаси муваффақият билан бажарилишига қатъий ишонч билдиради. Улуғ Ленин яратган коммунистлар партиясининг иродаси, ақл-идроки, ғайрат-шижоати бунга гаровдир.

КПСС Марказий Комитетининг секретари ўртоқ **М. А. Суслов** сўзга чиқади.

XXII съезд, дейди у, партиямиз, мамлакатимиз тарихига ва бутун дунё ишчилар синфининг озодлик кураши тарихига улуғ воқеа бўлиб киради. Партия, халқ XX съезддан кейин босиб ўтган катта ва шонли йўлни қонуний фахрланиш ҳисси билан якунламоқдамиз.

Совет социалистик давлати социал, иқтисодий, техника, илмий ва маданий жиҳатдан янги жуда зўр юксакликка кўтарилди. Социализм ўзининг ғоят буюк афзалликларини тобора яққолроқ намойиш қилмоқда. Икки социал системанинг мусобақасида эски капитализм дунёси бизнинг асримизда бирдан-бир адолатли ва прогрессив ижтимоий тузум бўлган социализмга биринчилик ўрнини бўшатиб беришга мажбур.

Совет Иттифоқининг халқаро миқёсдаги роли мислсиз ошди. Партия ва Совет ҳукуматининг янги уруш хавфига қарши, мустамлакачилик ва империализмга қарши, ижтимоий тузуми турлича бўлган давлатларнинг тинч-тотув яшаши учун астойдил ва изчил курашаётганлиги, миллий озодликка эришган ва эришаётган халқларга беғараз ёрдам бераётганлиги, жаҳон социалистик дўстлигини янада мустаҳкамлаш тўғрисида муттасил ғамхўрлик қилаётганлиги ер юзининг ҳамма қисмларидаги юз миллионлаб кишилар орасида мамлакатимизнинг обрўйини жуда кўтариб юборди. Биз бунинг учун аввало шундан миннатдормизки, бизнинг Коммунистик партиямиз улуғ марксизм-ленинизм таълимотига ниҳоят даражада содиқдир. Партия ўз XX съездининг тарихий қарорларига амал қилиб, ленинча ички ва ташқи сиёсатни қатъият ва ишонч билан ўтказиб келди.

Партия XX съездан кейин ўтган дастлабки йилларда партияни Ленин йўлидан тойдиришга, уни шахсга сиғиниш замонига қайтаришга уринган Молотов, Каганович, Маленков, Ворошилов, Булганин ва бошқаларнинг партияга қарши группаси томонидан қилинган шиддатли қаршиликка дуч келди. Халқдан ажралиб қолган бу разил фракциячилар группаси қўриқ ерларни ўзлаштириш, саноат ва қурилишга раҳбарликни қайта қуриш, партия ички демократиясини авж олдириш, революцион қонунчиликни тиклаш ва бошқа шулар каби бутун совет халқи қизғин маъқуллаётган муҳим тадбирларнинг амалга оширилишига қаттиқ қаршилик кўрсатди. Шу группадаги кўпгина шахслар шахсга сиғиниш даврида соф виждонли коммунистларга қарши қўлланилган оммавий репрессиялар учун бевосита айбдорлардирлар.

Партияга қарши группа, айниқса Молотов ташқи сиёсатда Марказий Комитет ўтказиб келган ленинча йўлдан бормоқда. Ер юзидаги ҳамма мамлакатларнинг, ҳамма қитъаларнинг халқлари шу йўлга тушиб олаётган вақт узоқ эмас. Империалистлар ва уларнинг малайларининг инсониятнинг коммунизм сари қилаётган ҳаракатини тўсишга уринишлари беҳуда уринишдир. Коммунизм сари ҳаракатни енгволадиган куч йўқ. Коммунизм—бутун инсониятнинг эртаги кунидир!

Болгария Коммунистик партияси Марказий Комитетининг биринчи секретари ўртоқ **Тодор Живков** съездни табриклаб нутқ сўзлайди. Болгариядаги барча коммунистларнинг, бутун болгар халқининг фикр ва туйғулари, дейди у, порлоқ коммунистик келажак учун курашаётган миллионларча кишиларнинг, планетамиздаги барча мамлакатларда яшовчи кенг халқ оммасининг фикр ва туйғулари ҳозирги кунда умид ва муҳаббат билан жаҳоннинг юраги — Москвага, ажойиб съездингиз давом этаётган Кремлга қаратилган.

Биз, Болгария коммунистлари КПСС XXII съездини жуда муҳим, тарихий съезд деб ҳисоблаймиз. Бу съезд марксизм-ленинизмнинг назарияси ва практикасининг тараққиётида янги босқич бошланганлигидан далолат беради. Биз КПСС Программасини ўз программамиз деб, Болгария Коммунистик партиясининг ҳаракат программаси деб қабул қиламиз. КПСС Программасида белгиланган порлоқ истиқболлар билан илҳомланган бизнинг халқимиз ўзининг барча кучларини социализм қурилишида янада кўпроқ ажойиб ғалабаларга эришиш учун сарф қилади.

Болгария Коммунистик партиясининг 1958 йилда бўлиб ўтган VII съездидан кейин Болгария Халқ Республикаси янгидан-янги муваффақиятларга эришди. Учинчи беш йиллик план асосий кўрсаткичлар бўйича мўлжалланганидан қарийб икки йил олдин бажарилди. Партия ва ҳукумат Болгариянинг яқин 20 йил ичидаги тараққиётининг перспектив планини ишлаб чиқмоқдалар. Кичик мамлакатимизнинг кўламлари учун улуғвор бўлган бу Программа икки ўн йиллик мобайнида мамлакатимизда социализм қурилишини тамомила тугаллашни ва коммунистик жамият қурабошлашни кўзда тутади.

Болгария коммунистлари делегациясининг бошлиги айтадики, ҳозирги халқаро вазиятнинг ривожланиши социалистик лагерь қудратини янада кўпроқ мустаҳкамлашни, бу лагерь кучларини янада кўпроқ жипслаштиришни талаб этади. Биз социализм лагерининг бирлиги ва жипслиги енгилмаслигимизнинг, янги, янада катта ғалабаларга эришишимизнинг, ҳар қандай империалистик агрессиядан ҳимоя қилишимизнинг гарови деб биламиз. Бизнинг партиямиз ва унинг Марказий Комитети Албания Меҳнат партияси ҳозирги раҳбарларининг хато сиёсий йўлини, авантюристик йўлини қатъий суратда қораламоқдалар. Албания Меҳнат партиясининг раҳбарлари замонамизнинг энг муҳим масалаларида жаҳон коммунистик ҳаракатининг ўзаро келишилган умумий йўлидан четга чиқиб кетмоқдалар.

Социалистик лагернинг бирлигини, халқаро коммунистик ва ишчи ҳаракати бирлигини муқаддас билиб сақлаш, Совет Иттифоқи ва Ўртоқ Ким Ир Сен, Совет Иттифоқи ҳамда Германия Демократик Республикасининг Германия билан сулх шартномаси тузиш ва шу асосда Ғарбий Берлинни эркин шаҳарга айлантириш тўғрисидаги таклифларини батамом қўллаб-қувватлайдилар.

Нотиқ айтдики, СССР да коммунизм қурилаётганлиги ва СССР куч-қудратининг ўсиб бораётганлиги социалистик қурилишда ҳамда ўз ватанини тинч йўл билан бирлаштириш учун курашда Корея халқига илҳом бағишламоқда. Корея Меҳнат партиясининг яқинда бўлиб ўтган IV съезди марксизм-ленинизмнинг ажойиб ғалабаси билан нишонланди ва пролетар интернационализмининг қудратли намойишига айланди.

Бизнинг халқимиз Корея Меҳнат партияси раҳбарлигида қисқа муддат ичида қишлоқ ва шаҳарда социалистик революциянинг тўла ғалабасини таъминлади ҳамда урушнинг оғир жароҳатларини тузатиб, социализмнинг моддий техника базасини яратишда олға қараб катта қадам қўйди, етти йиллик планни бажаришга киришди. Етти йиллик план бажарилгандан сўнг мамлакат ривожланган социалистик саноат давлатига айланади, халқимиз янада бадавлатроқ ва маданийроқ яшайдиган бўлиб қолади.

Ўртоқ Ким Ир Сен Америка империалистлари оккупация қилиб турган Жанубий Корея мисли кўрилмаган даражада тушкунликка учраганлиги ва хароб бўлганлиги ҳақида гапириб, Америка қўшинлари Жанубий Кореядан чиқиб кетиши лозимлигини, Корея масаласи музокаралар йўли билан, ташқаридан ҳеч қандай аралашувсиз кореяликларнинг ўзи томонидан ҳал қилиниши кераклигини айтди.

Совет Иттифоқини қўллаб-қувватлаш, совет халқи билан янада мустаҳкамроқ жипслашиш — бу партиямизнинг барқарор позициясидир, у Корея халқининг ягона иродасини ифодалайди, деди Ким Ир Сен. Тарихан юзага келган Корея-Совет дўстлиги абадий ва бузилмасдир.

Корея Халқ Демократик Республикаси билан Совет Иттифоқи ўртасида дўстлик, ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам ҳақида яқинда имзоланган шартнома, деб таъкидлади нотиқ, икки халқимизнинг дўстлиги, жипслашуви ва ҳамкорлигини янги тараққиёт босқичига олиб чиқди. Дўстлик, ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам тўғрисидаги Корея-Хитой шартномаси билан бирга бу шартнома Корея халқининг хавфсизлигини империалистик агрессиядан ҳимоя қилиш ва Узоқ Шарқда ва бутун дунёда тинчликни мустаҳкамлаш ишига, бутун социалистик лагернинг бирлиги ва жипслашувини мустаҳкамлаш ишига катта ҳисса бўлиб қўшилади.

Ўртоқ Ким Ир Сен Корея Меҳнат партияси ва корейс халқи номидан гапириб, КПСС XXII съезднинг ўз ишларида муваффақият қозонишини ва бутун совет халқининг коммунизм қуриш йўлидаги курашда янги буюк ғалабаларга эришувини самимий тилади.

Вьетнам Меҳнаткашлар партияси Марказий Комитетининг раиси ўртоқ **Хо Ши Мин** съездни табриклаб нутқ сўзлайди.

Азиз ўртоқлар, дейди у, Вьетнам Меҳнаткашлар партиясининг делегацияси Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг XXII съездида коммунизм қурувчилар съездида иштирок қилишни ўзи учун катта шараф деб ҳисоблайди ва бу съезднинг ишларида баланд руҳ билан қатнашади. Партиямизнинг барча аъзолари ва Вьетнамдаги барча меҳнаткашлар номидан ўртоқ Н. С. Хрушчев бошчилигидаги Совет Иттифоқи Коммунистик партияси съездига энг қизғин, энг самимий қардошлик саломини топширишга ижозат бергайсиз.

Ер юзининг ҳамма қисмидаги коммунистлар Совет Иттифоқида тез орада коммунизм қурилишидан чексиз бахтиёрдирлар. Мен коммунистик ҳаракатнинг кекса арбоби сифатида беҳад шод эканлигимни айтишга ижозат бергайсиз. Бутун партиямиз, бутун Вьетнам халқи менинг чексиз шодлик туйғуларимни баҳам кўради.

Ўртоқ Хо Ши Мин Вьетнам Коммунистик партиясининг ташкил топиш тарихи тўғрисида, француз ва япон агрессорларининг мамлакатдан ҳайдаб чиқарилганлиги ҳақида, Жанубий Вьетнамдаги ўз ватандошларининг Америка империалистларига қарши ва уларнинг Нго Динь Дьем тўдасидаги малайларига қарши фидокорона олиб бораётган кураши тўғрисида сўзлайди.

Мамлакатимизнинг шимолида яшовчи халқ, дейди ўртоқ Хо Ши Мин, ўзининг бутун куч ва ғайратини социализм қурилишига бағишламоқда. Партиямиз ва халқимизнинг зўр ғайрат билан ишлаши натижасида, Совет Иттифоқи, Хитой ва бошқа ҳардош мамлакатларнинг самимий ёрдами туфайли биз катта муваффақиятларга эришдик.

КПСС Программасининг проектида айтиладики, социалистик давлатлар олдида уларнинг деярли бир вақт ичида, бир тарихий давр мобайнида коммунизмга ўтишлари учун истиқбол очилади. Биз шу нарсага астойдил аминмизки, Совет Иттифоқида коммунизм қурилган бир пайтда бизнинг мамлакатимизда ҳам социализм қурилиши тугалланади ва биз коммунизм сари борамиз.

Ўртоқ Хо Ши Мин Вьетнам Меҳнаткашлари партияси Марказий Комитетининг Совет Иттифоқи Коммунистик партияси XXII съездига табрикномасини ўқиб беради.

Биз шу нарсага қатъий ишонамизки, дейилади табрикномада, КПСС янги Программасининг идеялари билан қуролланган совет халқи коммунизмнинг порлоқ чўққиларига эришади. Совет Иттифоқи билан қардош социалистик мамлакатлар ўртасидаги ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам янада ривожланади." Лагеримиздаги мамлакатларда социализм қурилиши ривожлана боради ва биз бу соҳада янгидан-янги ғалабаларга эришамиз.

Мўғулистон Халқ революцион партияси Марказий Комитетининг биринчи секретари ўртоқ **Юмжагийн Цеденбал** КПСС XXII съезднинг делегатларига ва бутун совет халқига оташин салом ва энг яхши истакларини топширади. Шу кунларда, дейди у, жаҳон халқларининг эътибори съезднинг ишига қаратилган. Бу табиий ҳол, чунки бу съездда бутун инсониятни қизиқтираётган масала—инсониятнинг истиқболи ҳақидаги, ижтимоий ҳаётнинг энг адолатли ва энг оқилона тузилиши тўғрисидаги, кишилик жамиятининг олий формаси бўлган коммунизмни қуришдан иборат буюк мақсадни амалга ошириш тўғрисидаги масалалар муҳокама қилинмоқда.

Нотиқ СССРда социализмнинг тўла ва узил-кесил ғалаба қилганлиги тўғрисида, КПСС XX ва XXI съездларининг совет мамлакати ҳаёти учун ва бутун халқаро коммунистик ҳаракат учун жуда катта аҳамиятга эга эканлиги тўғрисида гапиради. Совет халқи шахсга сиғинишнинг зарарли оқибатларини тугатиб, доно ленинчи партиянинг раҳбарлигида ҳақиқатан ҳам жуда катта муваффақиятларга эришди ва эришмоқдаки, бу муваффақиятлар бутун илғор инсониятни астойдил хурсанд қилмоқда ва қойил қилмоқда. Давримизнинг энг буюк ҳужжати бўлмиш КПСС янги Программасининг қабул қилиниши замонамизнинг ҳақиқатан ҳам тарихий воқеаси бўлади. Социализм ва коммунизм қурилиши тўғрисидаги буюк ва изчил таълимот бўлмиш марксизм-ленинизм КПСС Программасида янада ривожлантирилган, янги назарий хулосалар билан бойитилган.

Ўртоқ Ю. Цеденбал айтадики, Албания Меҳнат партияси раҳбарларининг хато йўли социалистик мамлакатлар ўртасидаги муносабатларнинг интернационалистик руҳига тамомила хилофдир. Албания Меҳнат партияси раҳбарларининг ана шу хато йўли умумий ишимизга ва аввало, Албания халқининг миллий манфаатларига зарар етказади.

(Давоми учинчи бетда).



МОСКВА. Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг XXII съезди. Ўзбекистон партия ташкилотининг делегатларидан бир группаси мажлислар залида.

Г. Самаров фотоси. («Сельская жизнь» газетасидан).

СОВЕТ ИТТИФОҚИ КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИНИНГ XXII СЪЕЗДИ

КРЕМЛНИНГ СЪЕЗДЛАР САРОЙИДА

(Боши биринчи ва иккинчи бетларда)

Ўртоқ Ю. Цеденбал сўзини давом эттириб, бундай дейди: Социализм ва коммунизмни муваффақиятли суратда қурмоқ учун халқларга тинчлик керак. Еппасига ва батамом қуролсизланиш тўғрисида, Германия масаласини, шу жумладан Ғарбий Берлин проблемасини Германия билан сулҳ шартномасини тезликда тузиш йўли билан тинч ҳал этиш тўғрисида, шунингдек империализмнинг шармандали мустамлакачилик системасини узил-кесил тугатиш ҳақида Совет ҳукумати томонидан илгари сурилган ва жаҳондаги прогрессив жамоатчилик қўллаб-қувватлаган таклифларни амалга оширish бутун дунёда мустаҳкам тинчликка эришишнинг асосий йўлидир.

Сўнгра Ўртоқ Ю. Цеденбал мўғул халқининг социалистик қурилишда эришган муваффақиятлари тўғрисида гапиради. Қолоқ мамлакатларнинг капитализмни четлаб ўтиб, социализмга ўтиши мумкинлиги тўғрисида В. И. Ленин таълимотининг кучи ва ҳаётийлиги Мўғулистон мисолида яна бир марта исботланди. Мўғулистон Халқ Республикаси олдида социализм қурилишини тугаллаш, ўз экономикаси ва маданиятини илғор социалистик мамлакатлар даражасига кўтариш вазифаси турибди.

Ўртоқ Ю. Цеденбал дўстона социалистик мамлакатларнинг Мўғулистон Халқ Республикаси меҳнаткашларига бераётган қардошлик ёрдамини эслатиб ўтиб, қардошларча астойдил ёрдам ва кўмаклари учун совет халқига, Совет Иттифоқи Коммунистик партиясига ва унинг ўртоқ Н. С. Хрушчев бошлиқ Марказий Комитетига чин қалбдан ташаккур изҳор қилади. У мўғул халқи пролетар интернационализми улуғ байрогига бундан буён ҳам ҳамиша содиқ бўлади, деб съездни ишонтиради.

Съезднинг 21 октябрдаги кечки мажлиси

Кечки мажлисда КПСС Ленинград область комитетининг секретари Ўртоқ **И. В. Спиридонов** раислик қилди.

Куба бирлашган революцион ташкилотлари раҳбарлигининг аъзоси Ўртоқ **Блас Рока** съезд делегатлари ва меҳмонларнинг қизғин олқишлари остида минбарга чиқади.

Ўртоқ Блас Рока бирлашган революцион ташкилотлар ва уларнинг раҳбари, миллий қаҳрамон Фидель Кастронинг топшириғига биноан бутун Куба халқи номидан улуғ Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг XXII съездига қардошлик саломини топширади ва съездга ўзининг жаҳоншумул аҳамиятга эга бўлган тарихий вазифаларини бажаришда чин кўнгилдан тўла муваффақият тилайди. Ҳозирги даврнинг характери, бу даврнинг асосий мазмуни капитализмдан социализмга ўтиш эканлиги тўғрисида КПСС Программасининг проектида ёзилган тезисни, — деди Ўртоқ Блас Рока,—ватанпарварлик, демократик ва социалистик Куба революцияси, бу революциянинг тез ва муваффақиятли ривожланаётганлиги амалда исботлаб берган ёркин ва зўр далилдир. Қўшма Штатларнинг соҳилидан 140 километр наридаги мамлакатда, Америка империалистлари ўз ҳовлиларининг орқаси деб ҳисоблаб келган мамлакатда қилинган Куба революцияси Латин Америкаси мамлакатларининг юзаки мустақиллик системасига ва уларни ҳақиқатда Вашингтонга бўйсундириш системасига хотима беришни бошлаб берди, республикага миллий суверенитет келтирди, империалистлар босиб олган ер, шахталар ва бошқа бойликларни миллий мулк деб эълон қилди ва бу мулкни халққа қайтариб берди. Ўртоқ Блас Рока дедики, Куба одамни-одам эксплуатация қилишининг ҳамма формаларини тугатмоқ учун кескинлик ва қатъият билан социализм қуриш йўлига тушиб олди.

Агар бизнинг давримиз, деди Куба халқининг вакили, капитализмдан социализмга ўтиш даври бўлмаганда эди, агар жаҳон социалистик лагери мавжуд бўлмаганда эди, агар социалистик мамлакатларнинг бирлиги бўлмаганда эди ва бу мамлакатлар турмушининг ҳамма соҳаларида жуда катта кучга эга бўлмаганларида эди, агар ишчилар синфининг халқаро революцион ҳаракати идеология жиҳатдан етилмаганда эди ва у ҳозирги кунда бўлганидек юксак уюшқоқликка ва жанговар руҳга эга бўлмаганда эди, кичкина Куба оролидаги революция халқимизнинг қаҳрамонлиги, шижоати ва ғайратига қарамай шу қадар тез ва ишонч билан рўёбга чиқа олмаган бўлур эди. Куба халқи ўзининг бирлиги, жонбозлиги ва кураши туфайлигина эмас, балки Латин Америкаси халқларининг, Осиё ва Африка халқларининг, Европа ва бутун дунё меҳнаткашларининг ва, аввало, Куба халқига қардошларча ва бегараз ёрдам кўрсатган Совет Иттифоқи бошчилигидаги социалистик мамлакатлар меҳнаткашларининг мустаҳкам, жанговар ва таъсирчан бирдамлиги туфайли ўзининг яқинда қўлга киритган суверенитети ва мустақиллигини сақлаб қолишга, ўз тақдирини мустақил равишда белгилашга ва ўз революциясини ривожлантиришга муваффақ бўлди.

Америка империалистлари ва уларнинг агентлари, деди Ўртоқ Блас Рока, бизнинг революциямизни бўғиб ташламоқ учун ҳамма воситалардан фойдаланмоқдалар. Улар бизнинг мамлакатимизнинг Қўшма Штатлар билан савдо-сотиқ қилишини бутунлай тўхтатиб қўйдилар ва бошқа мамлакатлар билан савдо-сотиқ қилишимизга ҳам йўл қўймасликка уриндилар. Улар бизга туҳматлар ёғдирдилар ва ёлланган бандитларнинг мамлакатимизга ҳужумини ташкил қилдилар, халқимиз Ҳирон соҳили районида бу бандитларни муваффақиятли равишда тор-мор келтирди. Совет Иттифоқи ва бошқа социалистик мамлакатларнинг бизга бераётган жуда катта кўмаги бу агрессияни енгишимизга ёрдам берди.

Социалистик мамлакатларнинг бераётган ёрдами,—дейди сўнгра Ўртоқ Блас Рока,—жуда катта ва хилма-хилдир. Шу ёрдам туфайли биз ҳаддан ташқари ва оғир қурбонлар беришдан қутилдик. Бу ёрдам ҳамма қийинчиликларни енгиб олга боришимизга имкон бермоқда. Бизнинг халқимиз бу ёрдам учун сизларга, совет қардошларимизга чин кўнгилдан ташаккур айтади. Биз эса мамлакатимизнинг мустақиллиги учун ва социализм учун ҳар қандай қурбонлар беришга тайёрмиз.

Ҳозир Америка империалистлари ва уларнинг агентлари бизнинг мамлакатимизга қарши янги ғирволар тайёрламоқдалар. Бинобарин, Куба революцияси янги синовлар олдида турибди. Лекин Латин Америкаси халқларининг, Осиё ва Африкадаги чет эл ҳукмронлигидан қутилган халқларнинг, бутун дунё ишчиларининг ва қардош социалистик лагерь мамлакатларининг бирдамлиги туфайли Куба қар қандай янги синовларга бардош бериб, ғалаба қозонишига ва олга боришни давом эттираберишига аминдир. Биз, дейди сўнгра Ўртоқ Блас Рока, янги қуролли агрессияга зарба беришга тайёрмиз. «Ё ватан, ё ўлим! Биз енгамиз!» деган шиор билан руҳланган Куба халқи ўз революциясини кўкрак кериб ҳимоя қилади, хоҳ иқтисодий, хоҳ сиёсий ёки хоҳ ҳарбий агрессия бўлсин, ҳар қандай агрессияни ва ҳар қандай қийинчиликни енгади. Ҳаққоний иш учун ўлимдан қайтмайдиган халқни енгиш мумкин эмас. Биз сизларнинг, совет ўртоқлар, биз билан бузилмас бирдамлигингизга таянамиз. Куба революцияси енгилмайди.

Блас Рока айтдики, Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг янги Программаси Куба халқининг курашдаги кучига куч қўшади ва унинг кубаликларнинг ҳозир сарфлаётган куч-ғайрати ва бераётган қурбонлари энг юксак ва чин инсонпарварлик руҳи билан суғорилган жамият қуришларига имконият беради, деган ишончини мустаҳкамлайди. Биз шу нарсага қаттиқ ишонамизки,— деди Ўртоқ Блас Рока,—совет халқи коммунизм қуришнинг дадил ва улуғ Программасини албатта амалга оширади.

Блас Роканинг нутқи тамом бўлганидан кейин Куба делегацияси Ўртоқ Н. С. Хрушчевга миллий байроқ тақдим қилди. Ўртоқ Н. С. Хрушчев бутун залнинг гулдурос овацияси остида хитоб қилиб айтдики, «Яшасин революцион Куба!», «Яшасин Кубанинг революцион халқи!», «Яшасин Куба революциясининг доҳийси Фидель Кастро!», «Яшасин Ўртоқ Блас Рока бошчилигидаги Куба делегацияси!»

Зафарли Куба революцияси шарафига, ўзининг уюшқоқлиги, бардамлиги, мардлиги, ўз озодлигини сақлаб қолишга қаттиқ бел боғлаганлиги билан жаҳонни ҳайратда қолдирган жасур халқ шарафига айтилган «Ура!» садолари яна янгиради, яна гулдурос овация давом қилади.

Индонезия Коммунистик партияси Марказий Комитетининг раиси Ўртоқ **Дипа Нусантара Айдит** минбарга чиқади. Азиз ўртоқлар, шоҳли съезд делегатлари!—дейди у.—Индонезия Коммунистик партиясининг Марказий Комитети номидан, Индонезиянинг икки миллион коммунистлари номидан, Индонезиянинг ишчилар синфи ва барча меҳнаткашлари номидан сизларнинг съездингизга, Октябрь революцияси ўғиллари ва қизларининг съездига ленинча интернационал пролетар саломини топшираман.

Индонезия Коммунистик партиясининг программасида биз чуқур ишонч билдириб шуни айтдикки,—деди Ўртоқ Д. Айдит,—биз мақсадимизга албатта етамиз, чунки Индонезия халқининг кураш йўлини Маркс, Энгельс, Ленин голиб ғаялимотининг машъали ёритиб турибди, чунки икки буюк халқнинг — Совет Итифоқи ва Хитой халқларининг тажрибаси Индонезия ишчилар синфи ва Коммунистик партияси раҳбарлик қилаётган Индонезия халқини руҳлантирмоқда.

Ўртоқ Д. Айдит ишонч билдириб айтдики, совет халқи янги, тағин ҳам ажойиб муваффақиятларга эришади, совет кишилари ўзларининг етти йиллик планларини муддатидан олдин тўла ва оширib бажарадилар ва коммунизм КПСС Программасининг проектида белгиланган муддатда қурилади. Коммунистик жамият қуриш вазифасини дадиллик билан амалий равишда қилиб қўйган Совет Иттифоқи Коммунистик партиясига ва совет халқига қойил бўлмоқдамиз. Бу қаҳрамонлик шижоати жаҳон тарихининг боришига чуқур таъсир ўтказади, ер юзидаги халқларнинг мустамлакачилик ва империализм устидан ғалаба қозониш учун, тинчлик, демократия ва социализм учун курашига янги куч бағишлайди.

Ўртоқ Айдит Индонезиянинг сиёсий ва иқтисодий ривожланишидаги ютуқлари ҳақида гапириб, унинг йўлидаги қийинчиликларни баён қилиб, Индонезия халқи ўзининг курашида яккаланиб қолаётгани йўқ, деди. Шу сабабли, деди у, биз бутун дунёнинг барча халқларига, прогрессив партияларга ва биринчи навбатда Совет Иттифоқи бошчилигидаги социалистик мамлакатларнинг Коммунистик партияларига, ҳукуматларига ва халқларига бизга кўрсатиб келган ва кўрсатаётган ва, биз аминмизки, бундан буён ҳам кўрсатишлари муқаррар бўлган бегараз ёрдамлари учун ташаккур айтамиз.

СССР билан Индонезия ўртасидаги муносабатлар, деди Ўртоқ Д. Айдит, кўклам фаслининг гуллари каби барқ уриб яшнамоқда. СССР билан Индонезия ўртасидаги дўстлик баҳори ҳар қандай об-ҳаво шароитида ҳам абадий баҳор бўлиб қолади. Президент Сукарнонинг СССРга қилган визитлари ва СССР Министрлар Совети Раиси Ўртоқ Н. С. Хрушчевнинг Индонезияга қилган визити Совет Иттифоқи ва Индонезия ҳукуматлари ва халқлари ўртасидаги дўстликни тағин ҳам кўпроқ мустаҳкамлади.

Беш қитъадаги коммунистик ва ишчи партияларнинг бирлиги кундан-кунга мустаҳкамланмоқда. Коммунистлар ва халқларнинг тинчлик, демократия, миллий мустақиллик ва социализм учун кураши ўсмоқда ва мустаҳкамланмоқда. Империалистлар ва бошқа реакционерлар бу бирлик ва бу курашдан чўчиб типирчилай бершинлар. Уларнинг замони ўтиб кетди, келажак бизники, келажак халқники. Биз, деди Ўртоқ Д. Айдит ўз сўзининг охирида, халқлар тарихининг боришини онгли равишда белгилаб бераётган асрда яшамоқдамиз.

Индонезия Компартиясининг вакилидан кейин Ҳиндистон Коммунистик партияси миллий кенгашининг бош секретари Ўртоқ **Ажой Кумар Гхош** минбарга чиқади. Коммунизм қурувчилар съезди деб жуда тўғри ном берилган сизларнинг съездингиз, деди у, жаҳон тарихининг жуда муҳим даврида тўпланди. Бу съезднинг қарорлари фақат совет халқи учунгина эмас, шу билан бирга бутун инсоният учун ҳам ғоят катта аҳамиятга эга бўлади. Шу сабабли, бутун дунё кишиларининг сизларга умид кўзи билан қараб турганликлари таажжубланарлик бир ҳол эмас.

Ўртоқ А. Гхош Октябрь революциясининг жуда катта аҳамиятини уқтириб ўтди, қисқа муддат ичида—44 йил ичида жаҳонда бундан олдинги ҳар қандай даврнинг бир неча асрлари давомида рўй берган ўзгаришларга қараганда тағин ҳам чуқурроқ ўзгаришлар рўй берганлигини айтиб ўтди. Октябрь революцияси кўтарган байроқ ер юзидаги аҳолининг учдан бир қисми яшаб турган мамлакатларда узил-кесил ва абадий ғалаба қилди. Бугунги кунда улуғ Совет Иттифоқининг халқи, деди нотиқ, ўз олдига улуғвор мақсадни—коммунизм қуриш мақсадини қўйди. КПСС Программасининг проекти дадил ва ишонч билан шуни эълон қилдики, коммунистик жамият қуриш совет халқи учун бевосита амалий вазифа бўлиб қолди. Бу йўлда ҳозирнинг ўзидаёқ эришилган муваффақиятлар бу вазифанинг албатта бажарилишига заррача шубҳа қолдирмайди.

Нотиқ Программа проектини бутун инсоният учун йўлчи юлдуз деб атаб, шундай улуғвор Программани кўтариб чиққан партия ва ҳукумат тинчликнинг сақланишидан бенихоя манфаатдор эканлигини уқтириб ўтди. Нотиқ, аввало, АҚШ империалистлари вужудга келтираётган халқаро кескинлик тўғрисида гапирди. АҚШ империалистлари жаҳонга яна ҳукмрон бўлмоқ ва ўзларидаги манфур режимни ҳамма халқларга зўрлаб қабул қилдирмоқ учун жаҳонни термоядро уруши гирдобига ташламоқчилар. Тинчлик учун кескин курашаётган ва музокаралар олиб боришга ўзининг тайёр эканлигини билдираётган Совет Иттифоқи шундай чоралар кўришга мажбур бўлдики, бу чоралар Совет Иттифоқининг зарур бўлиб қолган тақдирда аггрессорларни қақшатғич зарбага учратишига имконият беради.

Ҳиндистон халқи, деди нотиқ, урушга қарши, тинч-тотув яшаш учун кураш ишига анча ҳисса қўшди. Ҳиндистон республикаси империалистларнинг Ҳиндистонни ҳарбий иттифоқларга тортиш йўлидаги уринишларига қатъий зарба берди. Бизнинг халқимиз Совет Иттифоқини тинчлик учун энг бардам курашчи, экономикамизни ҳозирги замон негизида реконструкция қилишга қимматли ёрдам ва кўмак бераётган самимий дўст деб билади.

КПССни ва совет халқини, деди Ўртоқ А. Гхош,—турмушнинг ҳамма соҳаларида ва айниқса КПСС нинг тарихий XX съездидан кейин ўтган даврда эришилган ажойиб ғалабалар билан қутлашга ва сизлар тағин ҳам каттароқ ғалабаларга эришасизлар деб ишонч билдиришга ижозат бергайсиз, Ўртоқлар.

* * *

Қардош Коммунистик ва ишчи партиялар вакилларининг нутқларини съезд қатнашчилари қизғин қутиб олдилар. Бу—социалистик мамлакатлар қудратли ҳамдўстлигининг, жаҳон коммунистик ва ишчилар ҳаракати қудратли ҳамдўстлигининг мустаҳкамланиб бораётган бирлигини кўрсатувчи ажойиб намойиш бўлди.

* * *

Оддий ёш рус аёлининг сўзлаган нутқи партия гимни бўлиб, партиянинг янги ажойиб Программасини куйловчи гимн бўлиб янгради. Бу аёл—Москва яқинидаги Купавино нафис сукно фабрикасининг мастер ёрдамчиси **М. И. Рожневадир.** Рожневанинг йўли унинг кўпгина тенгдошлари учун характерлидир. Яқиндагина у фабрика-завод шогирдлиги мактабининг ўқувчиси эди, кейин йигирувчи бўлиб ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда техникумни тамомлади. Россия Федерацияси Олий Советига депутат бўлиб сайланди. У бошчилик қилаётган бригада меҳнат унумдорлиги соҳасида етти йилликнинг охирига мўлжалланган даражага корхонада биринчи бўлиб эришди.

Мен ва цехдаги ўртоқларим Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Программасининг проектини ўқиганимизда, — деди ўртоқ Рожнева,—ҳар қайсимиз бениҳоя хурсанд бўлиб кетдик. «Совет кишиларининг ҳозирги авлоди коммунизмда яшайди!» деган сўзлар ҳозирги кунда нақадар мўъжизали сўзлар бўлиб янграмоқда. Ҳозирги авлод биз билан сизлар-ку, ахир, азиз ўртоқлар, деб хитоб қилди М. И. Рожнева бутун залдагиларнинг гулдурос қарсаклари остида.—Бу мақсад учун тағин ҳам яхшироқ меҳнат қилиш керак, бутун кучимизни, билимимизни, маҳоратимизни шу мақсадга бағишласак арзийди.

Программа проектининг ҳар бир сатрида, унинг ҳар бир сўзида, деб давом қилди М. И. Рожнева,—халққа, унинг яратувчи, ижодкор ақл-заковатига чуқур ишонч бор. Жамият учун қилинаётган меҳнат, инсонни ўзгартираётган, халқимиз учун моддий ва маънавий неъматларни мўлкўл қилиш йўлини очаётган меҳнат тобора қувончли меҳнат бўлиб қолмоқда. М. И. Рожнева фабрика коллективининг ватанпарварлик ташаббуслари ҳақида ҳикоя қилиб берди. Хомашё ва материалларни тежаш учун бошланган ва умумхалқ иши бўлиб қолган кураш, тежалган хомашёдан пландан ташқари маҳсулот ишлаб чиқариш учун кураш, ҳамма ишчиларни ишлаб чиқаришдан ажратмай туриб планли равишда ўқитишни ташкил этиш мана шундай ватанпарварлик ташаббусларидандир.

Бизнинг кундалик ҳаётимизда, дейди Ўртоқ Рожнева, янги коммунистик принциплар ва ташаббусларнинг жуда хилма-хил турлари зўр куч билан пайдо бўлмоқда ва туғилмоқда. Фабрикада ишга чиқишни табелсиз ҳисобга олиш ва кассирсиз пул тўлаш усули жорий қилинди. Ишчиларни ишга қабул қилиш, ишдан бўшатиш ва эдамларни тарбиялаш масалалари бригадада, сменада ҳал қилинмоқда. Коллектив аъзосининг туғилган куни, бола кўрган куни, ишчининг партияга ёки комсомолга кирган куни, қилган хизматларига яраша дам олишга кетган куни коллектив равишда нишонланади. Фабрикада ва посёлкада янги гулзорлар, спорт майдончалари, болалар дам оладиган хоналар пайдо бўлди. Мана шуларнинг ҳаммаси кўпчиликнинг ҳаракати ва меҳнати билан вужудга келтирилди. Партиянинг XXII съезди очиладиган кунининг арафасида Купавино фабрикасига коммунистик меҳнат корхонаси деган ном берилди.

СССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари Ўртоқ **А. Н. Косигинга** сўз берилди.

Марказий Комитет ҳисоботида, деди Ўртоқ Косигин, совет халқининг Коммунистик партия раҳбарлиги остида Совет давлати ҳаётининг энг муҳим даврларидан бирида олиб борган кураши ва қилган меҳнатининг якунлари жамланди. Партия томонидан партия турмуши ленинча нормаларининг ҳамда раҳбарлик соҳасидаги ленинча принципларнинг тикланганлиги, шахсга сиғинишнинг ёмон оқибатларининг батамом бартараф этилганлиги тарихнинг чинакам ижодкори бўлган халқимиз ижодий ташаббуси ва активлигини мисли кўрилмаган даражада юксалтириб юборди, миллионларча кишиларни улуғ ва шонли зафарларга илҳомлантирди.

Партия томонидан ижтимоий, сиёсий, хўжалик ва маданий ҳаётда амалга оширилган катта тадбирлар ишлаб чиқарувчи кучларнинг жадал ривожланишини, давлатимиз мудофаа қобилиятининг янада мустаҳкамланишини ва совет кишилари турмуш даражасининг ўсишини таъминлади. Совет фани ғоят катта ғалабаларни қўлга киритди. Мамлакатимиз фан ва техникаининг кўпгина соҳалари бўйича дунёда биринчи ўринни эгаллаб турибди.

Партиямиз сафларини мустаҳкамлаш ва жипслаштиришда, деди сўнгра Ўртоқ Косигин, партияни шахсга сиғинишнинг эски йўлига қайтаришга, партиянинг раҳбар ядросини партиядан ва халқдан ажратиб қўйишга урунган Молотов, Каганович, Маленков, Ворошилов, Булганин, Первухин, Сабуров ва Шепиловларнинг партияга қарши фракцион группировкасининг тор-мор келтирилиши катта аҳамиятга эга бўлди.

Бизнинг, деб таъкидлайди нотиқ, партияга қарши группа ҳақида ўз съездимизда гапираётганлигимизга сабаб бу группанинг ҳозирги вақтда партия фаолияти учун қандайдир куч ёки хавф туғдиришида эмас. Бизнинг партиямиз ҳар қачонгидан ҳам кучли ва жипслашгандир. Партия содиқ ленинчи Никита Сергеевич Хрушчев бошчилигидаги ўз Марказий Комитети теварагида якдил ва жипслашгандир. Лекин биз шахсга сиғиниш нималарга олиб келиши мумкинлигини, партияга қарши группировка партия ва давлатга нақадар катта путур етказиши мумкинлигини партияга ва халққа яна бир марта кўрсатиб бериш учун ана шу группировка ҳақида гапирмоқдамиз. Биз тарих сабоқларини ҳеч қачон унутилмаслигини истаймиз. Биз бундан буён ҳам бизнинг партиямизда, бизнинг жамиятимизда шахсга сиғинишга ўрин бўлмаслиги учун, шахсга сиғинишнинг куртаклари ва илдизлари батамом янчиб ташланиши учун иложи бўлган ҳамма ишларни қилишимиз керак ва шундай қиламиз.

Ўртоқ Косигин Албания Меҳнат партияси раҳбарларининг партия турмуши ленинча нормаларини бузаётганликлари ҳақида тўхталиб, мен съезд делегатлари ҳамда қардош коммунистик ва ишчи партияларнинг вакиллари Албания Меҳнат партиясидаги аҳволга берган баҳоларига ҳамда Албания Меҳнат партияси раҳбарларининг адресига айтган ҳақли танқидларига батамом қўшиламан, деди.

Совет кишилари истиқболга қараб яшаш ва ишлашга одатланганлар. Улар қурилишимизнинг юксак суръатларига ва улуғвор миқёсига одатланганлар. Бироқ КПСС Программасида коммунистик қурилишнинг улуғвор йигирма йиллик плани шу қадар аниқ ва равшан тасвирланганки, ҳали ҳеч қачон келажакнинг манзараси шу қадар аниқ ва равшан тасвирланмаган эди.

Иқтисодий тараққиёт суръатларидаги ва миллий даромадни тақсимлаш характеридаги бизнинг афзалликларимиз, деди А. Н. Косигин, истеъмол фондини ўстириш билан бир вақтда жамғарим фондини кўпайтириш учун катта маблағлар ажратиш имконини беради. Миллий даромаднинг бешдан бир қисмидан кўпроғи капитал қурилишда фойдаланилмоқда. Бу йил давлат капитал маблағларининг ўзи 1940 йилга нисбатан деярли етти баравар кўпайди ва тахминан 33 миллиард сўмни ташкил қилади. Хўжаликимизга капитал маблағ солишнинг ўсиш суръати АҚШдаги умумий капитал маблағ сарфлашнинг ўсиш суръатидан анча ортиқдир, бу эса, капиталистик дунёда, айниқса АҚШ да жиддий ташвиш туғдирмоқда. АҚШда Совет Иттифоқи яқин йиллар ичида саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш жиҳатидан АҚШ дан ўзиб кетади, деб очиқдан-очиқ ховотир бўлмоқдалар.

Ўртоқ Косигин айтадики, давлат, кооператив корхоналари ва ташкилотлари асосий фондларининг қиймати 1940 йилга нисбатан уч баравар кўпайди ва биринчи беш йиллик бошидаги мамлакат асосий фондларининг қийматидан 14 баравар ошиб кетди.

Янги капитал қурилиш билан бир қаторда ишлаб турган корхоналарни янги техника асосида реконструкция қилиш ва кенгайтириш—ишлаб чиқариш қувватларини жадал оширишнинг самарали воситасидир. Ҳозир ҳамма капитал маблағларнинг ярмидан кўпроғи ана шу мақсадларга сарфланмоқда.

Сўнгра нотиқ айтадики, умуман халқ хўжалиги бўйича капитал қурилиш суръатлари ҳали ҳам замонавий талабларга жавоб бермаётир, қурилишларни лойиҳалаш ва ташкил қилиш соҳасидаги, моддий-техника таъминоти ва капитал ишларни планлаштириш соҳасидаги жиддий камчиликлар ҳалқит бермоқда. Қурилишнинг қанча давом этиши юзасидан белгиланган нормалар қатъий қонун бўлиши керак. Қурилишларни лойиҳалашни тубдан яхшилаш—капитал маблағ солишнинг эффективлигини оширишнинг энг муҳим шартларидан биридир, проектларда халқ хўжалиги учун қимматли бўлган ҳамма тугалланган илмий тадқиқот ишлари ўз ифодасини топиши лозим.

Н. С. Хрушчевнинг ташаббуси билан, деди Ўртоқ Косигин, капитал қурилиш масаласи партия Марказий Комитетида ва СССР Министрлар Советида муҳокама қилинди ҳамда бу масала юзасидан махсус қарор қабул қилинди. Капитал қурилишни планлаштиришнинг янги тартиби жорий қилинмоқда. Бундан буён капитал қурилишнинг ҳажми бинокорлик материаллари ва ускуналар билан таъминлаш масаласига жуда мослаштирилиши зарур. Ажратиладиган капитал маблағлар ва моддий ресурслар биринчи навбатда яқин орада ишга тушириладиган объектларга тўпланиши лозим.

Ўртоқ Косигин ўз нутқида социалистик ишлаб чиқаришни ташкил қилиш масалаларига катта эътибор беради. У айтадики, халқ хўжалигини ривожлантиришнинг Программа проектида ва Н. С. Хрушчев докладларида баён қилинган вазифаларини амалга ошириш учун хўжаликка раҳбарликни муттасил такомиллаштириш, моддий ва меҳнат ресурсларидан энг рационал ва самарали фойдаланиш талаб қилинади.

Ишлаб чиқаришни рационал ташкил қилиш — даставвал ишлаб чиқариш фондларидан энг яхши фойдаланиш демакдир, бу эса маҳсулот ишлаб чиқаришни анча кўпайтириш имконини беради. Саноатнинг айрим тармоқларида, дейди А. Н. Косигин, биз яхши натижаларга эришдик. Масалан, қора металлургия соҳасидаги ҳамма корхоналарда 1959-1960 йилларда маҳсулот ишлаб чиқаришнинг ўсиши ишлаб чиқариш қувватларининг ўсишидан анча юқори бўлди. Шу йилларда цемент саноатида ишлаб чиқариш қувватлари 9,2 миллион тонна миқдорида ошгани ҳолда ишлаб чиқариш ҳажми 12 миллион тоннадан кўпроқ ҳажмда ошди. Пойафзал ишлаб чиқариш бўйича 30 миллион жуфтга мўлжалланган қувват ишга туширилди, пойафзал ишлаб чиқариш эса 63 миллион жуфт ошди. Ана шундай резервлар халқ хўжалигининг ҳамма тармоқларида бор.

Юқори даражада механизациялаштирилган замонавий саноат корхонасида ишлаб чиқаришни ташкил этиш проблемаларининг бутун комплексини илмий асосда ишлаб чиқиш—ҳозир кечиктириб бўлмайдиган вазифадир. Бу вазифани бизнинг илмий муассасаларимиз—тармоқ ва умумиқтисод институтлари, проект ташкилотлари ҳал этишлари зарур.

Ўртоқ Косигин машинасозликнинг турли тармоқларини ихтисослаштиришнинг, ремонт ишини оқилона марказлаштиришнинг аҳамиятини таъкидлаб кўрсатади. Саноатимиз ишининг сифат кўрсаткичларини янада яхшилаш, юксак унумли ускуналар ишлаб чиқариш ҳамда машина ва агрегатларнинг хизмат муддатини узайтириш ғоят катта аҳамиятга эгадир. Ишлаб чиқаришни ихтисослаштиришни кенгайтириш, корхоналар ва иқтисодий районлар ўртасидаги хўжалик алоқаларини ривожлантириш планлаштириш системасини яхшилашни талаб қилади. Бу гап биринчи навбатда халқ хўжалигининг моддий-техника таъминоти планларини ишлаб чиқишга тааллуқлидир.

Ўртоқ Косигин ўз нутқининг хотима қисмини партиянинг: «Ҳамма нарса инсон учун, инсон бахт-саодати учун» деган шиорини амалга ошириш вазифаларига бағишлайди. У айтадики, бош план проектида халқ истеъмоли товарларини шундай миқдорларда ўстириш кўзда тутиладики, биз тахминан 1970 йилларга бориб аҳоли жон бошига маҳсулот ишлаб чиқариш жиҳатидан энг ривожланган капиталистик мамлакатлар, шу жумладан АҚШ даражасидан ошиб кетамиз.

Ўртоқ Хрушчевнинг ташаббуси билан партия Марказий Комитети ва Совет ҳукумати аҳоли иҳтиёжларини қондириш учун зарур бўлган ҳамма маҳсулотларнинг мўл-кўллигини вужудга келтириш мақсадида енгил, озиқ-овқат, кимё саноатида ва саноатнинг бошқа тармоқларида ишлаб чиқариш қувватларини кенгайтириш юзасидан махсус тадбирларни ишлаб чиқдилар. 1960 йилдан бошлаб халқ истеъмоли буюмлари ишлаб чиқарадиган энг муҳим тармоқларга етти йиллик план ҳисоботларида кўзда тутилганидан анча кўпроқ капитал маблағлар сарфлана бошлади.

Савдо ходимлари олдига катта ва масъулиятли вазифалар қўйилади. Ишлаб чиқаришнинг ҳозирги замон даражаси ва бизнинг ҳомашё соҳасидаги имкониятларимиз бозорни ҳамма зарур товарлар билан яқин йиллар ичида тўла-тўкис таъминлаш имконини беради. Бизнинг магазинларимиз, ошхоналаримиз, кафеларимиз савдонинг юксак маданияти талабларига жавоб бериши керак. Турмуш учун, кишилар учун вужудга келтирилаётган ҳамма нарсалар сифатли, кулай ва чиройли бўлиши лозим.

Бизнинг партиямиз умумхалқ муҳаббатига сазовордир, деди А. Н. Косигин, совет кишилари ўзларининг жонажон партиясини доно раҳбар деб, уларнинг туб манфаатлари ва мақсадларининг чинакам ифодачиси деб биладилар. Бутун совет халқи Коммунистик партия сиёсатини якдиллик билан қўллаб-қувватлайди ва активлик билан амалга оширади. Партиянинг янги Программаси Ватанимизнинг барча меҳнаткашларини улуғ мақсадга эришиш — коммунизм қуриш йўлида янгидан-янги жасоратлар кўрсатишга илҳомлантиради.

КПСС Краснодар ўлка комитетининг биринчи секретари **Г. И. Воробьев** сўзга чиқади. У айтадики, мамлакатимиз қўлга киритган ғоят катта муваффақиятларини совет кишилари жонажон Коммунистик партияниг, унинг содиқ ленинчи ўртоқ Н. С. Хрушчев бошчилигидаги Марказий Комитетининг жаҳоншумул-тарихий хизмати деб биладилар.

Партия, бутун совет халқи Марказий Комитетнинг тўғри, ленинча доно ички ва ташқи сиёсатини, унинг жўшқин, толмас фаолиятини якдиллик билан маъқулламоқдалар.

Ўртоқ Воробьев айтадики, XX съезддан кейин, яъни партия шахсга сиғиниш туфайли вужудга келган хатоларни бартараф этиб, қўриқ ерларни ўзлаштириш, саноат ва қурилишни бошқаришни қайта ташкил қилиш, иттифоқчи республикалар ҳуқуқларини кенгайтириш, халқ фаровонлигини яхшилаш ва қонунчиликни тиклаш сингари кечиктириб бўлмайдиган вазифаларни ҳал этишга киришган пайтда Молотов, Каганович, Маленков, Ворошилов, Булганин ва бошқалардан иборат антипартиявий группа ўз фракцион фаолиятини авж олдирди. Фракциячилар партия сиёсатини ўзгартиришга ва уни Ленин йўлидан оғдиришга уринди лар, лекин уларнинг ниятлари батамом барбод бўлди. Турмуш Коммунистик партиянинг йўли тўғри эканлигини тасдиқлади ва эндиликда партияга қарши группанинг қўпорувчилик, ихтилофчилик фаолиятини фош этишда Марказий Комитет ва шахсан Ўртоқ Н. С. Хрушчев қилган ғоят катта хизматни ҳамма кўриб турибди.

Краснодар партия ташкилоти. Кубаннинг барча меҳнаткашлари партия XX ва XXI съездларининг тарихий қарорларини бажара бориб, ўлка саноати ва қишлоқ хўжалигини янада ривожлантириш учун қатъият билан курашмоқдалар. Ўтган беш йил ичида Кубанда саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш деярли икки баравар кўпайди. Газ, нефть, цемент ва озиқ-овқат саноати айниқса тез ривожланди. Газ чиқариш шу йиллар ичида 13 марта кўпайди. Кубанда қанд саноати аслида янгидан вужудга келтирилди. Илгари, деди нотиқ, бизда йилига икки ярим миллион пудга яқин қанд ишлаб чиқарадиган иккита кичкина завод ишлар эди. Н. С. Хрушчевнинг ташаббуси билан жуда қисқа муддат ичида 13 та қудратли янги қанд заводи қурилди. Бу заводлар шу йилнинг ўзидаёқ 25 миллион пуддан кўпроқ қанд ишлаб чиқаради.

Кубань саноати ходимлари партия XXII съезди шарафига мусобақалашиб, саноат маҳсулотини ишлаб чиқариш бўйича тўққиз ойлик планни муддатидан илгари бажардилар.

Ўлка партия ташкилотининг, барча меҳнаткашларининг асосий эътибори қишлоқ хўжалигини янада ривожлантириш масалаларига қаратилгандир. Кейинги йилларда ўлкада қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш ва тайёрлаш анча кўпайди. Бу йил, қурғоқчилик бўлишига қарамасдан, 15 октябргача Ватан омборларига 116 миллион пуд ғалла тўкилди, бу эса, ўтган йилнинг шу давридагига қараганда 35 миллион пуд кўпдир. Давлатга 33 миллион пуд ёки ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан икки баравар кўп маккажўхори сотилди.

Н. С. Хрушчевнинг маслаҳати билан, деди Ўртоқ Воробьев, ўлкада дон ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш тадбирлари ишлаб чиқилди. Ғалла етиштиришда кузги бўғдой етакчи ўринни эгаллайди. Маккажўхорига, шунингдек дуккакли экинларни етиштиришга алоҳида эътибор берилади.

Кубань коммунистлари, барча меҳнаткашлари, дейди Г. И. Воробьев, Лен

ПАРТИЯ ВА ХАЛҚ БИРЛИГИНИНГ ҚУДРАТЛИ НАМОЙИШИ

РЕСПУБЛИКАМИЗ МЕҲНАТКАШЛАРИ КПСС XXII СЪЕЗДИ МАТЕРИАЛЛАРИНИ ЗЎР ҚИЗИҚИШ БИЛАН ЎРГАНМОҚДАЛАР

МЕҲНАТ ВАХТАСИ ДАВОМ ЭТМОҚДА

АНДИЖОН, («Қизил Ўзбекистон» мухбири). Область меҳнаткашлари КПСС XXII съезди шарафига бошланган меҳнат вахтасини зўр кўтаринки руҳ билан давом эттирмоқдалар.

Етти йилликнинг дастлабки уч йиллик программасини КПСС XXII съезди арафасида бажарган Андижон гидролиз заводида ҳам съезд очилишига бағишланган митинг бўлди, завод илмий текшириш лабораториясининг инженери М. Хайдарова коллектив фикрини ифодалаб бундай деди:

— Биз коммунизм қуришдан иборат улуғ ишга ўз меҳнатимиз билан ҳисса қўшамиз. Бизни тарбиялаб вояга етказган, ижодий меҳнат қилишимизга ҳамма шароитларни яратиб берган шонли Коммунистик партияга чексиз садоқатимизни амалий ишда исботлаймиз.

Ишчи Қ. Болтабоев, коммунистик меҳнат бригадасининг бошлиғи П. Сластников, бош корпус бошлиғи Д. Егошин ўртоқлар ҳам ўз сўзларида завод кимёгарлари ғайратга ғайрат қўшиб меҳнат вахтасини давом эттиражакларини айтишди.

Митинг қатнашчилари меҳнатда эришган муваффақиятлари ҳақида КПСС XXII съезди президиумига рапорт-телеграмма юбордилар.

КПСС XXII съездига бағишланган митинглар машинасозлик ва нефть корхоналарида, пахта тайёрлаш йиллик планини бажарган «Совой» совхозида ва Ленин районидаги Хрушчев номли ва бошқа колхозларда ҳам бўлиб ўтди.

Андижонликлар меҳнат вахтасини давом эттирмоқдалар.

КОММУНИЗМ ҚУРИШ — УЛУҒ МАҚСАДИМИЗ

САМАРҚАНД, (ЎзТАГ). «Ҳужум» фабрикасида КПСС тарихий XXII съездининг давом этишига бағишланган митинг бўлди.

— Қувончли кун етиб келди, — деди коммунистик меҳнат зарбдори Ҳамроқул Жалилов. — Ватанимиз пойтахтида жонажон партиямизнинг съезди ўз ишини давом эттирмоқда. Бу съезд мамлакатимиз меҳнаткашларининг социалистик экономикани янада зўр куч билан юксалтириш учун курашда кейинги йилларда қилган буюк ишларига якун ясайди, улуғвор программани, қисқа қилиб айтганда социализмдан коммунизмга ўтиш программасини қабул қилади. Бизнинг буюк мақсадимиз ана шу, биз шу мақсад учун кураш олиб борамиз.

Фабриканинг кекса ишчиси Ягудай Исҳоқов, коммунистик меҳнат зарбдори Назир Ғаниев ва бошқа ишчилар ҳам оташин нутқ сўзладилар.

Трактор ва автомобиль учун деталлар ишлаб чиқарувчи Ленин номли завод цехларида, чой қадоқлаш фабрикасида кўп кишилик митинглар бўлиб ўтди.

— Биз севикли партиямиз съездини чин қалбимиздан табриклаймиз, — деди чой қадоқлаш фабрикасининг мастери Эдуард Арутюнов. — Мамлакатимиз коммунизм йўлидан тағин ҳам тезроқ олға бориши учун ғайратимизга ғайрат қўшиб меҳнат қиламиз.

Шаҳар меҳнаткашлари коммунизм қурувчилар съездини қизғин ва самимий табриклаб, партиянинг доно режаларини амалга оширишга тайёр эканликларини айтмоқдалар.

ТАРИХИЙ СЪЕЗДГА БАҒИШЛАБ

Тошкентдаги Низомий номли Давлат педагогика институти студентлари, ўқитувчи ва профессорларининг КПСС XXII съездига бағишланган кўп кишилик митинги бўлиб ўтди. Митингни институт проректори, тарих фанлари кандидати А. Давлетшин очди.

Митинг қатнашчилари институт математика кафедрасининг мудири, доцент Маҳсудов, КПСС тарихи кафедрасининг мудири Багдасаров, доцент Каримов ва физика-математика факультетининг 1- курс студенткаси Илёсова ўртоқларнинг партия XXII съезди ишига муваффақиятлар изҳор этувчи жўшқин ҳамда самимий нутқларини қизғин кутиб олдилар. Институт сиртқи бўлимининг битирувчиси Раҳматуллаев ва шоир Ўткур Рашид ўртоқлар КПСС XXII съездига бағишлаб ёзган шеърларини ўқиб бердилар.

Митинг қатнашчилари съезд ишига муваффақият тилаб, телеграмма юбордилар.

А. НАМЕТОВ,
А. ЙЎЛДОШЕВ.



Тошкент тўқимачилик комбинати ишчилари, инженер-техник ходимларининг КПСС XXII съездига бағишланган митинги. Суратда: Коммунистик меҳнат коллективи номини олиш учун курашаётган бригада бошлиғи Р. АБДУЛЛАЕВ нутқ сўзламоқда.

В. Лейзерович фотоси. (ЎзТАГ фотохроникаси).

«ПРАВДА» КОЛХОЗИ МАЖБУРИЯТИНИ БАЖАРДИ

Юқори Чирчиқ районидаги «Правда» колхозининг пахтакорлари пахта тайёрлаш йиллик планининг бажарилганлиги ҳақида она-Ватанга рапорт берган вақтларида ҳар гектар ердан яна 7 центнердан «оқ олтин» топширишга, шу йўл билан гектаридан олинадиган ҳосилни 37,7 центнерга етказишга, бу мажбуриятни Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 44 йиллиги кунига бажаришга вўда қилган эдилар. Улар КПСС XXII съезди шарафига социалистик мусобақани тобора авж олдириб, йиғим-терим суръатини кун сайин кучайтирдилар ва ўз мажбуриятларини муддатидан илгари бажаришга муваффақ бўлдилар.

Колхозда пахта йиғим-терими қизғин давом эттирилмоқда. Колхозчилар ўз имкониятларини ҳисоблаб чиқиб, 729 гектар ернинг ҳар гектаридан пландаги 30,7 центнер ўрнига 41 центнердан пахта топшириш ва даладаги барча ҳосилни Октябрь байрамигача йиғиштириб олишга сўз бердилар.

РЕСПУБЛИКАМИЗ ИШЧИЛАР СИНФИНИНГ XXII СЪЕЗДГА СОВҒАСИ

1961 йил тўққиз ойида Ўзбекистон ССР саноатида давлат планининг бажарилиш якунлари тўғрисида Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ҳузуридаги Марказий Статистика бошқармасининг ахбороти

Ўзбекистон ССР саноати ходимлари КПСС XXII съездини муносиб кутиб олиш учун курашиб, саноат маҳсулоти ишлаб чиқаришнинг умумий ҳажми бўйича 1961 йилнинг тўққиз ойига белгиланган планни 3 процент ошириб бажардилар. Тўққиз ой мобайнида маҳсулот ишлаб чиқариш 1960 йилнинг шу давридагидан 4 процент кўпайди.

План Тошкент шаҳри бўйича, республиканинг барча областлари ва Қорақалпоғистон АССР бўйича умуман ошириб бажарилди.

Саноатнинг айрим тармоқларида ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми тўққиз ой мобайнида ўтган йилнинг шу давридагига қараганда қуйидагича кўпайди:

	1961 йилнинг тўққиз ойида 1960 йилнинг шу давридагига нисбатан (процент ҳисобида)
Қора ва рангли металлургия	119
Ёқилғи ва энергетика саноати	121
Машинасозлик ва металл ишлаш	119
Кимё саноати	109
Ўрмончилик, қоғоз ва ёғоч ишлаш саноати	121
Бинокорлик материаллари саноати	115
Енгил саноат	96
Озиқ-овқат саноати	103

Пахта тозалаш заводлари ўтган йилдагидан камроқ пахта олгани сабабли енгил саноатда ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш 1960 йилга нисбатан бирмунча озайди.

1961 йилнинг тўққиз ойида саноат маҳсулотининг энг муҳим турларини ишлаб чиқариш қуйидагича бўлди:

	1961 йилнинг тўққиз ойида ишлаб чиқарилгани	1961 йилнинг тўққиз ойида 1960 йилнинг шу даврига нисбатан процент ҳисобида
Пўлат — минг тонна	232,7	106
Нефть — минг тонна	1270	106
Газ — миллион кубометр	618,9	2 баравар
Кўмир — минг тонна	3216	127
Электр қуввати (район электростанциялари ва блок станциялари) — миллион киловатт соат	4351	117
Минерал ўғит — минг тонна	854,4	102
Олтингугурт кислотаси — минг тонна	185,1	106
Осма кранлар — дона	447	91
Экскаваторлар — дона	557	108
Трактор сеялкалари — дона	5768	163
Трактор культиваторлари — дона	9026	104
Ғўзапоя юлиш машиналари — дона	3001	120
Кўсак чувиш машиналари — дона	948	80
Пахта териш машиналари — дона	2698	130
Трактор прицеплари — дона	8198	184
Тебратгич подшипниклари — минг дона	226	112
Дизеллар — дона	7025	114
Усти очиқ симлар (миснинг вазни бўйича) — тонна	5572	104
Бронекабель — километр	5066	116
Рўзғор холодильниклари — дона	5500	119
Цемент — минг тонна	898,4	102
Бинокорлик ғишти — миллион дона	899,2	107
Йиғма темир бетон конструкциялари ва деталлари (қурилишлар ҳузуридаги ёрдамчи корхоналар ишлаб чиқаргани бу ҳисобга кирмайди) — минг кубометр	483,7	150
Асбоцемент шифер — миллион шартли тахта ҳисобида	91,5	104
Дераза ойнаси — минг квадрат метр	1361	77
Мебель — миллион сўмлик	12,6	113
Пахта толаси — минг тонна	648	91
Ип газлама — миллион квадрат метр	139	100,3
Шойи газлама — миллион квадрат метр	15,6	104
Пайпоқлар — миллион жуфт	13,1	102
Ич кийим трикотажи — минг дона	7755	105
Уст кийим трикотажи — минг дона	1695	120
Чарм пойафзал — минг жуфт	9325	110
Қоғоз — тонна	7447	102
Балиқ овлаш — минг центнер	156	81
Гўшт (давлат хом ашё ресурсидан олинадиган биринчи категорияли субпродуктлар шу ҳисобга киради) — минг тонна	50,1	86
Колбасалар — минг тонна	13,2	105
Мол ёғи — тонна	4793	75
Ёғи олинмаган сут маҳсулотлари — минг тонна	74,9	114
Консервалар — миллион шартли банка	136	103
Нон-булкалар — минг тонна	220	102
Кондитер маҳсулотлари — минг тонна	33	115
Макаронлар — минг тонна	19	114
Ўсимлик ёғи — минг тонна	172	95
Совун (мойли кислотаси 40 процентга айлантириб ҳисоблаганда) — минг тонна	45	100
Узум виноси — минг декалитр	2443	111
Папирос ва сигареталар — миллион дона	2914	115

Саноат маҳсулотининг баъзи турлари бўйича тўққиз ойлик план бажарилмай қолди.

Саноатда меҳнат унумдорлигини ошириш юзасидан планда белгиланган топшириқ бажарилди.

ЎЗБЕКИСТОН ССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИ ҲУЗУРИДАГИ МАРКАЗИЙ СТАТИСТИКА БОШҚАРМАСИ.

ЮТУҚЛАРИМИЗНИ КЎПАЙТИРАМИЗ

Районимиз меҳнаткашлари КПСС XXI съезди ва Марказий Комитетнинг январь Пленуми қарорларини амалга ошира бориб, етти йилликнинг учинчи йилида она-Ватанга 4800 тонна пахта, 9000 тонна дон, 12000 килограмм пилла, 2870 тонна гўшт, 4560 тонна сут, 2 миллион 340 минг дона тухум, 2960 центнер жун, 2100 дона қоракўл тери ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етказиб бериш мажбуриятини олган эдилар.

Партиямизнинг XXII съезди шарафига бошланган умумхалқ социалистик мусобақасига қўшилган районимизнинг қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари ана шу улкан вазифаларни бажариш учун курашиб, давлатга ғалла, пилла, тухум, қоракўл тери топшириш юзасидан ўз зиммаларига олган социалистик мажбуриятларини муддатидан олдин бажардилар. КПСС XXII съезди кунларида, Қўйтош кони бошқармаси коллективи (директори Першин, партия комитетининг секретари Резвушкина ўртоқлар) ўн ойлик ишлаб чиқариш планларини ҳамма турлар бўйича муддатидан олдин бажарди.

Коммунистик жамият қурувчилар съезди шарафига меҳнат вахтасида турган чорвадорларимиз 9 ой ичида давлатга 22 минг 337 центнер гўшт, 30 минг 500 центнер сут, 2367 центнер жун сотдилар. Гўшт, сут ва бошқа чорвачилик маҳсулотлари тайёрлашда 1-«Ғаллаорол» совхоз коллективи (директори Яковлев, партия комитетининг секретари Х. Қўшоқов ўртоқлар) самарали натижаларга эришдилар. Совхозда шу кунгача 10 минг 74 центнер гўшт, 12 минг 650 центнер сут топширилиб, социалистик мажбурият ошиғи билан бажарилди.

Гўшт топшириш мажбуриятининг бажарилишида чўчқачилик катта аҳамиятга эга бўлди. Давлатга 6 минг 437 центнер арзон ва сифатли чўчқа гўшти етказиб берилди.

Районимиз пахтакорлари жонажон Коммунистик партиямизнинг тарихий XXII съезди давом этиб турган кунларда — 21 октябрда пахта тайёрлаш планини муддатидан олдин — 45 иш кунида бажариб, катта ғалабани қўлга киритдилар. Партиямиз XXII съездига муносиб меҳнат туҳфаси тайёрладилар.

Пахтадан мўл ҳосил етиштиришда Ленин номли колхоздан К. Маматкаримов, Х. Шерматов, Карл Маркс номли колхоздан А. Рисқулов, Ш. Мўминов, Шверник номли колхоздан М. Суяров сингари механизаторларнинг хизмати ғоят катта бўлди.

Пахтакорларнинг ғайрат камарини маҳкам боғлаб, астойдил қилган меҳнатлари туфайли мажбуриятни ҳам ошириб бажарадиган миқдорда мўл ҳосил етиштирилди.

Уюшқоқлик билан бошланган иш баракали натижаларини берабошлади. Пахта тайёрлаш плани ўтган йилларга нисбатан анча олдин бажарилди. Сувли ва шартли суғориладиган ерларнинг ҳар гектаридан ўртача 25 центнердан ҳосил кўтарилди. Пахтакорларимиз пайкаллардаги ҳосилни ҳисоблаб чиқиб, гектар бошига яна 5 центнердан қўшимча пахта териб топшириш мажбуриятини олишди. Ҳосилнинг 80 проценти биринчи сортга топширилди.

Районда биринчи бўлиб, «Бахмал» совхозининг пахтакорлари маррага етдилар (Директори С. Абдусаттаров, партком секретари А. Усанов ўртоқлар). Улар шартли суғориладиган пахта майдонларининг гектаридан 18 центнердан ҳосил кўтардилар.

Ленин номли колхоз миришкорлари (раиси Омон Шайзаков, партия комитетининг секретари Абдураҳим Жонибеков ўртоқлар) 40 кунда — 14 октябргача 477 гектар сувли ва шартли суғориладиган майдоннинг ҳар гектаридан 25 центнердан «оқ олтин» олиб, планни муддатидан олдин бажардилар. Ҳосилнинг 85 проценти биринчи сортга топширилди.

Колхоз партия ташкилоти ва правлениеси ўз имкониятларини ҳисобга олиб, ҳар гектардан яна 6 центнердан пахта териб топшириш мажбуриятини олишди.

2-«Ғаллаорол» совхоз коллективи (директори И. Бузик, партия комитетининг секретари Т. Умиров ўртоқлар) шартли суғориладиган ерлардан гектарига 15 центнердан ҳосил олиб, 19 октябрь куни пахта тайёрлаш планини ошириб бажарди. Шунингдек, Шверник номли колхоздан Қўчқор Бердиқулов, Соат Холиков, Абдираҳмон Мамаюсупов, К. Шералиев, Ж. Эшматов, «Коммунизм» колхозидан С. Суюнов ўртоқлар бошлик бригадалар ҳам ҳар гектаридан 27-30 центнердан ҳосил кўтариб, социалистик мажбуриятларини бажардилар.

Бундай муваффақиятларни қўлга киритишда ташкилий ишларни барвақт, пухта амалга ошириш катта роль ўйнади. Йил бошидаёк колхоз ва совхозларнинг раҳбарлари маълумотли, ишда синалган ёш кадрлар ҳисобига мустаҳкамланди. Хўжаликлардаги партия ташкилотларининг роли оширилди. Бригада бошликларининг шахсий жавобгарлиги ва ишга масъулияти ортди. Меҳнаткашлар ўртасида меҳнат интизоми мустаҳкамланиб, иш унумдорлиги оширилди.

КПСС Программаси ва Устави проектлари меҳнаткашларга чуқур тушунтирилди. Тарихий ҳужжатлардан ғоят илҳомланган азамат меҳнаткашларнинг сиёсий ва меҳнат активлиги ҳар қачонгидан ошиб кетди.

Районимиздаги «Бахмал», 1-«Ғаллаорол», 2-«Ғаллаорол» совхозларининг ишчи-хизматчиларидан 2000 дан кўпроқ киши қўшни Жиззах район пахтакорларига актив ёрдам қилмоқдалар.

Район колхоз, совхозларида кузги ер ҳайдаш ва дон экишда катта ишлар бажарилди. Дон экиладиган 60 минг гектар ернинг деярли ҳаммасига кузда ғалла экишга қарор қилинди. Прогрессив метод — августда дон экишга алоҳида эътибор берилди.

Колхоз ва совхозларимиз чорвадорлари ҳамма урғочи молларни сунъий кочиришга пухта тайёргарлик билан киришиб, бу ишни қизғин давом эттирмоқда.

Хўжаликларда чорва моллар кишловига тайёргарлик ҳам яхши борянти. Ҳамма қишлов бинолари сифатли ремонт қилинди, етарли ем-хашак жамғарилди.

Ёш кадрларни, шунингдек хотин-қизларни раҳбарлик лавозимларига кўтаришда анча ишлар қилинди. Бир қанча хотин-қизлар ферма мудири, бригада бошликлари ва бошқа раҳбарлик ишларига тайинландилар. Улар ўз вазифаларини муваффақият билан бажармоқдалар.

Ғаллаорол район қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари КПСС XXII съездидан илҳомланиб, шонли етти йилликнинг учинчи йилида эришаётган ютуқларини янада мустаҳкамлайдилар. Ҳамма соҳалар бўйича олинган социалистик мажбуриятларини ошиғи билан адо этадилар.

Х. ЭСОНҚУЛОВ.
Ўзбекистон КП Ғаллаорол район комитетининг секретари.

Яна 1200 тонна

ХОРАЗМ области. Қўшкўпир районидаги Охунбобоев номли колхоз аъзолари тайёрлаш пунктига 3.380 тонна «оқ олтин» топшириб, йиллик планни бажардилар.

Механизмларни кенг қўлланиш хўжаликка катта фойда берди. Бу ерда бир центнер пахтанинг таннархи 13 сўмдан ошмайди.

Қишлоқ меҳнаткашлари 7 ноябргача давлатга йиллик пландан ташқари 1.200 тонна пахта сотишга аҳд қилдилар. Ҳар бир гектардан 46 центнердан пахта олинади.

ҚУЙИ ЧИРЧИҚ РАЙОНИ ПАХТА ТАЙЁРЛАШ ПЛАНИНИ БАЖАРДИ

Қуйи Чирчиқ районининг меҳнаткашлари КПСС XXII съезди шарафига социалистик мусобақани тобора кучайтириб, катта ғалабани қўлга киритдилар. Район пахтакорлари пахта тайёрлаш йиллик планини Тошкент областида иккинчи бўлиб 22 октябрь куни 100,05 процент қилиб бажардилар. Давлатга 12937 тонна «оқ олтин» топширилди. Бу — ўтган йил шу вақтгача топширилганидан 4890 тонна кўпдир. Пахтанинг 98 проценти биринчи сортга қабул қилинди. 5196 гектар ернинг ҳар гектаридан 25 центнердан ҳосил кўтарилди. 7905 тонна пахта тайёрлов пунктларига қоп-қанорсиз етказиб берилди. 5220 тонна ҳосил машиналарда териб олинди.

Район лубкорлари ҳам катта ютуқларга эришдилар. Давлатга 111 минг тонна каноп пояси сотилди — план 123 процент бажарилди. Ҳар гектар ердан ўрта ҳисобда 100 центнердан каноп пояси ўриб олинди.

Шунингдек давлатга пилла сотиш плани 100,3 процент, гўшт сотиш плани 102,3 процент, тухум сотиш плани 108,5 процент, жун сотиш плани 112,2 процент бажарилди. 40422 тонна, яъни ҳар бир сигир ҳисобига 15 тоннадан силос бостирилди.

Район меҳнаткашлари ўз имкониятларини ҳисоблаб чиқиб, давлатга сотиладиган каноп поясини 115 минг тоннага, каноп уруғини 950 тоннага етказиш, даладаги барча пахта ҳосилини Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 44 йиллиги кунигача йиғиб-териб олиш, келгуси йил мўл ҳосили учун пухта замин ҳозирлаб қўйиш мажбуриятини олдилар.



Қуйи Чирчиқ районидаги «Ўзбекистон ССР беш йиллиги» совхозининг илғор механик-ҳайдовчилари (чапдан): Акрам Азизхўжаев, Иброҳим Мамажонов, Ҳамрали Худойназаров, Қодир Харачих, Мамит Расуловлар мавсум бошлангандан бери 75—100 тоннадан пахта тердилар.

А. Абалян фотоси.

Қанча пахта топширилди?

Ўзбекистон ССР областларида пахта тайёрлашнинг, ҳосилни қоп-қанорсиз ташишнинг бориши тўғрисида 1961 йил 23 октябргача бўлган

МАЪЛУМОТ

(Пахта тайёрлаш — планга нисбатан, машина терими ва ҳосилни қоп-қанорсиз ташиш — мажбуриятга нисбатан процент ҳисобида)

Областлар	Пахта тайёрлаш: Бир кунда	Пахта тайёрлаш: Мавсум бошидан бери	Пахта тайёрлаш: Машина терими	Пахтани қоп-қанорсиз ташиш
Самарқанд	1,69	83,19	43,46	91,62
Хоразм	1,51	79,80	17,24	37,23
Тошкент	1,39	76,06	47,35	83,41
Андижон	0,89	74,77	35,90	94,02
Сурхондарё	0,94	71,15	47,56	84,51
Бухоро	0,86	66,23	17,58	56,83
Қорақалпоғистон АССР	1,25	61,21	19,50	33,97
Фарғона	0,83	60,88	9,34	63,02

Редактор З. И. ЕСЕНБОЕВ.

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

24 ОКТЯБРДА

19.00 — КПСС XXII съезди материаллари ва Телевизион янгиликлар (ўзбек тилида), 19.35 — А. Андреев Лениниана (ўзбек тилида) 20.05 — Музика луғати саҳифаларидан (ўзбек тилида), 20.25 — Спорт кундалиги, 20.45 — КПСС XXII съезди материаллари ва Телевизион янгиликлар (рус тилида), 21.15 — Номсиз орол номли бадиий фильм).

КИНО

ҚИШКИ КИНОТЕАТРЛАРДА:

Машъаллар — «ВАТАН», «ДРУЖБА» (1- залда), «МИР» (кундуз ва кечқурун).

Яна юлдузлар сари, Қудратли қанотлар — «ВАТАН» (кеч соат 10 да), «ИСКРА» (3- залда кундуз ва кечқурун), «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» (кундуз 3 да).

Руль бошқарувчининг жасорати — НАВОИЙ номли (кундуз ва кечқурун).

Синчалак (кундуз соат 3-20 минутда ўзбек тилида), Коммунист (кеч 6-50 минутда) — НАВОИЙ номли.

Паҳлавон — «ИСКРА» (1 ва 2-залда кеч соат 5 гача).

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 24/X да Майсаранинг иши, 25/X да Трубадур.

ҲАМЗА НОМЛИ ТЕАТРДА — 24/X да Фурқат (кеч соат 7 да бошланади), 25/X да Олма гуллаганда.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 25/X да янги спектакль Тошболта ошиқ.

1961 йил 3 ноябрь кундуз соат 3 да, Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Ижтимоий фанлар бўлимининг бирлашган илмий совети мажлисида (Навоий кўчаси, 55-а уй, ижтимоий фанлар институтларининг конференц-зали)

С. Иброҳимов

филология фанлари доктори деган илмий даражани олиш учун: «Ўзбек тилининг касб-ҳунар лексикаси» (Фарғона шеваларининг материаллари асосида) деган темада

ДИССЕРТАЦИЯ ЁҚЛАЙДИ

Диссертация билан Фанлар академияси кутубхонасида танишиш мумкин (А. Тўқаев кўчаси, 1-уй).

«Қизил Ўзбекистон», «Правда Востока» ва «Ўзбекистони Сурх» бирлашган нашриётининг босмахонаси, Тошкент шаҳри
Р 12607 Нашр. В. 250.